

Истикмол

Ислом Нури 2011
www.islamnuri.com



1. АРАБИЙ ИЛМЛАР

Араб тилини яхши билиш учун барча арабий илмларни билиш лозим бўлади. Арабий илмларнинг машҳурлари ва кўпроқ керак бўлганлари беш фандир:

- 1) Луғат илми;
- 2) Сарф илми;
- 3) Наҳв илми;
- 4) Китобат илми;
- 5) Маъоний (ёки балоғат) илми.

Луғат илми

Араб тилида истеъмолда бўлган барча лафзлар луғатда қандай маънони англатишини баён қиладиган илмга **луғат илми** дейилади. Луғат китоблари кўп бўлиб, улардан машҳурлари:

القاموس العربي الأوزبكي , القاموس المحيط , المنجد , لسان العرب

Сарф илми

Калималарнинг сийғаларини, яъни ҳарф ва ҳаракатлари қандай равишда ўзгаришини ва шу ўзгаришлар туфайли калималарнинг маънолари ўзгаришини баён қиладиган илмга **сарф илми** дейилади. Масалан: Бир масдардан бир қанча муштақларнинг иштиқоқ қилиниши ва уларнинг қандай вазн ва маънода бўлишларининг ҳар бири сарф илмида баён қилинади. Шунингдек, калималарнинг идғоми ва иълоли сабаблари билан воқеъ бўлган ўзгаришлар ҳам сарф илмида баён қилинади. Сиз буларнинг ҳаммаси билан сарф фанида танишиб чиққан бўлсангиз керак. Энди ушбу китобда сиз наҳв илмини ўргана бошлайсиз.

Наҳв илми

Калималардан қай равишда калом (ёки жумла)лар таркиб топишини ва калом ичида келган калималарнинг охирлари қандай айтилишини баён қилувчи илмга **наҳв илми** дейилади. Наҳв илмини ўрганишдан мақсад араб тилида тўғри сўзлаш ва арабий китобларни тўғри ўқиб, мазмунларини тўғри тушунишдир.

Араб тилида калималарнинг охирлари турли жумлаларда турлича келади. Масалан: رَأَى زَيْدٌ (Зайд кўрди), رَأَيْتُ زَيْدًا (Зайдни кўрдим), نَظَرْتُ إِلَى زَيْدٍ (Зайдга қарадим) жумлаларида “Зайд” калимасининг охиридаги ҳаракатлар уч жумлада уч хил келган. Бир калиманинг охирини ўзгартириш билан каломнинг маъноси ҳам ўзгаради. Масалан: رَأَى زَيْدٌ بَكْرًا дейилса, Зайд Бакрни кўрганлиги тушунилади. Лекин رَأَى زَيْدًا بَكْرًا дейилса, Бакр Зайдни кўрганлиги тушунилади.

Калималарни бир-бирига қўшиб калом таркиб қилишда махсус қоидалар бордир. Қоидасиз таркиб қилинган каломнинг мазмуни тушунарли бўлмагани каби каломни қоидасиз таркиб қилиб сўзлаган сўзловчининг мақсади ҳам тушунарли бўлмайди. Масалан: زَيْدًا جَالِسًا فِي الْحَدِيقَةِ дейилса, Зайднинг боғда ўтирганлиги тушунилади. Лекин زَيْدًا فِي جَالِسٍ الْحَدِيقَةِ أَنَّ дейилса, ҳеч бир фойдали маъно чиқмайди.

Каломнинг таркиб топиши қоидалари ва каломдаги калималар охирларининг қоидалари ҳар бири наҳв илмида баён қилинади. Наҳв илмининг қоидалари баёнигача аввал арабий калималар неча қисмга бўлиниши ва ҳар бир турдаги калиманинг ўзига хос ҳукмларини билиш лозим. Шу сабабли китобнинг аввалида калималарнинг қисмлари баён қилинади.

2. ЛАФЗ ВА КАЛИМА

Лафз (لَفْظٌ) - сўз демакдир. Калима (كَلِمَةٌ) - маъноли сўз демакдир. Маъносиз (“жиз-биз” каби) сўзга калима дейилмайди, балки муҳмал лафз (бўш сўз) дейилади. Араб тилида калималар уч қисмдан иборатдир: اَدَات - Адот(ёки ҳарф), فَعْل - Феъл, اِسْم - Исм.

1. **Адот** бошқа бир калимага қўшилмагунча мустақил маънога эга бўлмаган калимадир. Масалан: فِي، اِلَى، مِنْ، كَ، لِ، بِ، кабилар.

2. **Феъл** бир иш-ҳаракатнинг бажарилиши ва унинг бажарилиш замонини англатган калимадир. Масалан: فَتَحَ (очди), مَا فَتَحَ (очмади), يَفْتَحُ (очади), لَا يَفْتَحُ (очмайди), لِيَفْتَحَ (очсин), لَا يَفْتَحُ (очмасин), اَفْتَحَ (оч), لَا تَفْتَحُ (очма).

3. **Исм** бир нарсанинг номи бўлган калимадир: رَجُلٌ، زَيْدٌ، اِنْسَانٌ، فَرَسٌ، حَيَوَانٌ، حَجْرٌ каби.

Араб тилида феъл ва ҳарфлардан бошқа калималарнинг ҳар бири исм жумласидандир. Масалан: فَتَحَ (очмоқ), فَتَحَ (очувчи), مَفْتُوحٌ (очик), فَتَّاحٌ (моҳир очувчи), اَفْتَحَ (очувчирок), مَفْتُوحٌ (очиш ўрни), مِفْتَاحٌ (очқич), خَمْسَةٌ (беш), هُوَ (у), هَذَا (бу), الَّذِي (шундайки), لَيْلٌ (тун) каби калималарнинг ҳар бири исм жумласидан ҳисобланади.

3. ИСМ ТУРЛАРИ

Исм 8 турга бўлинади:

- 1) اسم ذات - исми зот;
- 2) اسم صفة - исми сифат;
- 3) اسم وصف - исми васф (масдар);
- 4) اسم ظرف - исми зарф;
- 5) اسم عدد - исми адад;
- 6) اسم ضمير - исми замир;
- 7) اسم اشارة - исми ишора;
- 8) اسم موصول - исми мавсул.

ИСМИ ЗОТ

Исми зот нарсанинг зотига далолат қилган калимадир: رَجُلٌ، زَيْدٌ، اِنْسَانٌ، فَرَسٌ، حَجْرٌ، بَغْدَادٌ каби.

Исми зот 2 қисмдир: исми хос ва исми ом.

Фақат бир нарсага хос бўлган исми зотларга **исми хос** дейилади: زَيْدٌ، اَحْمَدُ، زَيْنَبُ، دُلْدُلٌ، بَغْدَادُ، دَجَلَةٌ каби.

Кўп нарсаларга умумий бўлган исми зотларга **исми ом** дейилади: رَجُلٌ، اِنْسَانٌ، فَرَسٌ، حَيَوَانٌ، بَلَدَةٌ، نَهْرٌ каби.

Исми хосларга **алам** (عَلَمٌ) ва исми омларга **исми жинс** (اِسْمٌ جِنْسٌ) ҳам дейилади.

ИСМИ ХОС (алам)

Алам икки қисмга бўлинади: алами муртажал ва алами манқул.

Аввал бошданок бир нарсага махсус исм қилиб қўйилган аламларга **алами муртажал** дейилади: غَطَفَانَ، عَمْرَانَ، فُقْعَسَ каби.

Аввалда аламликдан бошқа маъноси бўлиб, кейин бир нарсага исм қилиб кўчирилган аламларга **алами манқул** дейилади.

Манқул аламларнинг:

- 1) Баъзилари исми жинсдан кўчирилгандир: **حَيْدَرُ** (аслида арслон маъносида), **جَعْفَرُ** (аслида жилға маъносида) каби.
- 2) Баъзилари исми сифатдан кўчирилгандир: **حَسَنٌ**, **أَحْمَدُ**, **حَمَّادٌ**, **مَحْمُودٌ**, **عَارِفٌ** каби.
- 3) Баъзилари исми масдардан кўчирилгандир: **عِرْفَانٌ**, **رَشَادٌ**, **صَلَاحٌ**, **نُضْلٌ**, **هَدَايَةٌ** каби.
- 4) Баъзилари исми макон сийғасидан кўчирилгандир: **مَشْهَرٌ**, **مَظْهَرٌ** (шаҳар), **مَسْقَطٌ** (шаҳар) каби.
- 5) Баъзилари исми олат сийғасидан кўчирилгандир: **مِصْبَاحٌ**, **مِنْهَاجٌ**, **مِفْتَاحٌ** каби.
- 6) Баъзилари феълдан кўчирилгандир: **شَمْرٌ** (от исми), **يَزِيدٌ**, **يَشْكُرُ**, **يَنْبَعُ** (шаҳар) каби.
- 7) Баъзилари ажамий тилдан, яъни арабчадан бошқа бир тилдан кўчирилгандир: **يَعْقُوبُ**, **إِبْرَاهِيمُ**, **إِسْكَنْدَرُ** каби.
- 8) Баъзилари икки калимадан таркиб топган сўзлардан кўчирилгандир: **عَبْدُالرَّحْمَنِ**, **عَبْدُاللَّهِ**, **مُحَمَّدٌ**, **بَعْلَبَيْكُ**, **خَضِرَمَوْتُ**, **شَمْسُ قَمَرٍ**, **أَحْمَدُ** каби.

Исм, лақаб ва куня

Инсонга энг биринчи қўйилган исмга **алам** дейилади: **جَعْفَرُ**, **هَارُونُ**, **أَحْمَدُ** каби.

Мақташ ёки мазамматлаш учун инсонга аввалги исмидан кейин ишлатилган аламга **лақаб** дейилади: **الْهَادِي**, **الرَّشِيدُ**, **الصَّادِقُ** каби.

ابْنُ عَبَّاسٍ, **أَبُو حَنِيْفَةَ**, **أَبُو بَكْرٍ**, **أَبُو الْقَاسِمِ** калималари қўшилган аламларга **куня** дейилади: **أُمُّ**, **أَبُو**, **أُمُّ كَلْبُومٍ** каби.

Қонда: *Исм бўлган аламларга **ال** кирмайди.* Масалан: **الرَّيْدُ**, **الْبَكْرُ**, **الْعَمْرُ**, **الْمَرْيَمُ** дейилмайди.

Лекин аслида масдар ёки исми сифат бўлган аламларга гоҳо **ال** киради: **الرَّشَادُ**, **الْفَضْلُ**, **الْحَارِثُ**, **الْعَبَّاسُ**, **الْحُسَيْنُ**, **الْحَسَنُ** каби.

Лақаб бўлган аламларга **ال** киради: **الرَّشِيدُ**, **الْهَادِي** каби.

Шунингдек, тасния ва жамъ қилинган аламларнинг ҳар бирига ҳам **ال** кириши мумкин: **الزَيْدَانِ**, **الْمَرْيَمَاتُ**, **الْمَرْيَمَانِ**, **الْبَكْرُونَ**, **الْبَكْرَانِ**, **الزَيْدُونَ**, **الزَيْدُونَ** каби.

ИСМИ ОМ (исми жинс)

Хабарингиз борки, исми жинс кўп нарсаларга умумий бўлган исми зотдир: **رَجُلٌ** каби. Исми жинсга умумлашган нарсаларга **фард** дейилади. Масалан: **رَجُلٌ** исми жинс, **زَيْدٌ**, **بَكْرٌ**, **عَمْرٌ** лар эса **رَجُلٌ** нинг фардларидир.

Муъарраф ва мунаккар

Исми жинс икки хилда: гоҳо **ال** билан, гоҳо **ال** сиз истеъмом қилинади. **ال** ли бўлган исми жинсларга **муъарраф** дейилади. **ال** сиз бўлган исми жинсларга **мунаккар** дейилади.

Муъарраф бўлган исми жинсдан кўпинча маълум бир фарди мақсад қилинади: **الْفَرَسُ**, **الرَّجُلُ غَنِيٌّ** **الْفَرَسُ**, **الرَّجُلُ** кабики, маълум бир киши ва маълум бир от кўзда тутилгандир.

Баъзида муъаррафдан маълум бир фарди мақсад қилинмай, балки умумий жинс кўзда тутилади: **الرَّجُلُ الْفَرَسُ أَحْسَنُ مِنَ الْحِمَارِ**, **الرَّجُلُ أَقْوَى مِنَ الْمَرْأَةِ** **الْفَرَسُ**, **الرَّجُلُ** кабики, эркак жинси ва от жинси демакдир.

Баъзи муъарраф бўлган исми жинсларнинг жамъларидан жинсларнинг ҳамма бўлаклари ёки умуман ҳаммаси мақсад қилинади: الرَّجَالُ أَقْوِيَاءُ , الرَّجَالُ حَسَنٌ , الْجُمْلَالُ кабики, ҳамма кишилар ва ҳамма отлар деган маънони англатади.

Мунаққар бўлган исми жинслардан одатда маълум ва муайян бўлмаган бир фарди - қисми ирода қилинади: فَرَسٌ , رَجُلٌ кабики, бир киши ва бир от маъносида бўлиб, қайси киши ва қайси от эканлиги муайян эмас.

Қоида: *Муъарраф бўлган исми жинсларнинг охирида ҳеч қачон танвин бўлмайди.* Масалан: الرَّجُلُ , الْفَرَسُ дейиш мумкин эмасдир.

ИСМИ СИФАТ

Бир нарсанинг бир сифат билан сифатланишига далолат қилган исмга **исми сифат** дейилади. Масалан: عَالِمٌ , مَعْلُومٌ , عَلَامٌ , أَعْلَمُ , حَسَنٌ , بَغْدَادِيٌّ

Сарф илмида баён қилинган исми фоил, исми мафъул, исми фаъъл, исми тафзил ва сифати мушаббаҳа сийғалари ҳамда فَرَانِيٌّ ва بَغْدَادِيٌّ каби исми мансубларнинг ҳаммалари исми сифат жумласидандирлар. Исми замон ва макон ҳамда исми олат сийғалари масдардан иштиқоқ қилинган бўлса-да, лекин исми сифат жумласидан эмасдир, балки исми зот ҳукмидадирлар.

Исми сифатларнинг маънолари феъл маъноларига яқин бўлгани учун **шибҳи феъл** деб ҳам номланади. Исми сифатларнинг вазнлари ва сарфланишлари сарф қоидалари китобларида баён қилинган. Исми сифатлар калом ичида кўпинча бир мавсуфга эргашиб, мавсуфларини сифатлаш ва танитиш учун зикр қилинадилар.

Қоида: *Исми сифатлар музаккар ва муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда доимо мавсуфларига эргашиб келадилар.* Масалан:

الرَّجُلُ الْعَالِمُ، الرَّجُلَانِ الْعَالِمَانِ، الرَّجَالُ الْعُلَمَاءُ، الْمَرْأَةُ الْعَالِمَةُ، الْمَرْأَتَانِ الْعَالِمَتَانِ، التَّسَاءُ الْعَالِمَاتُ

ИСМИ ВАСФ

Бир ишни қилмоқ ва бир ҳолда бўлмоқ маъносида бўлган исмларга **исми васф** ёки **масдар** дейилади: الْفَتْحُ (очмоқ), الضَّرْبُ (урмоқ), الْجُلُوسُ (ўтириш) каби.

Араб тилида масдар вазнлари кўп бўлиб, сарф китобларида 70 га яқин масдарлар вазни келтирилган. Масдарларнинг турлари ҳам сарф илмида баён қилинган.

ИСМИ ЗАРФ

Бир ишнинг қилинган замонига ё қилинган маконига далолат қилган калимага **исми зарф** дейилади.

Замонга далолат қилган исми зарфларга **зарфи замон** дейилади:

مَتَى (қай вақт), أَيَّانَ (қачон), الْيَوْمَ (бугун), غَدًا (эртага), أَمْسٍ (кеча), قَبْلُ (аввал), بَعْدُ (кейин).

Маконга далолат қилган исми зарфларга **зарфи макон** дейилади:

أَيْنَ (қаерда), أَيْنِ (қаердан), هَاهُنَا (манави ерда), هُنَالِكَ (анави ерда), ثَمَّ (у ерда), بَيْنَ بَيْنَ (икки ўртада), حَيْثُ (шу ўринда).

ИСМИ АДАД

Санок-сон ва ададга далолат қилган калимага **исми адад** дейилади. Масалан:

1 - وَاحِدٌ، 2 - اثْنَانِ، 3 - ثَلَاثَةٌ، 4 - أَرْبَعَةٌ، 5 - خَمْسَةٌ، 6 - سِتَّةٌ، 7 - سَبْعَةٌ، 8 - ثَمَانِيَةٌ، 9 - تِسْعَةٌ، 10 - عَشْرَةٌ، 20 - عِشْرُونَ، 30 - ثَلَاثُونَ، 40 - أَرْبَعُونَ، 50 - خَمْسُونَ، 60 - سِتُّونَ، 70 - سَبْعُونَ، 80 - ثَمَانُونَ، 90 - تِسْعُونَ، 100 - مِائَةٌ، 1000 - أَلْفٌ، 100000 - مِائَةُ أَلْفٍ، 1000000 - أَلْفُ أَلْفٍ.

Исми адад иккига: адади музаккар ва адади муаннасга бўлинади. Музаккар бўлган нарсаларнинг саноғи **адади музаккар**, муаннас бўлган нарсаларнинг саноғи **адади муаннас** деб

номланади. Адади музаккар билан адади муаннас бир-бирдан умуман фарқли бўлади. Уларнинг тафовутлари ва бир-бирлари билан нималарда бошқача эканликлари қуйида баён қилинади.

ТАЪДОД (санамоқ)

Энди бирдан миллионгача бўлган музаккар ададларнинг саналишини кўрасиз. Баъзи ададлар орасига кўп нуқталар қўйилган. Бу нуқталар ёзилмай қолган ададларга ишора учун бўлиб, ўқувчилар нуқта бўлган ўринларда ёзилмай қолган ададларни аввалгисига қиёс қилиб санайдилар. Бу китобда **خَادِم** калимаси санаб кўрсатилган. Бу калимани санаб бўлганларидан кейин ўқувчилар шунга қиёсан **كِتَابٌ - كُتُبٌ ، جَمَلٌ - جَمَالٌ ، فَرَسٌ - أَفْرَاسٌ ، ابْنٌ - أَبْنَاءٌ ، رَجُلٌ - رِجَالٌ** каби калималарни ҳам санай олишлари керак.

Музаккар ададлар

خَادِمٌ وَاحِدٌ ، خَادِمَانِ (اِثْنَانِ) ، ثَلَاثَةٌ خُدَّامٍ ، أَرْبَعَةٌ خُدَّامٍ ، خَمْسَةٌ خُدَّامٍ ، سِتَّةٌ خُدَّامٍ ، سَبْعَةٌ خُدَّامٍ ، ثَمَانِيَةٌ خُدَّامٍ ، تِسْعَةٌ خُدَّامٍ ، عَشْرَةٌ خُدَّامٍ ،
أَحَدٌ عَشْرَ خَادِمًا ، اثْنَا عَشَرَ خَادِمًا ، ثَلَاثَةَ عَشَرَ خَادِمًا ... تِسْعَةَ عَشَرَ خَادِمًا ، عَشْرُونَ خَادِمًا ، أَحَدٌ وَعَشْرُونَ خَادِمًا ، اِثْنَانِ وَعَشْرُونَ خَادِمًا ، ثَلَاثَةٌ وَعَشْرُونَ خَادِمًا ... تِسْعَةٌ وَعَشْرُونَ خَادِمًا ، ثَلَاثُونَ خَادِمًا ، أَرْبَعُونَ خَادِمًا ، خَمْسُونَ خَادِمًا ، سِتُّونَ خَادِمًا ، سَبْعُونَ خَادِمًا ، ثَمَانُونَ خَادِمًا ، تِسْعُونَ خَادِمًا ،
مِائَةٌ خَادِمٍ ، مِائَةٌ وَخَادِمٍ ، مِائَةٌ وَخَادِمَانِ ، مِائَةٌ وَثَلَاثَةٌ خُدَّامٍ ... ثَلَاثُمِائَةٌ خَادِمٍ ... تِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ خَادِمًا ،
أَلْفٌ خَادِمٍ ، أَلْفٌ وَخَادِمٍ ، أَلْفٌ وَخَادِمَانِ ، أَلْفٌ وَثَلَاثَةٌ خُدَّامٍ ... أَلْفٌ وَتِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ خَادِمًا ، أَلْفَانِ وَخَادِمٍ ، أَلْفَانِ وَخَادِمَانِ ، أَلْفَانِ وَثَلَاثَةٌ خُدَّامٍ ... ثَلَاثَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ ، ثَلَاثَةُ أَلْفٍ وَتِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ خَادِمًا ... عَشْرَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ ، اثْنَا عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمٍ ، ثَلَاثَةُ عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمٍ ... مِائَةُ أَلْفٍ خَادِمٍ ، أَلْفُ أَلْفٍ خَادِمٍ .

Муаннас ададлар

خَادِمَةٌ وَاحِدَةٌ ، خَادِمَتَانِ (اِثْنَتَانِ) ، ثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ، أَرْبَعُ خَادِمَاتٍ ، خَمْسُ خَادِمَاتٍ ، سِتُّ خَادِمَاتٍ ، سَبْعُ خَادِمَاتٍ ، ثَمَانُ خَادِمَاتٍ ، تِسْعُ خَادِمَاتٍ ، عَشْرُ خَادِمَاتٍ ، أَحَدَى عَشْرَةَ خَادِمَةً ، اثْنَتَا عَشْرَةَ خَادِمَةً ، ثَلَاثُ عَشْرَةَ خَادِمَةً ... تِسْعَ عَشْرَةَ خَادِمَةً ، عَشْرُونَ خَادِمَةً ، أَحَدَى وَعَشْرُونَ خَادِمَةً ، اِثْنَتَانِ وَعَشْرُونَ خَادِمَةً ، ثَلَاثُ وَعَشْرُونَ خَادِمَةً ... تِسْعُ وَعَشْرُونَ خَادِمَةً ، ثَلَاثُونَ خَادِمَةً ، أَرْبَعُونَ خَادِمَةً ، خَمْسُونَ خَادِمَةً ، سِتُّونَ خَادِمَةً ، سَبْعُونَ خَادِمَةً ، ثَمَانُونَ خَادِمَةً ، تِسْعُونَ خَادِمَةً ،
مِائَةٌ خَادِمَةٍ ، مِائَةٌ وَخَادِمَةٍ ، مِائَةٌ وَخَادِمَتَانِ ، مِائَةٌ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ... مِائَتَا خَادِمَةٍ ، مِائَتَانِ وَخَادِمَةٍ ، مِائَتَانِ وَخَادِمَتَانِ ، مِائَتَانِ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ... ثَلَاثُمِائَةٌ خَادِمَاتٍ ... تِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعُ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً ،
أَلْفُ خَادِمَةٍ ، أَلْفٌ وَخَادِمَةٍ ، أَلْفٌ وَخَادِمَتَانِ ، أَلْفٌ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ... أَلْفٌ وَتِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعُ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً ، أَلْفَانِ وَخَادِمَةٍ ، أَلْفَانِ وَخَادِمَتَانِ ، أَلْفَانِ وَثَلَاثُ خَادِمَاتٍ ... ثَلَاثَةُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، ثَلَاثَةُ أَلْفٍ وَتِسْعُمِائَةٌ وَتِسْعُ وَتِسْعُونَ خَادِمَةً ، عَشْرَةُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، أَحَدٌ عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، اثْنَا عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، ثَلَاثَةُ عَشَرَ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، مِائَةُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ ، أَلْفُ أَلْفٍ خَادِمَةٍ .

Эслатма: Ўқувчи (خَادِمَةٌ - خَادِمَاتٌ) калималарини бирдан миллионгача санашни ўрганганидан кейин уларга қиёсан (صُحُفٌ - صَحِيفَةٌ ، نَوْقٌ - نَوَاقٌ ، رَمَكَاتٌ - رَمَكَةٌ ، نِسْوَةٌ - نِسْوَةٌ ، امْرَأَةٌ - امْرَأَةٌ) каби муаннас калималарни ҳам бирдан миллионгача санашни билиши керак.

Исми ададлар қоидалари

1. Қоида: Учдан ўнгача бўлган музаккар ададларнинг охирлари (ة) - тои таънисли, муаннас ададларнинг охирлари (ة) - тои таъниссиз истеъмол қилинади.

2. **Қоида:** (عَشْرُونَ تِسْعُونَ، مِائَةٌ، أَلْفٌ) *каби ададлар музаккар нарсалар учун ҳам муаннас нарсалар учун ҳам бир хилда истеъмол қилинади.*

3. **Қоида:** *Учдан ўнгача бўлган музаккар ададларнинг ҳам, муаннас ададларнинг ҳам маъдудлари ҳар доим жамъ сийгада бўлиб, охирлари мажрур, яъни касрали бўлади:*
(ثَلَاثَةُ خُدَامٍ عَشْرَةَ خُدَامٍ) (ثَلَاثُ خَادِمَاتٍ عَشْرُ خَادِمَاتٍ).

4. **Қоида:** *Ўн бирдан тўқсон тўққизгача бўлган музаккар ва муаннас ададларнинг маъдудлари ҳар доим бирлик сийгасида бўлиб, охирлари мансуб, яъни фатҳали бўлади:*
(أَحَدٌ عَشْرَ خَادِمًا تِسْعَةً وَ تِسْعُونَ خَادِمًا) (أَحَدِي عَشْرَةَ خَادِمَةً تِسْعٌ وَ تِسْعُونَ خَادِمَةً)

5. **Қоида:** *Мائة ва ألف ададларининг маъдудлари ҳар доим бирлик сийгасида бўлиб, охирлари мажрур, яъни касрали бўлади:* مائة خادِم، ألف خادِم

Эслатма: Юқорида санаб ўтилган мисолларга қарасангиз, уларнинг ушбу қоидаларга мувофиқ эканлигини кўрасиз. Исми ададларнинг бу ҳукмларидан бошқа ҳукмлари ҳам мисоллардан тегишириб кўрилсин.

Тартиб сонлар

Юқорида ёзилган санок исмларининг маъдудлари орасида тартиб ва даража эътибор қилинмайди. Агар маъдуд нарсалар (биринчи, иккинчи, учинчи) каби тартиб билан саналиши керак бўлса, исми ададларнинг кўплари исми фоил вазнига туширилади: **الثَّانِي، الثَّالِثُ، الثَّانِيَةُ، الثَّالِثَةُ.**

Исми фоил вазнига туширилган исми ададлар исми ададликдан чиқиб, исми сифат ҳукмида бўлади ва **тартиб сонлар** деб аталади.

Музаккар исмлар учун бўлган тартиб сонлар

الأوَّلُ، الثَّانِي (ثَانٍ)، الثَّالِثُ، الرَّابِعُ، الخَامِسُ، السَّادِسُ، السَّابِعُ، الثَّامِنُ، التَّاسِعُ، العَاشِرُ، الحَادِي عَشَرَ، الثَّانِي عَشَرَ، الثَّالِثَ عَشَرَ... العِشْرُونَ، الحَادِي والعِشْرُونَ، الثَّانِي والعِشْرُونَ، الثَّالِثُ والعِشْرُونَ... الثَّلَاثُونَ... التَّسْعُونَ، المِائَةُ، الحَادِي والمِائَةُ، الألف... ..

Муаннас исмлар учун бўлган тартиб сонлар

الأوَّلِي، الثَّانِيَةُ، الثَّالِثَةُ، الرَّابِعَةُ، الخَامِسَةُ، السَّادِسَةُ، السَّابِعَةُ، الثَّامِنَةُ، التَّاسِعَةُ، العَاشِرَةُ، الحَادِيَةَ عَشَرَ، الثَّانِيَةَ عَشَرَ، الثَّالِثَةَ عَشَرَ... العِشْرُونَ، الحَادِيَةَ والعِشْرُونَ، الثَّانِيَةَ والعِشْرُونَ، الثَّالِثَةَ والعِشْرُونَ... التَّسْعُونَ... .. المِائَةُ، الحَادِيَةَ والمِائَةُ... .. الألف... ..

Нисбий сонлар

الأَحَادِي (الوَاحِدَانِي) (бирлик)، الثَّنَائِي (иккилик)، الثَّلَاثِي، الرَّبَاعِي، الخَمَاسِي، السُّدَاسِي، السَّبَاعِي، الثَّمَانِي، التَّسَاعِي، العِشَارِي... ..

Ё к и

مُوَحَّدٌ (бирланган)، مُثْنِي (иккиланган)، مُثَلَّثٌ، مُرَبِّعٌ، مُخَمَّسٌ، مُسَدَّسٌ، مُسَبِّعٌ، مُثَمَّنٌ، مُتَسِّعٌ، مُعَشَّرٌ... ..

Такрорий сонлар

أَحَادٌ (битта-битта)، ثَنَاءٌ، ثَلَاثٌ، رُبَاعٌ، خَمَاسٌ، سُدَاسٌ، سَبَاعٌ، ثَمَانٌ، تِسَاعٌ، عَشَارٌ

Ё к и

مُوَحَّدٌ، مُثْنِي، مُثَلَّثٌ، مُرَبِّعٌ، مُخَمَّسٌ، مُسَدَّسٌ، مُسَبِّعٌ، مُثَمَّنٌ، مُتَسِّعٌ، مُعَشَّرٌ (ўнта-ўнта).

Энг машҳур касрали сонлар

1/2 النَّصْفُ 1/3 الثُّلُثُ 1/4 الرَّبْعُ 1/5 الخُمْسُ 1/6 السُّدُسُ 1/7 السَّبْعُ 1/8 الثَّمَنُ
 1/9 التَّسْعُ 1/10 العَشْرُ

ИСМИ ЗАМИР

Ғоиб, мухотаб (тингловчи) ёки мутакаллим (сўзловчи) шахсига далолат қилган калимага **исми замир** дейилади: أَنَا (мен), أَنْتَ (сен), هُوَ (у) каби.

Замирлар ҳам феъллар каби 14 сийғада: 6 та ғоиб, 6 та мухотаб ва 2 та мутакаллим сийғасида бўлади.

Исми замир икки хилдир: 1) мунфасил замирлар; 2) муттасил замирлар.

Мунфасил замир

Бошқа бир калимага боғланмасдан ўзи истъомол қилинадиган исми замирларга **мунфасил замир** (ажралган олмош) дейилади.

Мунфасил замирларнинг машхурлари қуйидагилардир:

| Сийғаси | Жинси | Муфрад | Тасния | Жамъ |
|------------|----------|--------|-----------|-----------|
| ғоиб | музаккар | هُوَ | هُمَا | هُمَّ |
| | муаннас | هِيَ | | هُنَّ |
| мухотаб | музаккар | أَنْتَ | أَنْتُمَا | أَنْتُمْ |
| | муаннас | أَنْتِ | | أَنْتِنَّ |
| мутакаллим | – | أَنَا | – | نَحْنُ |

Гоҳо ушбу замирлар фоили зикр қилинмаган феъллар остида яширинган бўладилар:

فَتَّحَ (هو)، فَتَّحَا (هما)، فَتَّحُوا (هم)، فَتَّحَتْ (هى)، فَتَّحَتَا (هما)، فَتَّحَنَ (هن)، فَتَّحَتِ (انت)، فَتَّحْتُمَا (انتما)، فَتَّحْتُمْ (انتم)، فَتَّحَتِ (انت)، فَتَّحْتُمَا (انتما)، فَتَّحْتِنَّ (انتن)، فَتَّحْتُ (انا)، فَتَّحْنَا (نحن)

Мафъул бўлиб келувчи мунфасил замирлар:

Қуйидаги замирлар **замири мунфасилаи мафъулийя** дейилади:

| Сийғаси | Жинси | Муфрад | Тасния | Жамъ |
|------------|----------|-----------|-------------|-------------|
| ғоиб | музаккар | أَيَّاهُ | أَيَّاهُمَا | أَيَّاهُمْ |
| | муаннас | أَيَّاهَا | | أَيَّاهُنَّ |
| мухотаб | музаккар | أَيَّاكَ | أَيَّاكُمَا | أَيَّاكُمْ |
| | муаннас | أَيَّاكِ | | أَيَّاكُنَّ |
| мутакаллим | – | أَيَّايَ | – | أَيَّانَا |

Муттасил замир

Бошқа бир калимага боғланиб истъомол қилинадиган исми замирларга **муттасил замир** (туташган олмош) дейилади. Улар қуйидагилардир:

| Сийғаси | Жинси | Муфрад | Тасния | Жамъ |
|------------|----------|--------|--------|--------|
| ғоиб | музаккар | هُ | هُمَا | هُمَّ |
| | муаннас | هَها | | هُنَّ |
| мухотаб | музаккар | كَ | كُما | كُكُمْ |
| | муаннас | كَ | | كُنَّ |
| мутакаллим | – | ئى | – | ئنا |

Замирнинг маржеъи

Ғоиб замирларнинг албатта юқорисида зикр этилган бир маржеъи бўлиши лозим. Маржеъ - замирдан мурод қилинган нарса ёки шахс демакдир. Масалан: **هو زيد** жумласидаги **هو** нинг маржеъидир. Яъни **هو** замири Зайдга қайтувчидир.

Гоҳида ғоиб замирнинг маржеъи иборада зикр қилинган бўлмайди, балки маънода англашилган бўлади. Масалан: **هو** нинг маржеъи бўлган **تصدق** кабики, иборада зикр қилинмагандир, балки **تصدقوا** нинг маъносидан тушунарлидир.

1. Қоида: *Замирнинг маржеъи доимо замирдан олдин зикр қилинган бўлади, яъни замир маржеъсидан олдин зикр қилиниши мумкин эмас.* Масалан: **ضرب زيدًا خادمه** дейилади, лекин **ضرب زيدًا** дейиш мумкин эмас.

Эслатма: **ضرب زيدًا خادمه** жумласида замир маржеъсидан олдин зикр қилинган кўринса-да, лекин аслида ундай эмас. Чунки бу жумла аслида **ضرب زيدًا خادمه** дир.

Баъзи жумлаларнинг аввалида музаккар ёки муаннас ғоиб замирлари зикр қилинган бўлади. Масалан: **هو زيدٌ كتب** Бу каби замирларнинг музаккарларига **замируш-шаън** ва муаннасларига **замирул-қисса** дейилади. Чунки бу замирларнинг музаккарлари ҳукман зикр қилинган **الشأن** га, муаннаслари ҳукман зикр қилинган **القصّة** га қайтувчидирлар. Бу жумлалар аслида **هو: الشأن هو: زيدٌ كتب، القصّة هي: زيدٌ كتب** дир. Яъни, иш шуки ёки қисса шуки, Зайд ёзди, демакдир.

2. Қоида: *Замирлар музаккар ёки муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда маржеъларига эргашадилар.* Масалан:

الرَّجُلُ هُوَ الْعَاقِلُ، الرَّجُلَانِ هُمَا الْعَاقِلَانِ، الرَّجَالُ هُمُ الْعُقَلَاءُ، الْمَرْأَةُ هِيَ الْعَاقِلَةُ، الْمَرْأَتَانِ هُمَا الْعَاقِلَتَانِ، النِّسَاءُ هُنَّ الْعَاقِلَاتُ.

3. Қоида: *Агар замирнинг маржеъи одамдан бошқа нарсаларнинг жамъ сийгаси бўлса, у ҳолда замир муфрад-муаннас сийгасида бўлади. Чунки одамзотдан бошқа нарсаларнинг жамъ сийгалари муфрад-муаннас ҳукмида саналади.*

Масалан: **الْكَتُبُ هِيَ الْمُفِيدَةُ، الْمَسَاجِدُ هِيَ الشَّرِيفَةُ، الْعِبَادَاتُ هِيَ الْوَاجِبَةُ**

ИСМИ ИШОРА

Бир нарсани ишора билан кўрсатиш учун зикр қилинган калимага **исми ишора** дейилади. Масалан: **ذا** (бу), **ذاك** (шу), **أولاء** (булар), **أولانك** (шулар).

Исми ишоралар қуйидагилардир:

| Сийға | Музаккар | Муаннас |
|--------|-----------|-----------|
| муфрад | ذا | تا |
| тасния | ذان ، ذين | تان ، تين |
| жамъ | اولاء | |

Муаннас учун гоҳида **تي، ذي، ته، ذه** лар ишлатилади.

Гоҳо мухотабни огоҳлантириш учун ушбу исми ишораларнинг аввалига **хон танбеҳ** деб номланган бир **هو** қўшилади:

| Сийға | Музаккар | Муаннас |
|--------|-------------|---------------|
| муфрад | هذا | هاتا ، هذه |
| тасния | هذان ، هذين | هатан ، هاتين |
| жамъ | هؤلاء | |

Баъзан исми ишораларнинг охирига **кофи хитоб** деб номланган бир **ك** қўшилади:

| | | |
|--------|--------------------|--------------------|
| Сийға | Музаккар | Муаннас |
| муфрад | ذَٰك | تَاكَ |
| тасния | ذَانِكَ ، ذَيْنِكَ | تَانِكَ ، تَيْنِكَ |
| жамъ | اُولَانِكَ | |

Исми ишораларнинг тасниядан бошқа, яъни муфрад ва жамъ сийғаларига гоҳида кофи хитобдан олдин **ломи баъд** деб номланган бир касрали **ل** қўшилади:

ذَٰلِكَ ، تَالِكَ (تِلْكَ) ، اُولَٰئِكَ

Кофи хитоб гоҳида сўзнинг мухотабига эргашиб, тасния ва жамъ сийғаларида ҳам истеъмол қилинади. Масалан: **ذَالِكُمْ خَيْرٌ** , **ذَالِكُمَا خَيْرٌ** , **ذَالِكِ خَيْرٌ** кабики, уччаласи ҳам “бу яхшидир” деган маънодадир. Лекин аввалгисида: сенга айтяпман, кейингиларда: сизларга айтяпман, деган мазмунларга ишора қилинган. **﴿ ذَالِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ ﴾** ибораси Қуръони Каримда («Бақара» 54-оят) ҳам келган.

Ушбу исми ишоралар кофи хитоб ва ломи баъдсиз ишлатилса, яқинга ишора учун бўлади: **ذَا** , **أُولَٰئِكَ** кабики, ушбу, ушбулар маъносидадир. Агар кофи хитоб билан бирга ишлатилса, узоққа ишора учун бўлади: **أُولَٰئِكَ** , **ذَالِكَ** кабики, анови, ановилар маъносидадир. Агар ломи баъд ва кофи хитобнинг ҳар иккиси билан ишлатилсалар, узоқроққа ишора учун бўлади: **أُولَٰئِكَ** , **ذَالِكَ** кабики, ҳу анови, ҳу ановилар маъносидадир.

Эслатма: Тил китобларида баъзан **ذَالِكَ** ни яқинга ишора учун ҳам истеъмол қилинади.

ИСМИ МАВСУЛ

Шу кишики, шу нарсаки, қайси нарсаки ва (-ган) маъноларида бўлган калимага **исми мавсул** дейилади. Мавсул исмлар жами 8та калимадир:

الَّذِي، الَّتِي، مَنْ، مَا، أَيُّ، أَيُّهُ، ذَا، ذُو

1) **الَّذِي** - (...ган), шундай кишики ёки шундай нарсаки, маъноларида бўлиб, музаккарнинг муфради учун истеъмол қилинади. Тасниясини **الَّذَانِ = اللَّذَيْنِ** , жамъи эса **الَّذِينَ** (баъзан **اللَّائِنِ** , **اللَّائُونِ**) кўринишида бўлади.

الَّذِي خَرَجَ هُوَ عَالِمٌ ، اللَّذَانِ خَرَجَا هُمَا عَالِمَانِ ، اللَّذِينَ خَرَجُوا هُمْ عُلَمَاءُ .

2) **الَّتِي** ҳам **الَّذِي** маъносида бўлиб, муаннас муфради учун истеъмол қилинади. Тасниясини **اللَّتَانِ =** **اللَّتَاتِي** , **اللَّلَوَاتِي** , **اللَّلَاتِي** , **اللَّلَائِي** (баъзан **اللَّلَائِي**) кўринишида келади.

الَّتِي ذَهَبَتْ هِيَ عَالِمَةٌ ، اللَّتَانِ ذَهَبَتَا هُمَا عَالِمَتَانِ ، اللَّلَاتِي ذَهَبْنَ هُنَّ عَالِمَاتٌ .

3) **مَنْ** - шундай шахс(лар)ки, (...ган) маъносида бўлиб, муфрад учун ҳам, жамъ учун ҳам, музаккар учун ҳам, муаннас учун ҳам истеъмол қилинаверади.

مَنْ قَرَأَ هُوَ عَالِمٌ ، مَنْ قَرَأُوا هُمْ عُلَمَاءُ ، مَنْ قَرَأَتْ هِيَ عَالِمَةٌ ، مَنْ قَرَأْنَ هُنَّ عَالِمَاتٌ .

Ушбу **مَنْ** инсонга ва ақл эгаларига хослангандир. Аллоҳ таъоло, фаришталар, инсонлар учун истеъмол қилинади. Бошқага истеъмол қилинмайди.

4) مَا - шу нарсаки маъносида бўлиб, музаккар бирлигида ишлатилади. Тасния ва жамъда йўқдир: مَا رَأَيْتَهُ شَيْءٌ عَجِيبٌ

Ушбу مَا инсондан бошқа нарсаларга, яъни ақл эгаларидан бошқаларга хослангандир. Инсон учун истеъмол қилинмайди.

5) أَيُّ - қайсиниси, қай бирики, маъноларида бўлиб, музаккар бирлиги учун истеъмол қилинади:

أَيُّهُمْ يَعْلَمُ فَهُوَ حَسَنٌ، أَيُّ الرَّجَالِ يَكْتَسِبُ فَهُوَ مَحْبُوبٌ.

6) أَيُّةٌ - أَيُّ нинг муаннасида:

أَيُّةٌ لَّا تَعْلَمُ فِيهَا جَاهِلَةٌ، أَيُّةٌ الْبَنَاتِ تَجْتَهُدُ فِيهَا حَسَنَةٌ.

7) ذَا ҳам алди маъносида бўлиб, доимо истифҳом (сўрок) ҳарфи مَا дан сўнг истеъмол қилинади. مَا الَّذِي تَفْعَلُ? аслида, аслида مَاذَا تَفْعَلُ?

8) ذُو ҳам алди ва الби маъносида бўлиб, Той қабиласи тилида истеъмол қилинади.

رَأَيْتُ الَّذِي خَرَجَ кабики, аслида رَأَيْتُ ذُو خَرَجَ

رَأَيْتُ الَّتِي خَرَجَتْ кабики, аслида رَأَيْتُ ذُو خَرَجَتْ

Қоидалар

1. **Қоида:** *Исми мавсулдан ирода қилинган зотни танитиш ва баён қилиш учун ҳар доим ортида бир жумла зикр қилинади:* الَّذِي خَرَجَ الْآنَ رَجُلٌ عَالِمٌ жумласидаги الْآنَ жумласи каби.

Юқорида санаб ўтилган барча исми мавсулларнинг мисолларида ушбу қоидага риоя қилинган.

Исми мавсул маъносини танитиш ва баён қилиш учун зикр қилинган ушбу жумла **силаи мавсул** ёки **жумлаи мавсулийя** деб номланади.

2. **Қоида:** *Жумлаи мавсулийяда исми мавсулга қайтувчи бўлган бир замир бўлмади лозимдир.* Масалан: الَّذِي خَرَجَ الْآنَ رَجُلٌ عَالِمٌ жумласидаги خَرَجَ феълининг остида бўлган هُوَ замири кабики, у الَّذِي га қайтувчидир.

Яна الَّذِي жумласидаги ضَرَبْتُهُ нинг охиридаги هُوَ замири кабики, у ҳам الَّذِي га қайтувчидир.

Баъзи жумлаи мавсулийяларнинг замирлари ҳазф қилинган, яъни туширилган бўлади. Масалан: الَّذِي ضَرَبْتُهُ رَجُلٌ جَاهِلٌ жумласида бўлгани кабики, аслида جَاهِلٌ дир.

ذُو، ذَا، أَيُّ، مَا، مَنْ калималари ҳар доим ҳам исми мавсул бўлавермайди. Баъзан бошқа мақсад ва бошқа маъноларда истеъмол қилинадилар. Неча хил маънода истеъмол қилинишлари китобнинг охиридаги «Ҳар турли сўзлар» қисмида баён қилинади.

ФЕЪЛ

Бир ишнинг бир замонда қилинганини ёки қилинишини ифода қилувчи калимага **феъл** дейилади. Замон уч хилдир:

1) Мозий - ўтган замон: فَتَحَ (очди); مَا فَتَحَ (очмади) каби.

2) Ҳол - ҳозирги замон: يَفْتَحُ (очаяпти); مَا يَفْتَحُ (очмаяпти) каби.

3) Мустақбал - келаси замон: يَفْتَحُ (очади); لَا يَفْتَحُ (очмайди) каби.

Маълумки, ҳар бир масдардан олти хил феъл иштиқоқ қилинади:

1) мозий; 2) мозийнинг инкори; 3) музореъ; 4) музореънинг инкори; 5) амр; 6) амрнинг инкори. Ушбу феълларнинг ҳар бирининг маъноларида уч замоннинг бири ифода этилади.

Мозий ва мозийнинг инкори феълларида ҳар доим ўтган замонда бир ишнинг қилинганлиги ва қилинмаганлиги ифода этилади: **مَا فَتَحَ** (очди, очмади) каби. Лекин дуо учун бўлса, жумлалардаги ўтган замон сийғасидан амри ғоиб маъноси, ўтган замон инкори сийғасидан наҳий ғоиб маъноси тушунилади. Масалан: **غَفَرَهُ اللَّهُ** кабики, **لِيَغْفِرَهُ اللَّهُ** демакдир ва **لَا رِزْقَهُ اللَّهُ** кабики, **لَا يَرْزُقُهُ اللَّهُ** демакдир. Бунга яна **صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ**, **رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ**, **رَحِمَهُ اللَّهُ**, **سَلَّمَهُ اللَّهُ** жумлалари ҳам мисол бўлади.

Музореъ феъли ҳозирги ва келаси замонга муштаракдир. Бинобарин, музореъ феълидан иш-ҳаракатнинг ҳозирги замонда қилинаётгани ёки келаси замонда қилиниши тушунилади. Масалан: **يَفْتَحُ** феъли баъзан “очаяпти” маъносида, баъзан “очади” маъносида бўлади. Ҳозирги замон ё келаси замон маъносида экани гапнинг ҳолатига қараб билинади.

Музореъ феъли баъзан ҳамма замонлар учун умумий бўлади, яъни ҳам ўтган, ҳам ҳозирги ва ҳам келаси замонда бир ишнинг қилиниб туришини англатади. Масалан: **يَتَجَرُّ** - савдогарчилик қилмоқда, ёки **يُدْرَسُ** - дарс бериш билан шуғулланмоқда, маъносини ифодалайди.

Музореъ феълининг инкори икки хил: ҳозирги замон инкори ва келаси замон инкори.

Иш-ҳаракатнинг ҳозирги замонда бажарилмаётганига далолат қилган музореъ инкорига **ҳозирги замон инкори** дейилади: **مَا يَفْتَحُ** (очмаяпти) каби.

Иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилмаслигига далолат қилган музореъ инкорига **келаси замон инкори** дейилади: **لَا يَفْتَحُ** (очмайди) ва **لَنْ يَفْتَحَ** (асло очмайди) каби.

Ҳозирги замон инкорининг аввалида доимо нофия **مَا** си, келаси замон инкорининг аввалида доимо нофия **لَا** си ёки нофия **لَنْ** и бўлади.

Аввалида нофия **لَنْ** и бўлган келаси замон инкоридан таъкид маъноси тушунилгани учун **келаси замон таъкид инкори** деб аталади.

Музореъ феълининг аввалига **لَمْ**, **لَمَّا** ҳарфлари кириши билан феъл маъноси бутунлай ўзгаради. Ҳозирги ёки келаси замонда бўлишлик маъноси ушбу икки ҳарф кириши биланок ўтган замон инкорига айланади. Яъни ҳозирги ёки келаси замонда бир ишнинг бўлишига далолат этиб турган феъл **لَمْ**, **لَمَّا** кириши билан ўтган замонда бир ишнинг бўлмаганлигига далолат этади. Масалан: **لَمْ يَفْتَحْ** - очмади; **لَمَّا يَفْتَحْ** - ҳеч очмади.

Амр ва наҳий сийғалари келаси замон учун хосдир. Булар одатда яқин келаси замон учун истеъмол қилинадилар. Масалан: **اِفْتَحْ** (оч) ва **لِيَفْتَحَ** (очсин), **لَا تَفْتَحْ** (очмагин) ва **لَا يَفْتَحُ** (очмасин) каби.

Наҳвшунос олимлар наздида феъл икки қисмга: мозий ва музореъ феълига бўлинади. Уларнинг эътиборларида ўтган замоннинг инкори ўтган замон феъли ҳукмидадир. Музореънинг инкори, амр ва амрнинг инкори сийғаларининг ҳар бири музореъ феъли ҳукмидадир.

Амр сийғаси ҳам аслида музореъдан ҳосил бўлгандир. Масалан: **اِفْتَحْ** аслида **لَتَفْتَحَ** дир. Кўп истеъмол қилингани учун енгиллатиш мақсадида ҳар бир амри хозир сийғасидан амр ломи билан музораъат ҳарфи бўлган те (**لـ**) ҳазф қилинган. Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф сукунли бўлган амрларда сукун билан бошлаш мумкин бўлмаганидан касралаи ёки заммали ҳамза билан бошланади. Масалан: **اَنْصُرْ، اصْرِبْ، اِفْتَحْ**

Музораъат ҳарфидан кейинги ҳарфи ҳаракатли бўлган амри ҳозирлар амр ломи билан музораъат ҳарфи ҳазф қилинганидан сўнг, ҳамзасиз ҳам бошланиши мумкин бўлганлиги учун ҳамзасиз айтилади. Масалан: **تَبَاعَدْ، جَالَسْ، تَعَلَّمَ، عَلَّمَ**.

Лекин **افعال** бобидан бўлган ами хозир сийғаларидаги музораъат ҳарфидан кейинги ҳарф хоҳ ҳаракатли бўлсин, хоҳ сукунли бўлсин, ҳар бирида фатҳали ҳамза билан бошлашлик умумий қоидадир. Масалан: **أَقْرَمَ، أَكْرَمَ.**

ФОИЛ ВА МАФЪУЛ

Бир иш-ҳаракатнинг бажарувчисига **фоил** дейилади. Жумла ва каломда ҳар бир феълнинг бир фоили зикр қилиниши лозимдир, фоилсиз феъл бўлмайди. Фоиб сийғаси бўлган феълларнинг фоиллари феълдан олдин ёки феълдан кейин зикр қилинган бўлади.

Масалан: **زَيْدٌ ذَهَبَ، ذَهَبَ زَيْدٌ.**

Мухотаб ва мутакаллим сийғаларининг фоиллари феъллари остида бўлган замирлар ҳисобланади. Масалан: **ذَهَبْتَ (انتَ)، ذَهَبْتُمَا (انتما)، ذَهَبْتُمْ (انتم)، ذَهَبْتِ (انتِ)، ذَهَبْتُمَا (انتما)، ذَهَبْتُنَّ (انتن)، ذَهَبْتُ (انا)، ذَهَبْنَا (نحن)**

Бир ишнинг қилинмиши бўлган шахс ёки нарсага **мафъул** дейилади.

Баъзи феълларнинг фоили ҳам, мафъули ҳам бўлади: **فَتَحَ زَيْدٌ أَبَا، جَمَعَ بَكْرٌ مَالًا، مَدَحَ عَمْرٌو خَالِدًا.**

Баъзи феълларнинг эса фоилигина бўлиб, мафъули бўлмайди: **جَلَسَ زَيْدٌ، قَدِمَ بَكْرٌ،**

Лозим ва мутаъаддий

Фақат фоили бўлиб, мафъулга эҳтиёжи бўлмаган феълларга **лозим** (ўтимсиз) **феъллар** дейилади: **جَلَسَ زَيْدٌ** (Зайд ўтирди) каби.

Фоили билан кифояланмай, мафъули ҳам бўлиши керак бўлган феълларга **мутаъаддий** (ўтимли) **феъллар** дейилади: **فَتَحَ زَيْدٌ أَبَا** (Зайд эшикни очди) каби.

Баъзи феълларнинг фақат битта мафъули бўлади: **مَدَحْتُ زَيْدًا** (Зайдни мактадим) каби.

Баъзи феълларнинг эса иккита мафъули бўлади: **أَعْطَيْتُ زَيْدًا ثَمَنًا** (Зайдга пулни бердим) каби.

Мутаъаддий қилиш йўллари

Лозим бўлган феълларни мутаъаддийга айлантириш учун уларни **إِفْعَالٌ** ёки **تَفْعِيلٌ** бобига кўчирилади ёки ушбу феъллардан сўнг жар ҳарфларидан ҳисобланган касрали **ـِ** билан бир мафъул келтирилади. Масалан:

أَذْهَبْتُ زَيْدًا (Зайдни кетказдим), **ذَهَبْتُ** (кетдим),

فَرَحْتُ زَيْدًا (Зайдни хурсанд қилдим), **فَرِحْتُ** (шодландим),

خَرَجْتُ بَرِيدًا (Зайдни чиқардим), **خَرَجْتُ** (чиқдим),

Бир мафъулли бўлган мутаъаддий феъллар **إِفْعَالٌ** ёки **تَفْعِيلٌ** бобига кўчирилса, икки мафъуллига айланади. Масалан:

أَغْلَمْتُ الْوَأَقِعَةَ زَيْدًا (Зайдга воқеани билдирдим), **عَلِمْتُ الْوَأَقِعَةَ** (воқеани билдим),

عَلِمْتُ الْمَسْئَلَةَ زَيْدًا (Зайдга масалани ўргатдим), **عَلِمْتُ الْمَسْئَلَةَ** (масалани билдим),

Қоидалар

1. Қоида: *Феъллар музаккар ёки муаннас бўлишида доимо фоилларига эргашади.*

Масалан: **الرَّجُلُ كَتَبَ، الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ**

2. Қоида: *Феъллар бирлик, тасния ва жамъликда ҳам фоилларига эргашади.*

Масалан: **الرَّجُلُ كَتَبَ، الرِّجَالُ كَتَبُوا. الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ، الْمَرْأَاتُ كَتَبْنَ، النِّسَاءُ كَتَبْنَ.**

3. Қоида: *Агар фоил одамзотдан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғаси бўлса, феъл доимо муфрад-муаннас сийғасида бўлади.*

Масалан: الْكُتُبُ نَفَعَتْ، الْاَيَّامُ طَالَتْ، الطُّيُورُ طَارَتْ.

4. Қоида: Агар феъл фоилдан олдин зикр қилинса, доимо бирлик сийгасида бўлади.

Масалан: كَتَبَ الرَّجُلَانِ، دَخَلَ الْمُسْلِمُونَ. كَتَبَتِ الْمَرَّاتَانِ، كَتَبَتِ النَّسَاءُ، دَخَلَتِ الْمَسْلَمَاتُ.

Эслатма: Феълларнинг сарф илмида баён қилинган қисмлари ва ҳолатлари эсингизда бўлса керак. Бу китобда уларнинг баёнига ҳожат йўқдир.

ТУРЛИ ФЕЪЛЛАР

Мақтов ва айблов феъллари

Мадҳ (мақтов) феъли иккитадир: نَعِمَ ва حَبَّأ - нақадар гўзал, қандай ҳам яхши маъносидадир.

حَبَّأ الرَّجُلَانِ، كَتَبَ الرَّجَالُ، دَخَلَ الْمُسْلِمُونَ. كَتَبَتِ الْمَرَّاتَانِ، كَتَبَتِ النَّسَاءُ، دَخَلَتِ الْمَسْلَمَاتُ.
حَبَّأ - мозий феъли;
حَبَّأ - исми ишора эса унинг фоилдир. Жумла - хабари муқаддам бўлади, исм ёки ундан кейин келадиган замир эса мубтадои муаххар бўлади.)

حَبَّأ الرَّجُلُ زَيْدٌ، نَعِمَ الرَّجُلُ زَيْدٌ، نَعِمَتِ الْمَرْأَةُ هِنْدٌ،

Зам (айблов) феъли ҳам иккитадир: بَسَّأ ва سَاءَ - қандай ҳам ёмон маъносидадир.

سَاءَتِ الْمَرْأَةُ هِنْدٌ، سَاءَ الرَّجُلُ بَكْرٌ، بَسَّتِ الْمَرْأَةُ هِنْدٌ، بَسَّ الرَّجُلُ بَكْرٌ،

Таажжуб феъллари

Араб тилида бир феълни таажжуб билан ифодаш керак бўлса, ушбу икки вазн билан таъбир этилади: أَفْعَلُ بِفُلَانٍ; مَا أَفْعَلُ فُلَانًا.

Масалан: مَا أَحْسَنَ بَرِيْدٌ ва مَا أَحْسَنَ زَيْدًا кабики, зоҳирий маънолари: “Зайдни нима чиройли қилди” ва “Зайдни чиройли қил”дир. Аммо кўзланган маъноси: “Зайд ажиб гўзалдир” (ёки мунча гўзал бўлмаса, нақадар чиройли-а!)

Эслатма: Ушбу икки сийганинг биринчиси أَفْعَالٌ бобидан мозий феъли сийгасидир, иккинчиси эса أَفْعَالٌ бобидан амри ҳозир сийгасидир.

Ушбу таажжуб сийғалари ҳеч қачон турланмайди, балки доим муфрад сийғасида истеъмол қилинади. Масалан:

مَا أَجْهَلَ زَيْدًا = أَجْهَلَ بَرِيْدٌ، مَا أَغْلَمَ زَيْدًا = أَغْلَمَ بَرِيْدٌ،
مَا أَسْمَعَ زَيْدًا = أَسْمَعَ بَرِيْدٌ، مَا أَبْصَرَ زَيْدًا = أَبْصَرَ بَرِيْدٌ،
مَا أَعْجَلَ زَيْدًا = أَعْجَلَ بَرِيْدٌ، مَا أَصْبَرَ زَيْدًا = أَصْبَرَ بَرِيْدٌ.

Муқораба феъллари

Қуйидаги феъллар муқораба (иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини яқинлаштирувчи) феъллар дейилади:

عَسَى، كَادَ، أَوْشَكَ، قَارَبَ، أَخَذَ، طَفِقَ، أَقْبَلَ، جَعَلَ.

- 1) عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ - Зайд чиқаёзди (чиқишга яқин бўлди).
- 2) كَادَ زَيْدٌ يَضْرِبُ - Зайд ураёзди.
- 3) أَوْشَكَ زَيْدٌ أَنْ يَذْهَبَ - Зайд кетаёзди.
- 4) قَارَبَ زَيْدٌ أَنْ يَغْضَبَ - Зайд ғазабланаёзди.
- 5) أَخَذَ زَيْدٌ يَأْكُلُ - Зайд ея бошлади.
- 6) طَفِقَ زَيْدٌ يَشْرَبُ - Зайд ича бошлади.
- 7) أَقْبَلَ زَيْدٌ يَكْتُبُ - Зайд ёза бошлади.

8) **جَعَلَ زَيْدٌ يَقْرَأُ** – Зайд ўқий бошлади.

Хукмий феъллар (исми феъллар)

Араб тилида кўриниши феъл сийғаларига ўхшамаса-да, аммо феъл хукмида истемол қилинадиган калималар бор. Уларга **хукмий феъл** дейилади. Феъл хукмида бўлган калималарнинг машҳурлари 25 тадир:

| № | исм.ф. | маъноси | № | исм.ф. | маъноси |
|----|------------|-----------------------|----|------------|--------------------|
| 1 | هَيَّاتَ | узоқ бўлди; йўқ, йўқ | 14 | هَاتَ | бўл, келтир |
| 2 | شَتَّانَ | ажралди; фаркли бўлди | 15 | هَاءَ | ол |
| 3 | سَرَّعَانَ | жуда яқин; тезлади | 16 | هَبَّ | ўйла, фараз қил |
| 4 | أَفَّ | тупурдим, фу, тфу | 17 | دَخَيْلَكَ | зинхор; бемалол |
| 5 | بَسَّ | етди; бас, етар | 18 | بَلَّهَ | қўй, у ёқда турсин |
| 6 | حَاشَا | дан бошқа, эҳтимолсиз | 19 | آمِينَ | қабул эт |
| 7 | رُوَيْدًا | муҳлат бер | 20 | لَوْلَا | агар бўлмаса эди |
| 8 | تَعَالَ | бери кел | 21 | عَلَيَّ | келтир |
| 9 | إِيَّاكَ | сақлан | 22 | إِلَيْكَ | кет, йўқол |
| 10 | كَأَنَّ | йўқ, ҳаргиз! | 23 | دُونَكَ | мана сенга, ол |
| 11 | حَيْهَلْ | келтир | 24 | عَلَيْكَ | лозим тут |
| 12 | حَيَّ | кел, шош, ошиқ | 25 | فَعَالَ | қил |
| 13 | هَلُمَّ | бери кел, тезлат, шош | | | |

Мисоллари:

هَيَّاتَ الْوُصُولُ، شَتَّانَ الْأَمْرَانِ، سَرَّعَانَ الْفَرَسُ، أَفَّ لَكُمْ، مَائَةَ الْفِ دِينَارِ بَسَّ، حَاشَا أَنْ أَخُونَ، رُوَيْدًا زَيْدًا، تَعَالَ هُنَا، إِيَّاكَ مِنَ الْغَيْبَةِ، كَأَنَّ لَا تَنْظُمُ أَحَدًا، حَيْهَلْ الطَّعَامِ، حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ، هَلُمَّ شَاهِدَكَ، هَاتِ دَلِيلَكَ، هَاءَ أَقْرَأَ الْكِتَابِ، هَبَّ أَنْتَ غَنِيٌّ، دَخَيْلَكَ عَلْمَنِي، بَلَّهَ الْجَدَلَ، آمِينَ يَا مُعِينُ، عَلَيَّ زَيْدًا، عَلَيْكَ بِالْعِبَادَةِ، إِلَيْكَ عَنِّي، دُونَكَ زَيْدًا، تَرَكَ الذُّنُوبَ.

Эслатма: **فَعَالَ** *вазнида бўлган хукмий феълларнинг ҳар бири амри ҳозир маъносида бўлади.* Масалан: **دَخَالَ = ادْخُلْ**, **نَزَالَ = انْزِلْ**

Адотлар (ҳарфлар)

Адот бошқа бир калимага кўшилмагунча ўзидан мустақил маъно англата олмайдиган калимадир: **بِ** лафзидаги **بِ** (билан) ҳарфи каби. Араб тилида юзга яқин турли адотлар бор.

Жар ҳарфлари

Жар қилувчи ҳарфлар 16 тадир:

حَتَّى (устидан), عَلَى (-га), إِلَى (-дан), عَنْ (-дан), مِنْ (-дан), فِي (-да), فِي (каби), ل (учун), ب (билан), وَ (ҳатто, -гача), مُنْذُ (-дан бери), مُنْذُ (-дан бери), حَاشَا (-дан бошқа), خَلَا (-дан бошқа), عَدَا (-дан бошқа), تَ - وَ (га қасамки).

Ушбу ҳарфлар исмининг аввалига қўшилиши билан ўша исми мажрур, яъни охирини касралади қиладилар. Шунинг учун улар “жар қилувчи ҳарфлар” деб аталади. Жар ҳарфларидан кейин келган калима **зул-жор** (мажрур) деб юритилади.

Жор-мажрурга мисоллар:

بَزِيدٍ، لَزِيدٍ، كَزِيدٍ، فِي الْمَسْجِدِ، مِنَ الْبَلَدَةِ، عَنِ الْبَيْتِ، إِلَى الْقَرْيَةِ، عَلَى الْبَيْتِ، حَتَّى الرَّأْسِ، مُذِ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، مُنْذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، حَاشَا زَيْدٍ، خَلَا زَيْدٍ، عَدَا زَيْدٍ، وَاللَّهِ، تَاللَّهِ.

Ҳарфи жарларга мулҳақ (қўшимча)лар

Қуйидаги калималар кейинги уламолар наздида жар ҳарфлари ҳукмида эътибор қилинади:

لَدُنْ مِنْ (олдида, ҳузурда), لَدَى، لَدُنْ (-дан бошқа), بَعِثَ، بَلَا، بِدُونِ، دُونَ، سِوَى (билан бирга), مَعَ (тарафидан). Масалан:

مَعَ زَيْدٍ، سِوَى زَيْدٍ، دُونَ زَيْدٍ، بِدُونِ زَيْدٍ، بِلَا أَدَبٍ، بَعِثَ أَدَبٍ، لَدَى زَيْدٍ، لَدُنْ زَيْدٍ، مِنْ لَدُنْ زَيْدٍ.

Эслатма: “Айрим, қўпгина” маъноларида бўлган **رُبَّ** калимаси жар ҳарфи эмас, балки мабний исмдир. Масалан: **رُبَّ صَدِيقٍ خَيْرٌ مِنْ شَقِيقٍ.**

Атф (боғлов) ҳарфлари

Бир калимани бошқа бир калима ҳукмига тобеъ қилиш учун истеъмол қилинадиган ҳарфларга **хуруфи атф** (боғловчи ҳарфлар) дейилади. Атф ҳарфларининг машхурлари 12 тадир:

لَا (ёки...ми?), أَمْ (ёки), أَوْ (ҳатто), حَتَّى (кейинроқ), ثُمَّ (сўнгра, кейинроқ), فَ (сўнг, ортиданок), وَ (ва), وَلا (ҳам эмас, ва на...), بَلْ (балки), لَكِنْ (лекин), أَيْ (яъни).

Мисоллари:

- جَانِنِي زَيْدٌ وَ بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд ва Бакр келди.
- جَانِنِي زَيْدٌ فَبَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд, сўнг Бакр келди.
- جَانِنِي زَيْدٌ ثُمَّ بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд, кейинроқ Бакр келди.
- مَاتَ النَّاسُ حَتَّى الْاَنْبِيَاءُ – Ҳамма одамлар, ҳатто пайғамбарлар ҳам ўлдилар.
- هُوَ عَالِمٌ أَوْ جَاهِلٌ – У олимдир ёки нодондир.
- أَزَيْدٌ أَمْ بَكْرٌ هُوَ – У Зайдми ёки Бакрми?
- جَانِنِي زَيْدٌ لَا بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд келди, Бакр эмас.
- لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ وَلَا بَكْرٌ – Менинг олдимга Зайд ҳам, Бакр ҳам келмади.
- الْاِنْسَانُ اِمَّا صَالِحٌ وَاِمَّا طَالِحٌ – Инсон ё солиҳ, ё фосиқдир.
- لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ بَلْ بَكْرٌ – Зайд келмади, балки Бакр келди.
- لَمْ يَجِيْ زَيْدٌ لَكِنْ بَكْرٌ – Зайд келмади, лекин Бакр келди.
- جَانِنِي الْمُعَلِّمِ اَيِّ مَحْمُوْدٌ – Менинг олдимга ўқитувчи, яъни Маҳмуд келди.

Баъзи жумлаларда **أَيِّ** туширилади. Масалан: **جَانِنِي حَبِيْبِكَ... زَيْدٌ** (атфи баён) жумласида бўлгани кабики, аслида **جَانِنِي حَبِيْبِكَ اَيِّ زَيْدٌ** дир.

Ва **رَأَيْتُ زَيْدًا اَيِّ رَأْسُهُ** (бадали баъз) жумласида бўлгани кабики, аслида **رَأَيْتُ زَيْدًا... رَأْسُهُ** дир.

Хуруфи мушаббаҳа билфеъл (феълга ўхшаш ҳарфлар)

Мубтадо ва хабарнинг олдига кириб, мубтадони насбли қиладиган ҳарфлар феълга ўхшаш ҳарфлар деб номланади. Улар 7тадир:

لَا (йўқ), لَعَلَّ (шояд), لَيْتَ (кошки), لَكِنْ (лекин), لَكِنَّ (гўёки), كَأَنَّ (албатта, шубҳасиз), اِنَّ (ва)

Мисоллари:

ان زَيْدًا عَالِمًا، سَمِعْتُ اَنْ زَيْدًا عَالِمًا، كَانَ زَيْدًا اَسَدًا، لَكِنَّ زَيْدًا فَقِيرًا، لَيْتَ زَيْدًا غَنِيًّا، لَعَلَّ زَيْدًا سَخِيًّا، لِأَخْيَرِ مَنْ زَيْدٍ مَوْجُودًا.

Эслатма: **икки хил истеъмол қилинади: Агар охири ҳарф бўлган н сукунлик бўлса, атф ҳарфи бўлади; ташидли н бўлса, феълга ўхшаш ҳарф ҳисобланади.**

ҲАР ТУРЛИ ҲАРФЛАР

Нидо ҳарфлари

Чақириш ва нидо қилиш учун истеъмол қилинган ҳарфларга **нидо ҳарфлари** дейилади. Нидо ҳарфлари 6 та: يَا، أَيَا، هَيَا، أَي، أَ، وَ.

Буларнинг ҳар бири “эй” маъносида бўлиб, وَ – кўпинча хафаликни изҳор этиш учун ишлатилади:

يَا عَبْدَ اللَّهِ، أَيَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ، هَيَا عَبْدَ الرَّحِيمِ، أَيُّ عَبْدَ الْحَمِيدِ، أَعْبَدَ الْعُفُورَ، وَ وَيْلًا، وَ حَسْرَتًا.

Истифҳом ҳарфлари

Савол ва истифҳом учун ишлатиладиган ҳарфлар иккита: هَلْ ва أ (...ми?)

أَ زَيْدٌ كَاتِبٌ؟ أ كَتَبَ زَيْدٌ؟ هَلْ زَيْدٌ كَاتِبٌ؟ هَلْ كَتَبَ زَيْدٌ؟

Жавоб ҳарфлари

Саволга жавоб тариқасида ишлатиладиган ҳарфлар 4 тадир: نَعَمْ (ха); لَا (йўқ); بَلَى (йўқ эмас, бор); إِي (ха, албатта).

أَجَاءَ زَيْدٌ؟ – Зайд келдими? **Х**а. نَعَمْ.

أَجَاءَ زَيْدٌ؟ – Зайд келдими? **Й**ўқ. لَا.

أَلَا تَعْلَمُ؟ – Билмайсанми? Билмайманмас, биламан. بَلَى.

هَلْ رَأَيْتَ السُّلْطَانَ؟ – Султонни кўрдингми? **Х**а, Аллоҳга касамки, кўрдим. وَاللَّهِ.

إِي كِسْقَارْتِيرِيلِب، أَيُّو، ҲАМ дейилади. وَاللَّهِ

Тарғиб ҳарфлари

Бир ишга тарғиб ва ташвиқ учун ишлатиладиган ҳарфлар 4 та: لَوْمًا ; لَوْلَا ; هَلَّا ; أَلَّا .

أَلَّا تَقْرَأُ الْقُرْآنَ – Ҳой, қуръон ўқисанг-чи.

هَلَّا تُحَصِّلَ الْعُلُومَ – Ҳой, илмларни ўқисанг-чи.

لَوْلَا تُعَلِّمُنِي – Ҳой, менга ўргатсанг-чи.

لَوْمًا تَأْتِينَا – Ҳой, бизнинг олдимизга келсанг-чи.

Нафий ҳарфлари

Нафий учун, яъни йўқлик маъносини ифодалаш учун ишлатиладиган ҳарфлар 6 та:

لَمْ، لَمَّا، مَا، لَا، لَنْ، اَنْ

لَمْ يَفْتَحْ، لَمَّا يَفْتَحْ، مَا يَفْتَحْ، لَا يَفْتَحْ، لَنْ يَفْتَحْ، اَنْ زَيْدًا اِلَّا كَاذِبٌ

Танбех ҳарфлари

Тингловчига танбех (эслатиш) учун ушбу 4 ҳарф ишлатилади: يَا هَا اَمَّا اَلَا

اَلَا اَنْكُمْ لِعَافِلُونَ، اَمَّا اَنْكُمْ لِعَافِلُونَ، هَا اَنْتُمْ اٰخِرُجُوا، يَا لَيْتَنِي كُنْتُ غَنِيًّا.

Совт-товуш

Араб тилида исм, феъл ва ҳарфдан ташқари яна бир хил калималар борки, улар **товушлар (овозлар)** деб юритилади.

Товушлар тингловчига танбеҳ учун, ажабланиш ва афсусланиш учун, хафалик учун, хайвонга бирор нарсани англатиш учун ва бирор нарсанинг овозини ўхшатиш учун талаффуз этиладиган овозлардир. Товушларнинг энг машҳурлари куйидагилардир:

Ажабланиш изхори учун - زُهْ وَاوَى ;
Афсусланиш изхори учун - آءُ، اُوءُ، وَاءُ -
Тез бўл - وَيَهَّا
Яна гапир - اِيهِي
Тўхта, гапирма - اَصَهْ، اِيَهْ -
Тўхта, қилма - مَهْ -
Тут, тут - هَا هَا -
Кулгунинг ифодаси учун - هَا هَا هَا -
Йўталнинг ифодаси учун - اَخْ اُخْ -
Ҳайвонни чақариш учун - بُسْ بُسْ -
Ҳайвонни тўхтатиш учун - بُسْ بُسْ -
Туяни чўктириш учун - نَخْ نَخْ، اِخْ اِخْ -
От туёғи товуши - حَبَطَطَطَطْ -
Қопқоқ овози - جَلْبَلَقْ -

МУЗАККАР ВА МУАННАС

Исм икки қисмдан иборат: музаккар (эр жинси) ва муаннас (аёл жинси). Охирида таънис (муаннаслик) аломати бўлмаган исмга **музаккар исм** дейилади.

Масалан: رَجُلٌ، جَمَلٌ، عَالِمٌ، اصْغَرُ، اَحْمَقُ

Таънис аломати уч хил: ة (тои мудаввара), ى (алифи мақсура), آ (алифи мамдуда).

Охирида ушбу таънис аломатларидан бири бўлган исмга **муаннас исм** дейилади.

Масалан: امْرَأَةٌ، نَاقَةٌ، عَالِمَةٌ، صُغْرَى، حَمَقَاءُ .

Музаккар исмлар аксар ҳолларда эркаклик маъносига далолат қилади. Айрим музаккар исмларнинг маънолари эса ҳақиқий музаккар бўлмайди.

Маъноси ҳам, лафзи ҳам музаккар бўлган исмга **музаккари ҳақиқий** дейилади.

Масалан: رَجُلٌ، جَمَلٌ، حِصَانٌ، خَادِمٌ .

Маъноси музаккар бўлмай, фақат лафзи музаккар бўлган исмга **музаккари ҳукмий** дейилади.

Масалан: كِتَابٌ، رَأْسٌ، نُورٌ، ذَهَبٌ .

Музаккарларда бўлгани каби, муаннас исмларнинг ҳам баъзилари **муаннаси ҳақиқий** (امْرَأَةٌ، رُكْبَةٌ، فَضَّةٌ، صَحِيفَةٌ) ва баъзилари **муаннаси ҳукмий** (رَمَكَةٌ، خَادِمَةٌ، نَاقَةٌ، ظُلْمَةٌ) бўлади.

Музаккари маънавий

Баъзи исмларнинг маъноси эркак жинсига далолат қилса-да, охирида ة бўлади. Бундай исмларга **музаккари маънавий** дейилади. Масалан: حَمْرَةٌ، خَلِيفَةٌ، عَلَامَةٌ .

Муаннаси маънавий

Баъзи исмларнинг маъноси аёл жинсига далолат қилса-да, уларда таънис аломатлари бўлмайди. Бундай исмларга **муаннаси маънавий** дейилади. Масалан: هِنْدٌ، زَيْنَبٌ، مَرْيَمٌ

Муаннаси самоъий

Араб тилида яна шундай исмлар ҳам борки, охирида таънис аломати ҳам йўқ, маънолари ҳам аёл жинсига далолат қилмайди. Шундай бўлса-да гапда муаннас ҳукмида ҳисобланади. Бундай исмларга **муаннаси самоъий** дейилади.

Муаннаси самоъий бўлган исмларнинг машҳурлари:

| | | | | | | | |
|-----------|-------------|----------|--------|------------|---------|---------|--------|
| عَقْرَبٌ | عَنْكَبُوتٌ | تَعَلَبٌ | اِبِلٌ | اَرْضٌ | سَمَاءٌ | شَمْسٌ | نَارٌ |
| чаён | ўргимчак | тулки | туя | ер | осмон | күёш | ЎТ |
| جَهَنَّمٌ | رِيحٌ | خَمْرٌ | عَصَا | بَيْرٌ | ذَلُوقٌ | كَاسٌ | دَارٌ |
| дўзах | шамол | ароқ | ҳасса | қудук | челак | коса | ҳовли |
| فُلُكٌ | نَفْسٌ | عَيْنٌ | اُذُنٌ | يَدٌ | ذِرَاعٌ | اصْبِعٌ | رِجْلٌ |
| кема | жон | кўз | қулоқ | қўл | билак | бармок | оёқ |
| فَخْدٌ | سَاقٌ | عَقَبٌ | تَعْلٌ | سَرَائِيلٌ | شِمَالٌ | يَمِينٌ | قَدَمٌ |
| сон | болдир | товон | туфли | шалвар | чап қўл | ўнг қўл | қадам |

بَغْدَادٌ، مِصْرٌ، شَامٌ، دِمَشْقٌ، بُخَارَى، جُرْجَانٌ каби ер, шаҳар ва қишлоқларнинг номлари ҳам муаннас ҳукмида жорий бўлади. كُتُبٌ ва اَفْرَاسٌ каби инсондан бошқа нарсаларнинг жамъ сийғалари ҳам муаннас ҳукмида бўлади.

ТАЪНИС АЛОМАТЛАРИ

Тои таънис (ة)

Муаннас исмларнинг бирлик сийғаларидаги тои таънис вақф (сукунлик) ҳолатида (ه = هـ) га қалб қилинганлиги учун (ة = ة) суратида ёзилади. Масалан: قُدْرَةٌ، رَحْمَةٌ، عَالِمَةٌ، امْرَأَةٌ

Бу шаклда ёзилган ة ларга **тои мудаввара** (думалоқ те) дейилади. Аммо муаннас исмларнинг кўплик сийғаларида ва мозий феълида бўлган тои таънислар вақф ҳолатида ه га қалб қилинмаганликлари учун (ت) суратида ёзилади. Масалан: عَالِمَاتٌ، مُسَلِمَاتٌ، فَتَحَتْ

Бу шаклда ёзилган теларга **тои товийла** (узун те) дейилади. Калиманинг охиридаги ҳарф аслий те бўлса, тои таънис дейилмайди. Шунга биноан улар ҳар доим узун шаклда ёзиладилар. Масалан: وَفَّتْ، نَبَاتٌ، سُكُوتٌ، ثُبُوتٌ .

Баъзи исмларда тои таънис ваҳдатни, яъни бирликни ифода этади. Масалан: تَمْرَةٌ، عِنْبَةٌ، صَرْبَةٌ кабики, бир марта урмоқ, битта узум ва бир дона хурмо маъносидадир. Аммо تَمْرٌ، عِنْبٌ، صَرْبٌ дейиладиган бўлса, мутлақ уриш, узум ва хурмо маъноларида бўлиб, бирликда ҳам, кўпликда ҳам ишлатилади.

Алифи мақсура

Алифи мақсура калимада тўртинчи ҳарф бўлганлиги учун ҳар доим ي суратида ёзилади. Масалан: فَتَوَى، لَيْلَى، حُبْلَى، عُلْمَى

Фақатгина غَلِيَا каби сўзларда алифи мақсура ل суратида ёзилади. Баъзи музаккар исмларнинг охиридаги алифлари ҳам аслида ي бўлгани учун ёки тўртинчи ва бешинчи ҳарф бўлгани учун ي суратида ёзилади. Лекин уларнинг алифлари таънис аломати эмас. Масалан: اَلْهُدَى، الرَّحَى، مُوسَى، عِيسَى، مُصْطَفَى .

Алифи мамдуда

Алифи мамдуда доимо آ суратида, яъни алиф ва ҳамза шаклида ёзилади.

Масалан: صَحْرَاءُ، حَمْرَاءُ، عَذْرَاءُ

قَرَاءُ، رِذَاءُ، كِسَاءُ каби калималардаги алифи мамдуда таънис аломати эмас. Чунки уларнинг ҳамзаси аслий ҳарфдир.

Таънис аломати бўлган алифи мамдуданинг ҳамзаси зоида ҳарф бўлиши лозим.

Исми фоил, исми мафъул, исми фаъвол (сийғаи муболаға) ва кўпинча сифати мушаббахаларнинг муаннас сийғалари тои таънисли бўлади. Масалан: جَمِيلَةٌ، رَقِاصَةٌ، مَعْلُومَةٌ، عَالِمَةٌ.

فَعْلَانُ вазнида бўлган сифати мушаббаханинг муаннас сийғаси кўпинча فَعْلَى вазнида келади. Гоҳида эса فَعْلَانَةٌ вазнида ҳам келади. Масалан: سَكْرَانٌ - سَكْرَى = سَكْرَانَةٌ، عَطْشَانٌ - عَطْشَى = عَطْشَانَةٌ

Баъзи вазнлар

أَفْعَلُ вазнида бўлган исмларнинг баъзиси исми тафзил, баъзиси сифати мушаббаха бўлади. Исми тафзил бўлганларининг муаннаслари алифи мақсура билан فَعْلَى вазнида келади: أَعْلَمٌ - عُلْمَى، أَكْبَرٌ - كُبْرَى

Сифати мушаббаха бўлганларининг муаннаслари алифи мамдуда билан فَعْلَاءُ вазнида келади: أَحْمَرٌ - حَمْرَاءُ، أَحْمَقٌ - حَمَقَاءُ

Беш турли исм فَعِيلٌ вазнида келиши мумкин: сифати мушаббаха (جَمِيلٌ); исми фаъвол (عَلِيمٌ); исми мафъул (فَتِيلٌ); исми масдар (صَهِيلٌ); исми зот (سَيْبِلٌ).

فَعِيلٌ вазнида бўлган исми мафъуллар музаккар учун ҳам, муаннас учун ҳам бир хилда истеъмол қилинади, муаннас учун тои таънис зиёда қилинмайди: *رَجُلٌ قَتِيلٌ*, *امْرَأَةٌ قَتِيلَةٌ* каби. *امْرَأَةٌ قَتِيلَةٌ* дейилмайди.

مفعولٌ, مفعالٌ, فَعُولٌ вазларида бўлган исми фаъол (муболага) сийгалари ҳам музаккар билан муаннас учун бир хилда истеъмол қилинади. Масалан: *رَجُلٌ صَبُورٌ*, *امْرَأَةٌ صَبُورٌ* (ғоят сабрли), *رَجُلٌ مَنكَّاحٌ* (ўта хушбўй), *رَجُلٌ مَعْطِرٌ*, *امْرَأَةٌ مَعْطِرَةٌ* (ўта хушбўй).

Муаннаслар учун *صَبُورَةٌ*, *مَنكَّاحَةٌ*, *مَعْطِرَةٌ* дейишлик хато бўлади.

Яна шунингдек, *رُوحٌ*, *عَرُوسٌ*, *بَكْرٌ*, *ثَيْبٌ* каби лафзлар ҳам музаккар билан муаннас учун бир хилда истеъмол қилинади.

حَائِضٌ, *حَامِلٌ*, *طَالِقٌ*, *عَاقِرٌ* каби эркаклар учун ҳеч тасаввур этилмайдиган, аёлларгагина хос исми сифатлар фақат муаннаслар учун истеъмол қилинганлиги учун тои таънисиз айтилаверади. Масалан: *امْرَأَةٌ حَائِضٌ*, *امْرَأَةٌ حَامِلَةٌ*, *امْرَأَةٌ طَالِقَةٌ*, *امْرَأَةٌ عَاقِرَةٌ*.

Ушбу исми сифатларни *حَائِضَةٌ*, *حَامِلَةٌ*, *طَالِقَةٌ*, *عَاقِرَةٌ* дейиш лозим эмасдир.

МУФРАД, ТАСНИЯ, ЖАМЪ

Исмлар уч хил: муфрад (бирлик), тасния (иккилик), жамъ (кўплик) сийгаларида ишлатилади.

Фақат битта нарсани ифодалаган исмга **муфрад** дейилади: *فَرَسٌ*, *مَكْتَبٌ*, *عَالِمٌ*, *عَالِمَةٌ* каби.

Агар исмдан икки нарса ирода қилинса, бу исмга **тасния** дейилади: *فَرَسَانٌ*, *مَكْتَبَانِ*, *عَالِمَانِ* каби.

Тасния қилиш қоидалари

1. **Қоида:** *Муфрад исмни таснияга айлантириши учун унинг охирига бир алиф билан касрали нун (ان) киритилади.* Масалан: *فَرَسَانٌ* – *فَرَسٌ* – *عَالِمَانِ* – *عَالِمٌ*.

Эслатма: *Тасниялардаги а баъзида сукунлик ى га қалб қилинади.* Масалан: *عَالِمَيْنِ*, *عَالِمَتَيْنِ*, *مَكْتَبَيْنِ*, *فَرَسَيْنِ*.

2. **Қоида:** *Агар муфрад исмнинг охирида аслида **و** бўлган **ا** бўлса, таснияга айлантирилганда шу **ا** **و** га қалб қилинади:* *عَصَا* – *عَصَوَانٌ* каби. *عَصَا* аслида *عَصَوٌ* дир.

3. **Қоида:** *Агар муфрад исмнинг охирида аслида **ي** бўлган **ا** бўлса, таснияга айлантирилганда шу **ي** га қалб қилинади:* *فَتَى* – *فَتَيَانٌ* каби. *فَتَى* аслида *فَتَيٌ* дир.

4. **Қоида:** *Охирида алифи мақсура бўлган муаннас исмнинг алифи тасния сийгасига айлантирилганда **ي** га қалб қилинади:* *حُبْلَى* – *حُبْلَيَانِ* каби. *صُغْرَى* – *صُغْرَيَانِ*, *حُبْلَى* – *حُبْلَيَانِ*.

5. **Қоида:** *Охирида алифи мамдуда бўлган муаннас исмнинг ҳамзаси тасния сийгасига айлантирилганда **و** га қалб қилинади:* *حَمْرَأَةٌ* – *حَمْرَأَوَانِ*, *صَحْرَاءُ* – *صَحْرَأَوَانِ* каби.

6. **Қоида:** *Охиридаги ҳамзалари аслий ҳарф бўлган исмларнинг ҳамзалари тасния сийгасига айлантирилганида **ي** га ҳам, **و** га ҳам қалб қилинмайди:* *رِذَاءٌ* – *رِذَائَانِ*, *قِرَاءٌ* – *قِرَاءَانِ* каби.

7. **Қоида:** *اَبُ* лафзи каби **муфрад** исмларнинг охиридаги ҳазф қилинган **و** лари тасния сийгаларида ҳазф қилинмайди: *أَبٌ* – *أَبَوَانِ*, *أَخٌ* – *أَخَوَانِ*, *حَمٌّ* – *حَمَوَانِ* каби.

أَبٌ, *أَخٌ*, *حَمٌّ* лафзлари аслида *أَبُو*, *أَخُو*, *حَمُّو* дирлар.

8. **Қоида:** *Тасния сийгалари бирор калимага изофа йўли билан кўшиб айтилганида охиридаги **ن** лари туширилади:* *مَكْتَبَانِكُمْ* = *مَكْتَبَيْكُمُ*, *فَرَسَانِكُمْ* = *فَرَسَيْكُمُ* каби. *مَكْتَبَانِكُمْ* деб айтилмайди.

Иккитадан ортиқ нарсани англатган исмга **жамъ** дейилади: **أَفْرَاسٌ**، **مَكَاتِبٌ**، **عَالِمَاتٌ**، **عَالِمُونَ** каби.

Жамъ сийғалари ҳам худди тасния каби муфраддан ясалади. Баъзи муфрад сийғаларини жамъ сийғасига айлантириш учун исмнинг охирига сукунлик **ن** билан фатҳали **ن** ҳарфлари орттирилади: **عَالِمُونَ** – **عَالِمٌ** каби. Баъзиларига эса **ا** ва **ت** ҳарфлари орттирилади: **عَالِمَةٌ** – **عَالِمَاتٌ** каби.

Баъзи муфрад сийғаларини жамъ сийғасига айлантиришда исмнинг вазни ўзгартирилади: **مَكْتَبٌ** – **مَكَاتِبٌ** каби.

Жамъ сийғалари икки хил: жамъи солим (соғ жамъ) ва жамъи мукассар (синик жам).

Муфрад исмнинг ҳарф ва ҳаракатлари ўзгартирилмасдан, охирига бир-икки ҳарф қўшиш билан ҳосил бўлган жамъларга **жамъи солим** дейилади: **عَالِمَاتٌ** – **عَالِمَةٌ**، **عَالِمُونَ** – **عَالِمٌ** каби.

Муфрад исмнинг ҳарф ва ҳаракатларини ўзгартириш билан ҳосил бўлган жамъларга **жамъи мукассар** ёки **жамъи тақсир** дейилади: **مَكْتَبٌ** – **مَكَاتِبٌ**، **فَرَسٌ** – **أَفْرَاسٌ** каби.

Жамъи музаккари солим (музаккарнинг соғ жамъи)

Охирига **و** ва **ن** қўшиб ясалган жамъи солимларга **жамъи музаккари солим** ёки **нунлик жамъ** дейилади: **عَالِمٌ** – **عَالِمُونَ**، **مُسْلِمٌ** – **مُسْلِمُونَ**، **عَلِيٌّ** – **عَلِيُّونَ** каби.

1. Қоида: *Ушбу жамъ эркак жинсидаги инсонларнинг исми сифатларига ва аламларига хос бўлиб, бошқа исмларга қўлланилмайди:* – **أَعْلَمٌ** – **كَذَابٌ** – **كَذَابُونَ**، **مَعْلُومٌ** – **مَعْلُومُونَ**، **زَيْدٌ** – **زَيْدُونَ** каби.

Муаннас исмлар ва исми жинслар нунлик жамъ билан жамъ қилинмайди. Масалан: **رَجُلٌ** – **رَجُلٌ** дейилмайди, балки **رَجَالٌ**، **زَيْبَاتٌ** дейилади.

Шунингдек, муаннаслари **فَعْلَاءٌ** вазнларида бўлган **أَحْمَرٌ** каби сифати мушаббаҳалар ҳам нунлик жамъ билан жамъланмайди. Масалан: **أَحْمَرُونَ** дейилмайди, балки **حُمْرٌ** дейилади.

Эслатма: *Ушбу қоидага хилоф равишда нунлик жамъ билан жамъ қилинган* **عَالِمٌ** **أَرْضٌ** – **أَرْضُونَ** каби исмлар жуда камдир.

2. Қоида: *Нунлик жамъларнинг* **و** *лари баъзи вақтда* (яъни насб ва жар ҳолатда) *олди касралаи бўлган* **ي** *га қалб қилинади:* **عَالِمُونَ** – **عَالِمِينَ**، **مِصْرِيُونَ** – **مِصْرِيِينَ** каби.

3. Қоида: *Нунлик жамълар бир калимага изофа йўли билан қўшиб айтилганда охиридаги* **ن** *лари соқит бўлади:* **عَالِمُكُمْ = عَالِمِيكُمْ**، **عَالِيُكُمْ = عَلِيَّكُمْ** каби.

Жамъи муаннаси солим (муаннасининг соғ жамъи)

Охирига **ا** ва **ت** қўшиб ясалган жамъи солимларга **жамъи муаннаси солим** ёки **толик жамъ** дейилади. Масалан: **عَالِمَاتٌ** – **عَالِمَاتٌ**، **كَلِمَاتٌ** – **كَلِمَاتٌ**، **جَدَاتٌ** – **جَدَاتٌ**

1. Қоида: *Охирида тои таънис бўлган исмларнинг жамълари ҳар доим толик жамъ бўлади.* Масалан: **عَالِمَاتٌ** – **عَالِمَاتٌ**، **حَمْرَاتٌ** – **حَمْرَاتٌ**، **عَالِمَاتٌ** – **عَالِمَاتٌ** каби.

2. Қоида: *вазнларида бўлган исмларнинг* **ع** *и тўғрисида бўлган ҳарфлар кўпинча жамъларида* **ف** *лари тўғрисида бўлган ҳарфларнинг ҳаракати билан ҳаракатланадилар.* Масалан: **تَمْرَاتٌ** – **تَمْرَاتٌ**، **سِدْرَاتٌ** – **سِدْرَاتٌ**، **حُجْرَاتٌ** – **حُجْرَاتٌ**

Лекин **تَمْرَاتٌ** дейилса ҳам жоиз.

3. Қоида: *Мазкур вазнларда бўлган исмлар* **ع** *и иллат ҳарфли бўлса, жамъларида* **ع** *лари доимо сукунлик бўлади.* Масалан: **عَوْرَاتٌ** – **عَوْرَاتٌ**، **بَيْضَاتٌ** – **بَيْضَاتٌ**، **صَوْرَاتٌ** – **صَوْرَاتٌ**

4. **Қоида:** Мазкур вазнларда бўлган исмлар сифати мушаббаҳа сийгаси бўлсалар, жамъларида *ع* лари мутлақо суқунли бўлиши керак. Масалан: *صَعْبَةٌ - صَعِبَاتٌ, صِرْفَةٌ - صِرْفَاتٌ, حُرَّةٌ - حُرَاتٌ*

5. **Қоида:** Музаққар сийгасида бўлган исми сифатлардан инсондан бошқа нарсалар ирода қилинса, жамълари *ات* ли бўлади. Масалан: *صَافِيٌّ - صَافِيَاتٌ, مَكْتُوبٌ - مَكْتُوبَاتٌ, مَأْكُولٌ - مَأْكُولَاتٌ*

Жамъи акбар (катта жамъ)

فَعَالِلٌ ва *فَعَالِلٌ* вазнларига ўхшаш шаклда бўлган жамъи тақсир сийғаларига жамъи акбар дейилади. Масалан: *دَفْتَرٌ - دَفَاتِرٌ, قِرْطَاسٌ - قِرَاطِيسٌ*

Жамъи акбар 10 вазнда келади:

| № | вазнлар | мисоллар | № | вазнлар | мисоллар |
|---|-----------|---------------------------|----|-----------|--------------------------|
| 1 | فَعَالِلٌ | دَفْتَرٌ - دَفَاتِرٌ | 6 | فَوَاعِلٌ | قَانُونٌ - قَوَانِينٌ |
| 2 | فَعَالِلٌ | ذِكَاكِيْنٌ - ذِكَاكِيْنٌ | 7 | أَفَاعِلٌ | أَفْضَلٌ - أَفْضَلٌ |
| 3 | مَفَاعِلٌ | مَكْتَبٌ - مَكَاتِبٌ | 8 | أَفَاعِلٌ | أَسْبُوْعٌ - أَسَابِيْعٌ |
| 4 | مَفَاعِلٌ | مِفْتَاحٌ - مِفْتَاحِيْحٌ | 9 | فَعَانِلٌ | رِسَالَةٌ - رِسَائِلٌ |
| 5 | فَوَاعِلٌ | قَاعِدَةٌ - قَوَاعِدٌ | 10 | تَفَاعِلٌ | تَمَثَالٌ - تَمَاتِيْلٌ |

Жамъи асғар (кичик жамъ)

Жамъи акбардан бошқа жамъи тақсирларга жамъи асғар дейилади. Жамъи асғарнинг вазнлари кўп бўлиб, улар бирор қоидага жамланмаган. Ҳар бир исмнинг жамъи асғари араблардан эшитиш йўли билан маълум бўлгандир. Эшитилган жамъи асғар вазнлари 32тадир:

| № | вазнлар | мисоллар | № | вазнлар | мисоллар |
|----|-------------|-----------------------------------|----|--------------|---------------------------------|
| 1 | فَعَلٌ | صَاحِبٌ - صَحْبٌ | 17 | فُعَالٌ | تَاجِرٌ - تُجَارٌ |
| 2 | فُعَلٌ | أَخْمَرٌ - خُمْرٌ | 18 | فُعَالٌ | جَبَلٌ - جِبَالٌ |
| 3 | فُعَلٌ | قِصَّةٌ - قِصَصٌ | 19 | فُعَالَةٌ | حَجَرٌ - حِجَارَةٌ |
| 4 | فُعَلٌ | فِرْقَةٌ - فِرَقٌ | 20 | فُعَالٌ | أَنْسَانٌ - أَنْسَانٌ (النَّاس) |
| 5 | فُعَلٌ | أَوْلَى - أَوْلٌ | 21 | فُعُولٌ | عَلِمٌ - عُلُومٌ |
| 6 | فُعَلٌ | كُتِبٌ - كُتِبٌ | 22 | فُعُولَةٌ | بَعُلٌ - بُعُولَةٌ |
| 7 | فُعَلَةٌ | عَلَامٌ - عَلَمَةٌ | 23 | فُعِيْلٌ | حَمَارٌ - حَمِيْرٌ |
| 8 | فُعَلَةٌ | طَالِبٌ - طَلَبَةٌ | 24 | فُعَلَانٌ | صَبِيٌّ - صَبِيَّانٌ |
| 9 | فُعَلَةٌ | قِرْدٌ - قِرْدَةٌ | 25 | فُعَلَانٌ | بَلَدٌ - بِلْدَانٌ |
| 10 | فُعَلَةٌ | هَادِيٌّ (ي) - هُدَاةٌ (هُدْيَةٌ) | 26 | مَفْعَلَةٌ | شَيْخٌ - مَشِيخَةٌ (مَشِيخَةٌ) |
| 11 | أَفْعَالٌ | فَرَسٌ - أَفْرَاسٌ | 27 | مَفْعُولَاءٌ | شَيْخٌ - مَشِيوُ خَاءٌ |
| 12 | أَفْعُلٌ | شَهْرٌ - أَشْهُرٌ | 28 | فُعَلَى | مَرِيضٌ - مَرَضَى |
| 13 | أَفْعَلَةٌ | سُؤَالٌ - أَسْئَلَةٌ | 29 | فُعَالَى | خَطِيئَةٌ - خَطَايَا |
| 14 | أَفْعَلَاءٌ | نَبِيٌّ - أَنْبِيَاءٌ | 30 | فُعَالَى | أَسِيرٌ - أَسَارَى |
| 15 | فُعَلَاءٌ | عَالِمٌ - عُلَمَاءٌ | 31 | فُعَالَى | أَهْلٌ - أَهَالٌ (الْأَهَالِي) |
| 16 | فُعَلٌ | رَاكِعٌ - رُكُوعٌ | 32 | فُعَالَةٌ | تَلْمِيذٌ - تَلَامِيذَةٌ |

Жамъул жамъ (кўпликнинг кўплиги)

Баъзи исмлар жуда кўпликни англатиш учун икки марта жамъланадилар. Масалан: **كَلْبٌ** нинг жамъи **أَكْلَبٌ** келади, **كَلْبٌ** нинг жамъи **أَكَالِبٌ** бўлиб келади. Шунга ўхшаш:

سَوَارٌ - اسْوَرَةٌ ، اسْوِيرٌ ، اسْوَرَةٌ . خَيْرٌ - اَخْبَارٌ ، اَخْبَارَاتٌ . رَجُلٌ - رِجَالٌ ، رِجَالَاتٌ .
صَاحِبٌ - صَوَاحِبٌ ، صَوَاحِبَاتٌ . جَمَلٌ - جِمَالٌ ، جِمَالَةٌ ، جِمَالَاتٌ .

Кўп жамълар

Баъзи исмларнинг икки, уч ва ундан ҳам кўпроқ турли хил жамълари бўлади. Масалан:

| | |
|---|-----------|
| صَبِيَّةٌ ، صَبِيَّانٌ ؛ | صَبِيَّةٌ |
| غُلَمَةٌ ، اَغْلَمَةٌ ، غُلَمَانٌ ؛ | غُلَامٌ |
| دُورٌ ، اَدْرٌ ، دِيَارٌ ؛ | دَارٌ |
| رِيحٌ ، اَرِيحٌ ، اَرْوَاحٌ ؛ | رِيحٌ |
| سُنُونٌ ، سُنُونَاتٌ ، سُنُونَاتٌ ، سُنُونَاتٌ ؛ | سَنَةٌ |
| بَحَارٌ ، بُحُورٌ ، اَبْحَارٌ ؛ | بَحْرٌ |
| شُبُوحٌ ، اَشْبَاحٌ ، شَيْخَةٌ ، شَيْخَانٌ ، مَشِيخَةٌ ، مَشِيخَاءٌ ، مَشَائِخٌ ، مَشِيخَاءٌ ؛ | شَيْخٌ |
| عِبَادٌ ، عِبِيدٌ ، عُبُودٌ ، اَعْبَادٌ ، اَعْبَادَةٌ ، اَعْبَادٌ ، مَعْبُودٌ ، مَعْبُودَةٌ ، مَعْبُودَةٌ ، مَعْبُودَةٌ ، مَعْبُودَةٌ ، مَعْبُودَةٌ ؛ | عِبْدٌ |
| عَبْدٌ ، عُبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ، عِبْدَانٌ ؛ | عَبْدٌ |

Турли ўзгаришга учраган жамълар

أَبُو - أَبَوْنَ ، أَبَاءٌ ؛ أُمٌّ - أُمَّهَاتٌ ؛ اُنْتَى - اَنَاتٌ ؛ اِبْنٌ - اِبْنَاءٌ ، بَنُونَ ؛ اِبْنَةٌ - بَنَاتٌ ؛ اَخُو - اَخْوَةٌ ، اِخْوَانٌ ؛
اُخْتٌ - اِخْوَاتٌ ؛ اِمْرَأَةٌ - نِسَاءٌ ، نِسْوَةٌ ، نِسْوَانٌ ؛ اِمَةٌ - اِمَاءٌ ؛ مَاءٌ - مِيَاءٌ ؛ شَاةٌ - شِيَاءٌ ؛ شَفَاءٌ - شَفَاءَةٌ ؛ تَوْبٌ -
تِيَابٌ ؛ فَمٌ - اَفْوَاهٌ ؛ حُوتٌ - حِيَتَانٌ ؛ نَارٌ - نِيرَانٌ ؛ مَيِّتٌ - مَوْتَى ، اَمَوَاتٌ ؛ بَتْرٌ - اَبَارٌ ؛ اَنٌ - اَنَاءٌ ؛ اَدَبٌ -
اَدَابٌ ؛ قَوْسٌ - قِيسَى ؛ ذَلُوٌ - ذُلَى ، اَذَلٌ (الاذلى) ؛ يَدٌ - اَيْدٍ (الايدي) ؛ عَدُوٌ - اَعْدَاءٌ ؛ اِمَامٌ - اِئِمَّةٌ ؛ قِيَاسٌ - اَقْيِسَةٌ ؛
حَلِيٌّ - حُلَى ؛ قَرِيَّةٌ - قُرَى (القرى) ؛ حَالٌ - اَحْوَالٌ ؛ يَوْمٌ - اَيَّامٌ ؛ لِحْيَةٌ - لِحَى (اللحي) ؛ اِنَاءٌ - اَنِيَّةٌ ؛ بَانِعٌ -
بَاعَةٌ ؛ حُسْنٌ - مَحَاسِنٌ ؛ شَافِعِيٌّ - شَافِعِيَّةٌ ؛ حَنْبَلِيٌّ - حَنْبَلَةٌ ؛ عَبْدِاللَّهِ - عِبَادِلَهٌ ؛ نَصْرَانِيٌّ - نَصَارَى ؛ عَرَبِيٌّ -
عَرَبٌ ؛ يَهُودِيٌّ - يَهُودٌ ؛ تُرْكِيٌّ - تُرْكٌ ؛ عَسْكَرِيٌّ - عَسْكَرٌ .

Жамъи қиллат ва жамъи касрат

Араб тилида учдан ўнгача бўлган кўпликни ифодалаш учун истеъмол қилинадиган жамъларга **жамъи қиллат** дейилади. Улар **أَفْعَلٌ ، اَفْعَالٌ ، فِعْلَةٌ ، اَفْعَلَةٌ** вазнларида келади: **كَلْبٌ** каби. **صَبِيَّةٌ ، اَيْتَامٌ ، اَفْلَسٌ**.

Ўндан кўп нарсани ифодалаш учун истеъмол қилинадиган жамъларга **жамъи касрат** дейилади. Масалан: **غُلَمَانٌ ، صَبِيَّانٌ ، يَتَامَى ، فُلُوسٌ**.

Тўққиз чақа тангаси бўлган араб кишиси «**لِي اَفْلَسٌ**» дейди, лекин «**لِي فُلُوسٌ**» демайди. Агар унинг чақа тангаси ўнтадан кўпроқ бўлса «**لِي فُلُوسٌ**» дейди, «**لِي اَفْلَسٌ**» демайди.

Қоида: **أَفْعَلٌ ، اَفْعَالٌ ، فِعْلَةٌ ، اَفْعَلَةٌ** вазнларида бўлган жамъи асгарлардан ташқари яна нунлик ва толик жамъларнинг ҳар бири жамъи қиллатдир. Булардан бошқа жамъи асгарларнинг ҳар бири жамъи касратдир.

ИСМИ ТАСҒИР

Бир нарсанинг кичиклигини ёки қадрсизлигини англатиш учун ёхуд эркалатиш мақсадида ясалган исмга **исми мусоғғор** (кичрайтирилган исм) ёки **исми тасғир** дейилади. Исми тасғир яшаш

учун исмининг аввалги ҳарфи заммали ва иккинчи ҳарфи фатҳали қилиниб, иккинчи ҳарфидан кейин бир сукунли *ي* ҳарфи қўшилади: **قَلَمٌ - قَلِيمٌ** (қаламча), **رَجُلٌ - رَجِيلٌ** (қадрсиз одам), **ابْنٌ - بُنْيٌ** (ўғилча) каби. Исми тасғир қуйидаги уч вазнда келади:

| | |
|-------------|---|
| فُعِيلٌ | رُجِيلٌ، فُؤَيْسٌ، قُلَيْمٌ، رُؤَيْسٌ |
| فُعَيْعِلٌ | دُرَيْهَمٌ، مَكْتَيْبٌ، مُسَيْجِدٌ، أَحْمِرٌ |
| فُعَيْعِيلٌ | مُسَيْكِيْنٌ، قُنَيْدِيلٌ، أُبَيْرِيْقٌ، سَكَيْكِيْنٌ |

Тасғир қоидалари

- Қоида:** *Учинчи ҳарфи ʼ ёки ʼ бўлган исмлар тасғир қилинганда исмларнинг ʼ ва ʼ лари ʼга қалб қилиниб, тасғир ʼи сизга идғом қилинади:* **كُتَيْبٌ - كِتَابٌ** ва **رُسَيْلٌ - رَسُولٌ** каби.
- Қоида:** *فَاعِلٌ вазнида бўлган исмининг алифи тасғир вақтида ʼга қалб қилинади:* - **شَارِبٌ - شَوْرِبٌ** каби.
- Қоида:** *فَاعُولٌ вазнидаги исмлар тасғир қилинганда ʼ лари ʼга ва ʼ лари ʼи ʼга қалб қилинади.* Масалан: **قَانُونٌ - قَوْنِيْنٌ**, **جَاسُوسٌ - جَوَيْسِيْسٌ**
- Қоида:** *مَفْعَالٌ ва مَفْعُولٌ вазлари шаклида бўлган исмлар тасғир қилинганда охирларидаги ʼ ва ʼ лари ʼи ʼга қалб қилинади.* Масалан: **مَكْتُوبٌ - مَكْتَيْبٌ**, **مِفْتَاحٌ - مَفْتِيْحٌ**
- Қоида:** *Охирида тои таънис бўлган исмлар тасғир қилинганда уларнинг ʼ лари ҳазф қилинмайди.* Масалан: **بَلْدَةٌ - بَلَيْدَةٌ**, **قَرْيَةٌ - قَرْيَةٌ**, **قَارُورَةٌ - قَوْرِيْرَةٌ**
- Қоида:** *خَوِيْصَةٌ، دُوِيْةٌ шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари шаклида бўлади.*
- Қоида:** *Таънис аломатидан бошқа муаннаси самоъий бўлган уч ҳарфли исмлар тасғир қилинганда охирларига бир тои таънис зиёда қилинади.*
Масалан: **أَرْضٌ - أَرِيْصَةٌ**, **رَجُلٌ - رُجَيْلَةٌ**, **عَصَاٌ - عَصِيَّةٌ**.
- Қоида:** *Беш ҳарфли бўлган исмлар тасғир қилинганда охирги ҳарфлари соқит бўлади.*
Масалан: **سَفْرَجٌ - سَفْرَجٌ**, **جَحْمَرٌ - جَحْمِرٌ**, **عَنْدَلِيْبٌ - عَنْدَلِيْبٌ**.
- Қоида:** *Идғом ёки эълол йўли билан ўзгартирилган исмлар аслларига қайтарилгандан сўнг тасғир қилинадилар.*
Масалан: **سَدٌّ - سَدَدٌ - سُدَيْدٌ**, **خَطٌّ - خَطَطٌ - خُطَيْطٌ**, **خُفٌّ - خُفْفٌ - خُفِيْفٌ**, **بَابٌ - بَوْبٌ - بُوَيْبٌ**, **نَابٌ - نَيْبٌ - نَيْبٌ**, **مِيْرَانٌ - مَوْرَانٌ - مُوْرِيْرِيْنٌ**.
- Қоида:** *Охиридаги ҳарфи иллатлари ҳазф қилинган исмлар тасғир қилинганда ҳарфи иллатлари қайтарилиб, тасғир ʼи си билан идғом қилинадилар.*
Масалан: **أَبٌ - أُبِيٌّ، أَخٌ - أُخِيٌّ**, **ابْنٌ - بُنْيٌ، يَدٌ - يَدِيَّةٌ**, **أَمَةٌ - أُمِيَّةٌ**.
Бу исмларнинг асллари **أَبُو**, **أَخُو**, **بُنُو**, **يَدِيَّةٌ** дир.
- Қоида:** *اِنْسَانٌ шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари қоидага хилоф равишда **دُوِيْرِيْنٌ، اُنَيْسِيَانٌ** шаклларида бўлади.*
- Қоида:** *سَكْرَانٌ، عَذْرَاءٌ، حُبْلِيٌّ шаклида бўлган исмларнинг тасғирлари **سَكْرَانٌ، عَذْرَاءٌ، حُبْلِيٌّ** шаклида бўлади.*
- Қоида:** *اَللَّذِيَّ، اَللَّذِيَّا، ذِيَّا шаклида бўлади.*
- Қоида:** *Баъзи исмлар аввал зоида ҳарфлари ҳазф қилиниб, сўнг тасғир қилинади.*
Масалан: **أَحْمَدٌ - حَمِيْدٌ**, **حَارِثٌ - حُرَيْثٌ**, **فَارُوقٌ - فُرَيْقٌ**.
Бу каби тасғирларга тасғир тархим, яъни қисқартирилган тасғир дейилади.

Агар бир нарсани бирор юрт, қабила ёки шу қаби бирор исмга нисбатлаш ирода қилинса, исмнинг охирига бир ташдидли ё (ى) қўшилади. Масалан: **مِصْرِيٌّ** - Миср диёрига мансуб, мисрлик, Мисрдан бўлган киши қаби маънолардадир. Бу қаби исмларга **исми мансуб** дейилади.

Қоидалар

1. **Қоида:** *Исми мансуб муаннас учун истеъмоладан қилинганда исмнинг охирига бир тои таънис туташилади.* Масалан: **مِصْرِيَّةٌ، بَغْدَادِيَّةٌ، قُرَآئِيَّةٌ**

2. **Қоида:** *Охирида тои таънис бўлган исмлар нисбат қилинганларида кўпинча ё лари ҳазф қилинади.* Масалан: **عَادَةٌ - عَادِيٌّ، تَجْرِبَةٌ - تَجْرِيْبِيٌّ، مَكَّةٌ - مَكِّيٌّ، كُوفَةٌ - كُوْفِيٌّ.**

3. **Қоида:** *فَاعِلَةٌ вазнида бўлган исмларнинг мансубларида ي ва ё лари ҳазф қилиниб, فَاعِلِيٌّ вазнида бўлади.* Масалан: **مَدِيْنَةٌ - مَدَنِيٌّ، جَزِيْرَةٌ - جَزْرِيٌّ، بَادِيَّةٌ - بَدْوِيٌّ، عَلِيٌّ - عَلَوِيٌّ.** (حَقِيْقَةٌ - حَقِيْقِيٌّ، طَبِيْعَةٌ - طَبِيْعِيٌّ) қабила нодирдирлар.

4. **Қоида:** *Охирида алиф бўлган исмларнинг мансубларида алифлари ва га қалб қилинади.*

Масалан: **مُوسَى - مُوسَوِيٌّ، عِيسَى - عِيسَوِيٌّ، مُصْطَفَى - مُصْطَفَوِيٌّ، مَعْنَى - مَعْنَوِيٌّ، دُنْيَا - دُنْيَوِيٌّ، أُخْرَى - أُخْرَوِيٌّ.** (مُوسَى - مُوسَوِيٌّ) дейишлик ва **بُخَارِيٌّ** қаби исмлар нодирдирлар.

5. **Қоида:** *Охирида алифи мамдуда ва ҳамза бўлган исмларнинг мансубларида ҳамзалари ва га қалб қилинади.* Масалан: **صَحْرَاءٌ - صَحْرَاوِيٌّ، عَدْرَاءٌ - عَدْرَاوِيٌّ، سَمَاءٌ - سَمَاوِيٌّ، شِتَاءٌ - شِتَاوِيٌّ.** ماءٌ - مَائِيٌّ қаби исмлар мустаснодирлар.

6. **Қоида:** *كُرَّةٌ қаби исмларнинг мансубларида ё лари ва га қалб қилинади.* Масалан: **سَنَوِيٌّ، شَفَوِيٌّ، لُغَوِيٌّ، كُرَوِيٌّ.**

7. **Қоида:** *كُرْسِيٌّ қаби исмларнинг мансубларида охиридаги ي лари ҳазф қилинади.*

Масалан: **كُرْسِيٌّ، قَاضِيٌّ، كُرْسِيٌّ.** қаби.

8. **Қоида:** *Жамъ сийғасида бўлган исми нисбатлаш ирода этилса, бу исм бирлик шаклига қайтарилади.* Масалан: **كُتُبٌ - كِتَابِيٌّ، خَدَمَةٌ - خَادِمِيٌّ.**

Жамъ сийғалари жамъ ҳолида нисбатланмайдилар. **أَخْلَافِيٌّ** ва **فَرَائِضِيٌّ** қаби исмлар нодирдирлар.

9. **Қоида:** *عَشْرَاتٌ ... ثَلَاثِيٌّ، ثُنَائِيٌّ، أَحَادِيٌّ қаби исми ададлар мансуби ... ثَلَاثَةٌ، اثنان، أَحَدٌ бўлади.*

10. **Қоида:** *Баъзи исмларнинг мансубларида нисбат ي сидан олдинбир ۱ ва бир касрали ن зиёда қилинади.* Масалан: **نَفْسٌ - نَفْسَانِيٌّ، رُوحٌ - رُوحَانِيٌّ، جِسْمٌ - جِسْمَانِيٌّ، حَقٌّ - حَقَّانِيٌّ.**

Исми мансуб бошқа исми сифатлар қаби олти сийғада сарфланади:

مِصْرِيٌّ، مِصْرِيَّانِ، مِصْرِيُّونَ، مِصْرِيَّةٌ، مِصْرِيَّتَانِ، مِصْرِيَّاتٌ؛
أَشْعَرِيٌّ، أَشْعَرِيَّانِ، أَشْعَرِيُّونَ، أَشْعَرِيَّةٌ ... نَصْرَانِيٌّ، نَصْرَانِيَّانِ، نَصْرَانِيَّاتٌ ...

Мансуб сийғаси

Баъзи исмларнинг мансубларига нисбат ي си қўшилмайди, балки уларни нисбатлаш учун **فَاعِلٌ** ёки **فَاعِلَةٌ** вазнига кўчирилади. Масалан:

فَاعِلٌ : **فَارِسٌ** (отлик), **رَاجِلٌ** (пиёда), **نَاعِلٌ** (кавушдўз), **لَابِنٌ** (сутчи)

فَاعِلَةٌ : **عَطَّارٌ** (аттор), **بَقَّالٌ** (баққол), **خَبَّازٌ** (новвой), **حَدَّادٌ** (темирчи)

Шу қаби исмларга **сийғаи мансуб** дейилади. Мазкур исмлар исми фоил ва исми фаъол (муболаға) сийғалари эмас, чунки исми фоил ва исми фаъол сийғалари доимо исми масдардан иштиқоқ қилинади. Бу исмлар эса исми зотдан ҳосил қилинган.

МАЪРИФА ВА НАКРА

Исм икки қисмга бўлинади: маърифа ва накра.

Тингловчига маълум ва муайян бўлган нарсага далолат этган исмларга **маърифа** дейилади: **هَذَا، الْفَرَسُ، زَيْدٌ** кабилар.

Тингловчига маълум ва муайян бўлмаган бир нарсага далолат этган исмга **накра** дейилади: **فَرَسٌ، رَجُلٌ، كِتَابٌ** кабилар.

Маърифа исмлар олти хил:

- 1) Аламлар: **زَيْدٌ، عَمْرُو، بَكْرٌ، أَحْمَدُ** каби.
- 2) Ал ли муъаррафлар: **الْمَعْلُومُ، الْعَالِمُ، الْكِتَابُ، الرَّجُلُ، الْفَرَسُ** каби.
- 3) Исми замирлар: **أَنْتَ، هُنَّ، هُمَا، هِيَ، هُمْ، هُوَ** каби.
- 4) Исми ишоралар: **ذَلِكَ، هَاؤُلَاءِ، هَاتَانِ، هَاتَا، هَازَانِ، هَذَا** каби.
- 5) Исми мавсуллар: **مَا، مَنْ، الَّتِي، الَّذِينَ، الَّذِينَ، الَّذِي** каби.
- 6) Музофлар: **فَرَسٌ الَّذِي، فَرَسٌ هَذَا، فَرَسُهُ، فَرَسُ الرَّجُلِ، فَرَسُ زَيْدٍ، فَرَسُ خَادِمِ زَيْدٍ** каби.

Эслатма: Бир исмга нисбат берилиб, шу исмга қўшиб зикр қилинган исмга **музоф** дейилади. Ҳамма музофлар ҳам маърифа бўлавермайди. Балки фақат маърифа исмга музоф бўлган исмларгина маърифа бўлади. Накра исмга музоф бўлган исмлар маърифа бўлмайди. Балки улар **накраи муҳоссоса** (хосланган накра) бўлади. Масалан: **فَرَسٌ رَجُلٍ، كِتَابٌ عَالِمٍ** каби.

شِبْهُ عَمْرُو، مِثْلُ بَكْرٍ، غَيْرُ زَيْدٍ каби лафзлари маърифага музоф бўлса ҳам маърифа бўлмайди. **مِثْلُ، غَيْرُ** каби. Чунки бу исмлар накраликка жуда чуқур ўрнашгандир.

Юқорида зикр қилинган олти хил маърифа исмлардан бошқа исмлар ҳар бири накрадир.

Қоида: Накра бўлган бир исми **омни маърифа қилиш учун унга ة** киритилади, **ё бошқа бир маърифа исмга изофа қилинади**. Масалан: **فَرَسٌ** накрадир. Уни маърифа қилиш ирода этилса **ة** **فَرَسٌ** ёки **فَرَسٌ زَيْدٍ** дейиш керак бўлади. Бир маърифага музоф бўлган исмга музоф бўлган исмларга ҳам **маърифа** дейилади. Масалан: **فَرَسٌ خَادِمِ زَيْدٍ**.

МУТАРОДИФ ВА МУШТАРАК ЛАФЗЛАР

Бир маънода бўлган турли калималарга **мутародиф** дейилади. Масалан:

هُبُوطٌ = عُرُوجٌ = صُعُودٌ (кўтарилмоқ), **فُعُودٌ = جُلُوسٌ** (ўтирмоқ), **رَجُلٌ = قَدَمٌ** (оёқ), **انْسَانٌ = بَشَرٌ**, **صَحْرَاءٌ = بَرِيَّةٌ = بَادِيَّةٌ** (мушук), **هَرٌّ = سِنُورٌ** (кесмоқ), **قَطْعٌ = جَزْمٌ** (кирмоқ), **دُخُولٌ = وُلُوجٌ** (тушмоқ), **نُزُولٌ** (чўл), **اَسَدٌ = لَيْثٌ = حَيْدَرٌ = عَبَّاسٌ = غَضَنَفَرٌ** (шер).

Икки ёки ундан кўп маъноларда истеъмол қилинган лафзга **муштарак** дейилади. Масалан: **عَيْنٌ** (кўз, булоқ, олтин, инсон, айнан ўзи, жосус, жамоъат), **حَرْبٌ** (урмоқ, сафар қилмоқ, мисол келтирмоқ), **الشَّارِبُ** (мўйлаб, ичувчи), **الْحَاجِبُ** (парда, кош), **السَّبْعُ** (йиртқич ҳайвон, етти).

МЎЪРОБ ВА МАБНИЙ

Калималар икки қисм: мўъроб ва мабний. Охири турли хил ҳаракат ёки ҳарф билан ҳаракатланиб истеъмол қилинган калимага **мўъроб** дейилади. Масалан: **زَيْدٌ، زَيْدًا، زَيْدٍ، أَبُوهُ، أَبَاهُ، أَبِيهِ**

Охири ўзгармасдан, доимо бир хил ҳаракат ёки сукун билан истеъмол қилинган калимага **мабний** дейилади. Масалан: **هَلْ، حَيْثُ، هَاؤُلَاءِ**

Олти хил калималар мўъробдир:

- 1) Исми зот: رَجُلٌ، رَجُلًا، رَجُلٌ
- 2) Исми сифат: عَالِمٌ، عَالِمًا، عَالِمٌ
- 3) Исми масдар: فَتَحَ، فَتَحًا، فَتْحٌ
- 4) Исми зарф: يَوْمٌ، يَوْمًا، يَوْمٌ
- 5) Исми адад: خَمْسَةٌ، خَمْسَةً، خَمْسَةٌ
- 6) Музореъ феъли: انْ يَفْتَحُ، اَنْ يَفْتَحَ، يَفْتَحُ каби.

Ўн икки хил калималар мабнийдир:

- 1) Мозий феъллари: فَتَحَ... فَتَحُوا، فَتَحًا، فَتْحٌ каби.
- 2) Хукмий феъллар: اَفٌ، سَرَعَانَ، شَتَّانَ، هَيْهَاتَ каби.
- 3) Харфлар: ... حَتَّى، عَلَى، إِلَى، عَنْ، مِنْ، فِي каби.
- 4) Товушлар: ... اِبْهَى، اَخَ، آهَ، زُهَ، وَى каби.
- 5) Замирлар: ... اَنْتُمْ، اَنْتَ، هُنَّ، هُنَا، هِيَ، هُمْ، هُمَا، هُوَ каби.
- 6) Исми ишоралар: اَوْلَانِكَ، ذَالِكَ، هٰؤُلَاءِ، هٰذِهِ، هٰذَا، هٰذَا каби.

Исми ишоралардан هٰذَا، هٰذَيْنِ، هٰذَا، هٰذَيْنِ лари хилоф равишда мўъробдирлар.

- 7) Исми мавсуллар: مَا، مَنْ، اللّٰتِي، اللّٰذِي، الَّتِي، الَّذِي каби.

Исми мавсуллардан اللّٰتِي، اللّٰتَانِ، اللّٰذِي، اللّٰذَانِ، اَيُّ، اَيَّةُ лари хилоф равишда мўъробдирлар.

- 8) Мураккаб исми ададлар:

اِحْدَ عَشْرَ، ثَلَاثَةَ عَشْرَ، اَرْبَعَةَ عَشْرَ، خَمْسَةَ عَشْرَ، سِتَّةَ عَشْرَ، سَبْعَةَ عَشْرَ، ثَمَانِيَةَ عَشْرَ، تِسْعَةَ عَشْرَ؛ اِحْدَى عَشْرَةَ، ثَلَاثَ عَشْرَةَ، اَرْبَعَ عَشْرَةَ... تِسْعَ عَشْرَةَ؛ اِلْحَادِي عَشْرَ... التَّاسِعَ عَشْرَ؛ اِلْحَادِيَةَ عَشْرَةَ... التَّاسِعَةَ عَشْرَةَ.

Мазкур исми ададлардан бошқалари ҳаммаси мўъробдирлар.

اِحْدَى عَشْرَةَ، اِحْدَى عَشْرَةَ، اِحْدَى عَشْرَةَ лар таркибларининг аввалги қисмлари мўъроб ва иккинчи қисмлари мабнийдир.

9) Баъзи исми зарфлар: تَحْتَ، يَمِينُ، يَسَارُ، فَوْقَ، яна، قَطُّ، اَمْسَ، حَيْثُ، هُنَا، رَبِّمَا، يَوْمَئِذٍ каби исми зарфлар бошқа бир исмга музоф бўлмаса, мабний бўлади. Аммо бир исмга музоф бўлса, мўъроб бўлади.

- 10) Исми вазнида бўлган исмлар: جَمَادٍ، فَجَارٍ، حَبَاتٍ، فَسَاقٍ каби.

Ушбу исмларнинг баъзилари исми сифатдир: فَسَاقٍ (фосика, хабиса) каби, баъзилари исми масдардир: فَجَارٍ (фожирлик, қаттиқлик) каби.

- 11) Истифҳом калималари: اَيُّ، اَيَّانَ، كَايِّنُ، اَيْنَ، مَتَى، مَنْ، مَا، كَيْفَ، كَمْ каби.

- 12) Шартийя калималари: اِذَا، اِذَا مَا، اِذَا مَا، مَهْمَا каби.

Исмнинг эъроблари

Мўъроб бўлган исмнинг уч хил ҳолати бўлади: рафъ, насб, жар. Мўъроб исмнинг охиридаги ушбу уч ҳолатнинг ҳар бирининг махсус аломатлари бўлади. Мўъроб исм каломда ушбу уч ҳолатнинг қайси бирида эканлиги охиридаги аломатлардан билинади.

Эъроб аломатлари

Мўъробнинг охиридаги рафъ, насб ва жар ҳолатларига далолат этган аломатларга **эъроб** ва **эъроб аломатлари** дейилади.

Охирида рафъ аломати бўлган исмга **марфуъ** дейилади, охирида насб аломати бўлган исмга **мансуб** дейилади ва охирида жар аломати бўлган исмга **мажрур** дейилади. Эъроб аломатлари ё

ҳаракат ё эса иллатли ҳарф бўлади. Эъроб ҳаракатлари учта: замма (ُ), фатҳа (َ), касра (ِ).
Эъроб ҳарфлари ҳам учта: вов, алиф, йой (و ا ي).

Кўпинча рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касра бўлади. Баъзи вақтда و ва ا ҳам рафъ аломати бўлади. Баъзан касра, ا ва ي ҳам насб аломати бўлади. Баъзи вақтда фатҳа ва ي ҳам жар аломати бўлади.

Исмларнинг охирларида қачон рафъ аломати, қачон насб аломати ва қачон жар аломати бўлишлигини қуйироқда «Таркиб қоидалари» бобида батафсил баён қилинади.

Муфрад исмлар эъроби

Қоида: *Муъроб бўлган исмларнинг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касрадир:*

| | | | | |
|--------|-----------------------|--------------------------|---------------------|-------------------------|
| Марфуъ | عَالَمٌ - الْعَالَمِ | عَالِمَةٌ - الْعَالِمَةِ | رَجُلٌ - الرَّجُلِ | مَكْتَبٌ - الْمَكْتَبِ |
| Мансуб | عَالِمًا - الْعَالِمِ | عَالِمَةً - الْعَالِمَةِ | رَجُلًا - الرَّجُلِ | مَكْتَبًا - الْمَكْتَبِ |
| Мажрур | عَالِمٍ - الْعَالِمِ | عَالِمَةٍ - الْعَالِمَةِ | رَجُلٍ - الرَّجُلِ | مَكْتَبٍ - الْمَكْتَبِ |

Фақатгина *أَبُوهُ، أَخُوهُ، حَمُوهُ، فَوَهُ، هُنُوهُ، دُوْمَالِ* каби олти иллатли исм номида бўлган машҳур олти муфраднинг эъроби бошқа муфрадларники каби ҳаракат билан эмас балки охирларидаги иллатли ҳарфлар биландир.

Қоида: *Шунинг учун ушбу олти муфраднинг рафъ аломати و , насб аломати ا ва жар аломати ي дир.* Масалан:

| | | | | | | | |
|--------|---------|---------|----------|---------|--------|-----------|--------------|
| Марфуъ | أَبُوهُ | أَخُوهُ | حَمُوهُ | هُنُوهُ | فُوَهُ | دُوْمَالِ | أَبُو بَكْرٍ |
| Мансуб | أَبَاهُ | أَخَاهُ | حَمَاهَا | هُنَاهُ | فَاهُ | ذَا مَالِ | أَبَا بَكْرٍ |
| Мажрур | أَبِيهِ | أَخِيهِ | حَمِيهَا | هُنِيهِ | فِيهِ | ذِي مَالِ | أَبِي بَكْرٍ |

Ушбу олти исмнинг эъроби иллатли ҳарфлар билан бўлмоқлиги бир исмга музоф бўлиши шarti биландир. Агар ушбу исмлар ҳеч бир исмга музоф бўлмасдан ёлғиз келса, эъроблари иллатли ҳарфлар билан бўлмайди. Балки бошқа исмлар каби уч ҳаракат билан бўлади.

Масалан: *أَخٌ، أَخَاهُ، أَبٌ، أَبَاهُ، أَخٌ، أَخِيهِ* каби.

Эслатма: *ذُو* ҳеч қачон ёлғиз зикр қилинмайди.

Эслатма: *أَخِيهِ* каби зойри мунсариф бўлган муфрадларнинг эъроби кейинчалик баён қилинади.

Тасниялар эъроби

1. **Қоида:** *Тасния сийгасида бўлган исмларнинг рафъ аломати ا , насб ва жар аломати эса сукунли ي дир.* Масалан:

Марфуълари: *مَكْتَبَانِ، رَجُلَانِ، عَالِمَانِ، عَالِمَانِ*
Мансуб ва мажрурлари: *مَكْتَبَيْنِ، رَجُلَيْنِ، عَالِمَيْنِ، عَالِمَيْنِ*

2. **Қоида:** *Ушбу тасния сийгаларининг насб аломати бўлган сукунли ي нинг олди фатҳали бўлиши ва сўнгидаги ن касрали бўлиши лозимдир.*

Тасниянинг мулҳақлари

اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ каби тасния маъносида бўлган исмларнинг эъроби ҳам тасния эъроби каbidир, яъни рафъ аломатлари сукунли ا , насб ва жар аломатлари сукунли ي дир. Масалан:

Марфуълари: *اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ*
Мансуб ва мажрурлари: *اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ، اِئْتَانِ*

Жамъи музаккари солим эъроби

1. Қоида: *Жамъи музаккари солим, яъни нунлик жамъ сийгаларининг рафъ аломати суқунли و дир, насб ҳамда жар аломати эса суқунли ي дир.* Масалан:

Марфуълари: أَجْمَعُونَ، مُسْلِمُونَ، مَعْلُومُونَ، عَالَمُونَ

Мансуб ва мажрурлари: أَجْمَعِينَ، مُسْلِمِينَ، مَعْلُومِينَ، عَالَمِينَ

2. Қоида: *Ушбу жамъи солими музаккар сийгаларининг насб ва жар аломати бўлган суқунли ي нинг олди касрали бўлиши ва сўнгидаги ن фатҳали бўлиши лозимдир.*

Жамъи музаккари солимнинг мулҳақлари

каби жамъ шаклида бўлган исмларнинг эъроблари ҳам жамъи музаккари солим эъроби кабидир. Яъни рафъ аломати суқунли و , насб ва жар аломатлари суқунли ي дир. Масалан:

Марфуълари: تَسْعُونَ ... عِشْرُونَ، ذَوُو فَضْلٍ، أَوْلُو عِلْمٍ

Мансуб ва мажрурлари: تَسْعِينَ ... عِشْرِينَ، ذَوِي فَضْلٍ، أَوْلِي عِلْمٍ

Жамъи муаннаси солим эъроби

Қоида: *Жамъи муаннаси солимнинг, яъни толик жамъ сийгаларининг рафъ аломати замма, насб ҳамда жар аломати касрадир.* Масалан:

Марфуълари: مُسْلِمَاتٌ، مَعْلُومَاتٌ، عَالِمَاتٌ

Мансуб ва мажрурлари: مُسْلِمَاتٍ، مَعْلُومَاتٍ، عَالِمَاتٍ

Жамъи акбар эъроби

Қоида: *فَعَالِلٌ ва فَعَالِلٌ вазнлари билан ҳамшакл бўлган жамъи акбар сийгаларининг рафъ аломати замма, насб ҳамда жар аломати фатҳадир.* Масалан:

Марфуълари: قَوَاعِدٌ، مَفَاتِيحٌ، مَكَاتِبٌ

Мансуб ва мажрурлари: قَوَاعِدٍ، مَفَاتِيحٍ، مَكَاتِبٍ

Жамъи асгар эъроби

Қоида: *Жамъи асгарлар муфрад ҳукмидадир. Муфрадлар каби уларнинг ҳам рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жар аломати касрадир.* Масалан:

رِجَالٌ - الرَّجَالُ، أَفْرَاسٌ - الْأَفْرَاسُ، مَلَائِكَةٌ - الْمَلَائِكَةُ ؛

رِجَالًا - الرَّجَالِ، أَفْرَاسًا - الْأَفْرَاسِ، مَلَائِكَةً - الْمَلَائِكَةِ ؛

رِجَالٍ - الرَّجَالِ، أَفْرَاسٍ - الْأَفْرَاسِ، مَلَائِكَةٍ - الْمَلَائِكَةِ .

Қоида: *عُلَمَاءٌ каби гойри мунсариф бўлган жамъи асгарларнинг эъроби бу қоидадан мустаснодир, чунки уларнинг эъроби бошқа гойри мунсарифларнинг эъроби кабидир.*

Ғойри мунсарифларнинг эъроби

Араб тилида шундай исмлар борки, уларнинг охирига касра ва танвин кириши жоиз эмас. Уларнинг охирлари ҳеч қачон касралади ва танвинли бўлмади. Шундай исмларга **ғойри мунсариф** дейилади. Ғойри мунсариф – бошқа калималардек сарфланиши (тусланиши) жоиз бўлмаган демакдир. Охирига касра ва танвинни қабул қилмайдиган исмлар бошқа оддий исмлар каби сарфланмагани учун шу ном билан номланадилар.

Ғойри мунсариф бўлган исмларнинг турлари кейинроқ баён қилинади.

Қоида: *Ғойри мунсариф бўлган исмларнинг рафъ аломати замма, насб ҳамда жар аломати фатҳадир.* Масалан:

Марфуълари: عُلَمَاءٌ، مَكَاتِبٌ، أَحْمَدُ

Мансуб ва мажрурлари: **عُلَمَاءَ، مَكَاتِبَ، أَحْمَدَ**

Қоида: *Муъаррофи биллом ва музоф бўлган ғойри мунсарифларнинг жар аломати касрадир.* Масалан: **الْأَحْمَدِ، الْمَكَاتِبِ، الْعُلَمَاءِ، بِأَحْمَدِكُمْ، إِلَى مَكَاتِبِكُمْ، مِنْ عُلَمَائِنَا**

Ғойри мунсариф исмлар

Ўн икки хил исм ғойри мунсариф бўлади:

1) **أَفْعُلُ** вазнида бўлган алам ва сифатлар: **أَسْوَدُ، أَحْمَرُ، أَفْضَلُ، أَعْلَمُ، أَحْمَدُ** каби.

Эслатма: **أَرْتَبُ** каби алам ҳам, исми сифат ҳам бўлмаган исмлар ғойри мунсариф эмасдир.

2) **فَعَالِلُ** вазнига ўхшаш шаклда бўлган жамъи акбарлар. Масалан: **مَصَابِيحُ، مَسَاجِدُ، قَوَاعِدُ، دَنَانِيرُ، دَرَاهِمُ**

Эслатма: **تَلَامِيذَةٌ، مَلَائِكَةٌ** каби **ة** ли бўлган жамълар ғойри мунсариф бўлмайдилар.

3) Охирларида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган жамъи асғарлар. Масалан: **مَرْضَى، عُلَمَاءَ، أَصْدِقَاءَ، صَحَابَى، سُكَّرَى.**

Эслатма: **أَبْنَاءُ، أَسْمَاءُ** каби жамъи асгар сийғаларининг охирларида алифи мамдуда бўлса-да, ҳамзалари ҳарфи зоида бўлмаганлигидан ғойри мунсариф эмасдирлар. **أَشْيَاءُ** нинг жамъи **شَيْءٌ** нинг ҳамзаси аслий ҳарф бўлмаса-да, хилоф равишида ғойри мунсарифдир.

4) Охирларида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бўлган исмлар. Масалан: **صُغْرَى، فَتْوَى، إِحْدَى، حَمْرَاءُ، صَحْرَاءُ، عَاشُورَاءُ.**

5) **ة** ли муаннас ва муаннаси маънавий бўлган исмлар. Масалан: **سُعَادُ، مَرِيْمُ، زَيْنَبُ، عَائِشَةُ، خَدِيجَةٌ، فَاطِمَةُ** кабилар.

Эслатма: *Тои таънисли музаккари маънавий бўлган аламлар ҳам ушбу ҳукмга киради:* **مُعَاوِيَةُ، حَمْرَةٌ، طَلْحَةَ** каби.

Эслатма: **رَعْدٌ، هِنْدٌ** каби ўртаси сукунли бўлган муаннас аламлар ғойри мунсариф эмасдирлар.

6) Охирига алиф ва нун (**ان**) қўшилган алам ва сифати мушаббахалар. Масалан: **عِمْرَانُ، سَكْرَانُ، عُثْمَانُ، رَمْضَانُ.**

Эслатма: *Охирида алиф ва нун бўлиб, муаннасларига тои таънис кирган сифати мушаббахалар ғойри мунсариф бўлмайдилар:* **عُرْيَانٌ – عُرْيَانَةٌ، نُدْمَانٌ – نُدْمَانَةٌ** каби.

7) Ажамий (арабий бўлмаган) бирор тилдан кўчирилган аламлар.

Масалан: **أَبْرَاهِيمُ، إِسْمَاعِيلُ، يَعْقُوبُ، يُوسُفُ، دَاوُدُ، سُلَيْمَانُ، اسْكَنْدَرُ، جِبْرَائِيلُ.**

Эслатма: **هُودٌ، نُوحٌ، لُوطٌ** каби ўртаси сукунли бўлган ажамий аламлар ғойри мунсариф бўлмайдилар.

8) Бирор бир феълдан нақл қилинган аламлар.

Масалан: **تَبَوُّكٌ، يَنْبِيعٌ، يَثْرَبٌ، يَشْكُرُ، يَزِيدُ، بَدْرٌ، شَمْرٌ.**

9) Аслида икки калимадан таркиб топиб, сўнгра бир калима ҳукмида истеъмол қилинган аламлар. Масалан: **شَمْسُ قَمَرٌ، بُخْتَنْصَرٌ، خَضِرَ مَوْتُ، بَعْلَبَكٌ.**

Эслатма: **عَبْدُ اللَّهِ، مُحَمَّدُ الْآمِينُ** каби каломда икки калима ҳукмида истеъмол қилинадиган мураккаб аламлар ғойри мунсариф бўлмайдилар.

10) **فُعْلُ** вазнида бўлган аламлар ва баъзи жамъ сийғалари.

Масалан: **كُنْعٌ، جُمُعٌ، أَوْلٌ، أُخْرٌ – فُرْحٌ، زُحْلٌ، مُضَرٌ، زُفْرٌ، عَمْرٌ.**

Эслатма: *Мазкур жамълардан бошқа* **دَوْلٌ، دُورٌ، رَتْبٌ** каби **فُعْلُ** вазнидаги жамълар ғойри мунсариф эмасдирлар.

11) (Битта-битта) каби такрорий сонлар.

Масалан: مَعْشَرَ = عَشَارَ ... مَثَلَتْ = ثَلَاثَ، مَثَى = ثَنَاءَ، مَوْحَدًا = أَحَادًا.

12) Мамлакат ва шаҳар номлари.

Масалан: بَيْرُوتُ، بَابِلُ، بَغْدَادُ، بُلْغَارُ، قَرِيمُ، مِصْرُ.

1. **Қоида:** Ушбу зойри мунсариф бўлган исмларга касра ва танвин кирмайди, яъни охирлари ҳеч касрали ва танвинли бўлмайди. Шу сабабдан, зойри мунсариф бўлган исмларнинг жар аломати ҳам, насб аломати ҳам фатҳадир.

2. **Қоида:** зойри мунсариф бўлган исмлар муъаррофи биллом бўлсалар ёки бир исмга музоф бўлсалар, жар аломатлари касра бўлади. Масалан: أَحْمَدُ كَمُ، الْأَحْمَرُ каби.

3. **Қоида:** Шеър вазнларини риоя қилиш учун гоҳи зойри мунсарифга касра ёки танвин киради.

Масалан: صُبَّتْ عَلَى مَصَائِبٍ لَوْ أَنَّهَا صُبَّتْ عَلَى الْأَيَّامِ صِرْنَ لَيَالِيَا

«Менга мусибатлар етди. Агар бу мусибатлар кундузларга етса, кун қоронғулашиб кетарди» деган шеърнинг вазни мукамал бўлиши учун مَصَائِبُ бўлиб, танвинли бўлгани каби. Яна:

| | |
|--|---|
| سَلَامٌ عَلَى خَيْرِ الْأَنَامِ وَ سَيِّدِ | حَبِيبِ الْإِلَهِ الْعَالَمِينَ مُحَمَّدٍ |
| بَشِيرِ نَذِيرِ هَاشِمِيٍّ مُكْرَمِ | عَطُوفِ رَوْوْفٍ مَنْ يُسَمَّى بِأَحْمَدِ |

назмида қофияга риоя қилиш учун, яъни байтларнинг охирлари бир-бирига мувофик бўлишлиги учун بِأَحْمَدِ касрали бўлгани каби.

4. **Қоида:** Зойри мунсариф бўлган аламлардан хусусий бир шахс муайян ирода қилинмасдан, омма маъноси ирода қилинса зойри мунсарифликлари йўқ бўлиб, охирларига касра ва танвин кириши жоиз бўлади. Масалан: لِكُلِّ فِرْعَوْنَ مُوسَى ва فرعون

лафзлари кабики, бунда Миср фиръавни ва Мусо (алайҳиссалом) ирода қилинмасдан, мутлак баттол ва ҳақпарвар маънолари ирода қилинганлигидан, охирларига касра ва танвин киради. Яна لِكُلِّ فِرْعَوْنَ مُوسَى ва فرعون нинг таркибидаги أَحْمَدُ лафзлари кабики, улардан хос Аҳмад исмли бир одам эмас, балки мутлақо Аҳмад исмлилар, деган маъно ирода этилганидан, ҳар иккисининг охири касра ва танвин бўлгандир.

Лафзий ва тақдирий эъроб

Мўъроб исмларнинг эъроблари кўпинча лафзда зоҳир бўлади.

Масалан: زَيْدًا، زَيْدًا، زَيْدًا، أَبَاهُ، أَبَاهُ، زَيْدًا، زَيْدًا، زَيْدًا.

Шу каби лафзда зоҳир бўлган эъробга **эъроби лафзий** дейилади.

Баъзи мўъроб исмларнинг эъроблари узрли ёки талаффузи қийин бўлгани учун лафзда зоҳир бўлмайди. Шундай бўлса-да, у исмларда ҳам эъроб борлиги фараз ва тақдир қилинади.

Лафзда бўлмай, фараз ва тақдирда бўлган эъробга **эъроби тақдирий** дейилади.

Беш хил мўъроб исмнинг эъроби тақдирий бўлади:

1) **الْعَصَا** каби охирлари сукунли алиф бўлган исмларнинг эъроби рафъ, насб ва жар ҳолатларининг ҳар бирида тақдирий бўлади, чунки алиф ҳеч бир ҳаракат билан ҳаракатланмайди. الْعَصَا، الْعَصَا، الْعَصَا лафзлари **ال** сиз мунаққар бўлсалар, танвинли бўлиб, охирларидаги алифлари тушиб кетади: **عَصَاً، فَتَى.**

2) **الْقَاضِي** каби охирларида **ي** бўлган исмларнинг эъроблари рафъ ва жар ҳолларида тақдирий бўлади, чунки **ي** га замма ва касра оғирдир.

Масалан: الْقَاضِي، الْقَاضِي، الْقَاضِي، الْقَاضِي дейиш тилга оғирдир. Фатҳа **ي** га узр бўлмаганлигидан мазкур исмларнинг эъроблари насб ҳолида тақдирий эмас, балки лафзийдир: الْقَاضِي، الْقَاضِي، الْقَاضِي. Ушбу исмлар **ال** сиз мунаққар бўлсалар, рафъ ва жар ҳолларида **ي** лари ҳазф бўлади. Масалан: **قَاضٍ، مُفْتٍ،**

каби. Чунки, мунаккар бўлганида охири танвинли бўлгани учун *ي* билан танвин ўртасида икки сокин жамланишига тўғри келади, бу эса жоиз эмасдир.

Аммо насб ҳолида мунаккар бўлсалар ҳам *ي* лари маҳзуф бўлмайди. Балки фатҳа билан айтиладилар: *فَأَضِيَا، فَمُتَيَا* каби.

3) *المَرَامِي الْجَوَارِيَّةُ، المَرْمِيُّ* ларнинг жамълари бўлган *المَرَامِي الْجَوَارِي*, каби *الفَعَالِي* вазнида бўлиб, охирларида *ي* бўлган жамъ сийғаларининг эъроблари ҳам рафъ ва жар ҳолларида тақдирий бўлади. Аммо насб ҳолида тақдирий бўлмайди, балки лафзий бўлади. Бу жамъларнинг ҳукми ҳам юқоридаги *قَاضِي* лафзининг ҳукми кабидир. Муъаррофлари рафъ ва жар ҳолларида *المَرَامِي الْجَوَارِي* бўлади, насб ҳолида эса *المَرَامِي الْجَوَارِي* бўлади. Мунаккарлари рафъ ва жар ҳолларида *مَرَامٍ جَوَارٍ* бўлади, насб ҳолида эса *مَرَامِي جَوَارِي* бўлади.

Агар исмнинг охирида *و* ёки *ي* бўлиб, уларнинг олди сукунли бўлса, у исмнинг эъробини уч ҳолда ҳам лафзий бўлади, тақдирий бўлмайди. Зеро, олди сукунли бўлган ҳарфи иллатларга замма ҳам, касра ҳам оғир эмасдир: *دَلُو، دَلُوَا، دَلُوْ* каби.

4) Мутакаллим *ي* сига музоф бўлган исмларнинг эъробини ҳам уччала ҳолда ҳам тақдирий бўлади. Масалан: *كِتَابِي، قَلَمِي، فَرَسِي*. Ушбу исмларнинг охирлари *ي* га муносиб бўлиши учун касра билан ҳаракатлантирилганлиги сабабли, касранинг устига бошқа бир эъроб аломатини келтириш узрлидир. Шунинг учун ушбу исмлар ҳамма ҳолида бир хил истеъмол қилинадилар.

5) Охири фатҳасиз ҳолда (яъни заммали ва касрали) танвин қилинган исмларнинг эъроблари вақф ҳолатида талаффуз қилинмайди. Масалан: *جَاءَ زَيْدٌ؛ جَلَسْتُ مَعَ زَيْدٍ* каби. Аммо охири фатҳа билан танвин қилинган исмларда эса уларнинг эъробини вақф ҳолатда ҳам талаффуз этилаверади: *حَضَرْتُ وَلَدًا؛ رَأَيْتُ زَيْدًا* каби.

Оғзаки нутқда кўп калималарнинг эъробини зоҳир бўлмайди. Чунки авом кўп сўзларни вақф билан талаффуз этадилар: *اليَوْمَ يَخْرُجُ حُجَّاجٌ مِنْ مَكَّةَ إِلَى مَدِينَةٍ* каби.

Шунга ўхшаш *إِيشُ تَطْلُبُ* ва *مَا فِيشُ مَا* кабики, аслида *أَيُّ شَيْءٍ تَطْلُبُ؟* ва *مَا فِيهِ شَيْءٌ* дирлар.

Эъробини ҳукмий

Жумла ичида зикр қилинган мўъроб исмлар кўпинча эъробини лафзий билан ва баъзан эъробини тақдирий билан мўъроб бўлади. Агар жумла ичида мабний исмлар келса, уларнинг эъробини лафзий ҳам бўлмайди, тақдирий ҳам бўлмайди. Зеро, ҳақиқатан эъробли бўлиш фақат мўъроб исмларга хосдир. Шундай бўлса-да, қоидаларга мувофиқ бўлиши учун жумлада зикр қилинган мабний исмларда ҳам бир эъроб бордек ҳукм қилинади. Ўрнига кўра баъзилари ҳукман марфуъ, баъзилари ҳукман мансуб ва баъзилари ҳукман мажрур саналади. Мабнийларнинг бундай эътиборий эъробларига **эъробини ҳукмий** дейилади.

ФЕЪЛИ МУЗОРЕЪНИНГ ЭЪРОБИ

Музореъ феълининг эъробини уч хил: рафъ; насб; жазм. Кўпинча рафъ аломатини замма, насб аломатини фатҳа ва жазм аломатини сукун бўлади. Музореъ феълининг булардан бошқа эъробий аломатлари “эъроб аломатлари” бобида баён этилади. Рафъ, насб ва жазм билан музореъ феъли ёки марфуъ бўлади ёки мансуб бўлади ёки мажзум бўлади.

Мажзум музореъ

1. **Қоида:** Агар музореъ феълининг аввалида жазм қилувчи ҳарфлар деб аталувчи ҳарфларнинг бири бўлса, феъл мажзум бўлади. Жазм қилувчи ҳарфлар бешта: *ل، لَ، لَمْ، لَمَّا، لَمَّا*. Масалан: *لَمَّا يَفْتَحُ، لَمَّا يَفْتَحُ، لَمْ يَفْتَحُ، لَمْ يَفْتَحُ، لَمْ يَفْتَحُ، لَمْ يَفْتَحُ* каби.

لَمَّا يَفْتَحُ каби амри ҳозир сийғалари ҳазф бўлган *ل* билан жазм бўлади. Чунки *لَمَّا يَفْتَحُ* аслида *لَمَّا يَفْتَحُ* дир.

Мазкур жозима ҳарфларидан аввалги тўртгаси фақат бир музореъ феълини жазм қилади. Аммо энг сўнггиси бўлган **ان** эса ҳар доим икки музореъ феълини жазм қилади. Масалан **ان تَضْرِبُ** (агар урсанг, ураман) каби. Ушбу **ان** да шартийя маъноси борлиги учун «**ان** и шартийя» деб номланади.

2. Қоида: «**ان** и шартийя» билан жазм қилинган музореъ феълига маътуф бўлган (яъни атф ҳарфларининг бири билан эргашган) музореъ феъли ҳам жазм бўлади.

Масалан: **ان تَجْتَهِدُ وَتَعْلَمُ تَفْرُقُ فَتَكُنُ مَسْنُودًا.**

3. Қоида: Амр, наҳий ва истифҳомдан сўнг зикр қилинган музореъ феъллари ҳазф бўлган «тақдирий **ان** и шартийя» билан жазм бўладилар. Масалан:

дир; **ان تَزُرْنِي اُكْرِمَكَ** кабики, аслида **زُرْنِي اُكْرِمَكَ**

дир; **ان تَدْخُلُ اَطْرُدَكَ** кабики, аслида **لَا تَدْخُلُ اَطْرُدَكَ**

дир. **هل لكم ماء ان يكن لكم ماء اشربه** кабики, аслида **هل لكم ماء اشربه**

Калимоти жозима

1. Қоида: Музореъ феълнинг аввалида «**ان** и шартийя» маъносини ўз ичига олган ушбу 12 жозима (жазм қилувчи) калималарнинг бири бўлса ҳам мажзум бўлади:

ما ، مَنْ ، أَيُّ ، مَتَى ، أَيَّانَ ، أَيْنَ ، أَنَّى ، مَهْمَا ، كَيْفَمَا ، حَيْثَمَا ، إِذَا ، إِذَا مَا

Жозима калималари ҳам «**ان** и шартийя» каби иккита музореъ феълени жазм қилади:

| № | жозима | мисоли | маъноси |
|----|-----------|---------------------------------|-----------------------------------|
| 1 | ما | مَا تَصْنَعُ - اصْنَعُ | нима қилсанг, шуни қиламан |
| 2 | مَنْ | مَنْ يَجْتَهِدُ - يَعْلَمُ | ким ҳаракат қилса, биледи |
| 3 | أَيُّ | أَيُّهُمْ يَضْحَكُ - يُضْرَبُ | уларнинг қайсиси кулса, урилади |
| 4 | مَتَى | مَتَى تَخْرُجُ - أَخْرُجُ | қачон чиқсанг, чиқаман |
| 5 | أَيَّانَ | أَيَّانَ تَمْرَضُ - أَمْرَضُ | қачон оғрисанг, оғрийман |
| 6 | أَيْنَ | أَيْنَ تَجْلِسُ - أَجْلِسُ | қаерда ўтирсанг, шу ерда ўтираман |
| 7 | أَنَّى | أَنَّى تَأْخُذُ - أَخْذُ | қаердан олсанг, шу ердан оламан |
| 8 | مَهْمَا | مَهْمَا تَطْلُبُ - تَجِدُ | қанча изласанг, шунча топасан |
| 9 | كَيْفَمَا | كَيْفَمَا تَسِرُ - أَسِرُ | қандай юрсанг, шундай юраман |
| 10 | حَيْثَمَا | حَيْثَمَا تَجْلِسُ - أَجْلِسُ | қаерда ўтирсанг, шу ерда ўтираман |
| 11 | إِذَا | إِذَا مَا تَأْكُلُ - أَكُلُ، | қачон есанг, шунда ейман |
| 12 | إِذَا مَا | إِذَا مَا تَقْرَأُ - أَسْتَمِعُ | қай вақт ўқисанг, тинглайман |

Баъзан «*ان* и шартийя» билан «*Жозима калималар*» нинг баъзилари мозий феълига ҳам дохил бўлади. Масалан: *ان ضَرَبَ - قَتَلَ، مَنْ عَابَ - عَيْبَ*

Ушбу жумлалардаги мозий феъллари мабний бўлганликлари учун жазм бўлмаган.

2. Қоида: «*ان* шартийя» ва «*Жозима калималар*» дохил бўлган феълларнинг аввали мозий феъли бўлиб, кейингиси музореъ феъли бўлса, музореъ феъли лафзан жазм бўлмайди, балки марфуъ бўлади. Масалан: *ان ضَرَبَ - يَقْتُلُ، مَنْ ضَحِكَ - يُضْحِكُ عَنْهُ*

Мансуб музореъ

Қоида: *Музореъ феълнинг аввалида «насб қилувчи ҳарфлар» номли ҳарфлардан бири бўлса, мансуб бўлади.* Насб қилувчи ҳарфлар тўртта: *ان* (...моқ), *كى* (...моғи учун), *لن* (ҳеч ...майди), *اذن* (унда). Масалан:

ان يَفْتَحُ، ان تَفْتَحُ، ان اَفْتَحُ - очмоғи... (музореъ масдари)

كى يَفْتَحُ، كى تَفْتَحُ، كى اَفْتَحُ - очиши учун... (музореъ таълили)

لن يَفْتَحُ، لن تَفْتَحُ، لن اَفْتَحُ - ҳеч очмайди... (келаси замон нафий таъкиди)

اذن اَفْرَأَ - ундай бўлса ўқийман.

Эслатма: *Музореъ феъли اذن билан мансуб бўлиши жуда нодирдир. Қўпинча اذن дан сўнг келган музореълар марфуъ бўладилар.* Масалан *انا اذن اَفْرَأَ* – каби. Бунинг ҳукмлари «Турли хил калималар» бобида муфассал баён қилинади.

Баъзан музореъ феъли жар қилувчи *ل* ва *حَتَّى* дан сўнг «тақдирий *ان*» билан мансуб бўлади. Масалан: *عَالِمًا لَأَكُونَ عَالِمًا* кабики, аслида *عَالِمًا لَأَكُونَ عَالِمًا* дир;

عَالِمًا حَتَّى اَنْ اَجْمَعَ الْعُلُومَ кабики, аслида *عَالِمًا حَتَّى اَنْ اَجْمَعَ الْعُلُومَ* дир.

Атф ҳарфларидан бири билан мансуб бўлган бир музореъ феълига атф қилинган музореъ феъллари ҳам «тақдирий *ان*» билан мансуб бўладилар. Масалан:

اَرِيدُ اَنْ اَجْتَهِدَ وَ اَنْ اَعْلَمَ فَ اَنْ اَتَقَنَّ ثُمَّ اَنْ اُدْرَسَ кабики, аслида *اَرِيدُ اَنْ اَجْتَهِدَ وَ اَعْلَمَ فَ اَتَقَنَّ ثُمَّ اُدْرَسَ* дир.

Марфуъ музореъ

Қоида: *Музореъ феълнинг аввалида жазм қилувчи ҳарфлар ҳам, жозима калималар ҳам, насб қилувчи ҳарфлар ҳам бўлмаса марфуъ бўлади.* Масалан: *يَفْتَحُ، تَفْتَحُ، اَفْتَحُ، نَفْتَحُ*

Музореъ феълнинг аввалида жозима ҳарфлар ва насб қилувчи ҳарфлардан бошқа ҳарфлар бўлса ҳам феъл марфуъ бўлади. Масалан: *لَيَفْتَحُ، مَا يَفْتَحُ، لَا يَفْتَحُ، وَيَفْتَحُ، فَيَفْتَحُ، أ يَفْتَحُ، قَدْ يَفْتَحُ*

МУЗОРЕЪ ФЕЪЛИНИНГ ЭЪРОБ АЛОМАТЛАРИ

Музореъ феъли 14 сийғада - 6 та ғоиб, 6 та муҳотаб ва 2 та мутакаллим сийғаларида келади:

يَفْتَحُ، يَفْتَحَانِ، يَفْتَحُونَ، تَفْتَحُ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحِينَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، اَفْتَحُ، اَفْتَحَانِ، اَفْتَحُونَ، نَفْتَحُ، نَفْتَحَانِ، نَفْتَحُونَ

Ушбу 14 сийғадан 5тасининг охирида *ن* лари йўқдир:

يَفْتَحُ، تَفْتَحُ، اَفْتَحُ، نَفْتَحُ.

Бу сийғаларга муфрадот дейилади. *نَفْتَحُ* жамъ сийғаси бўлса ҳам охирида *ن* и бўлмаганлиги учун муфрад ҳукмида эътибор қилинади.

7 тасининг охирида бир зоида ҳарфдан кейин бир *ن* бордир:

يَفْتَحَانِ، يَفْتَحُونَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، اَفْتَحَانِ، اَفْتَحُونَ، نَفْتَحَانِ، نَفْتَحُونَ

Бу сийғаларга нунли сийғалар дейилади.

Ушбу сийғаларнинг кўпчилиги тасния ва жамъ сийғаларидир. Фақат **تَفْتَحِينَ** муфрад муаннас сийғасидир. Яна иккита сийғанинг охирларида **ن** лари бўлса ҳам зоида ҳарфдан кейин эмас. Яъни 7та нунли сийғалар каби **ن** ларидан олдин бир иллат ҳарфи йўқдир. Булар муаннас жамъининг икки сийғасидир: **يَفْتَحْنَ، تَفْتَحْنَ** каби.

Жамъи муаннас сийғалари

Музореъ феълининг икки муаннас жамъ сийғаси мўъроб эмас, балки мабнийдир.

Охирлари доимо бир ҳолда истеъмол қилинади. **ن** лари кўплик аломати бўлганлиги учун ҳеч қачон соқит бўлмайди. Ушбу икки сийғанинг аввалида жазм қилувчи ҳарфлар бўлса ҳам, насб қилувчи ҳарфлар бўлса ҳам, ёки ҳеч бир ҳарф бўлмаса ҳам, охирлари ўзгаришсиз, доимо бир ҳолатда бўлади.

Масалан: **انْ يَفْتَحْنَ - انْ تَفْتَحْنَ، انْ يَفْتَحْنَ - انْ تَفْتَحْنَ، يَفْتَحْنَ - تَفْتَحْنَ**

Нунли сийғалар эъроби

Нунли сийғаларнинг аввалида жазм қилувчи ҳарфлар бўлса ҳам, насб қилувчи ҳарфлар бўлса ҳам охирларидаги **ن** лар соқит бўлади:

انْ يَفْتَحَا، انْ يَفْتَحُوا، انْ تَفْتَحَا، انْ تَفْتَحُوا، انْ تَفْتَحِي
انْ يَفْتَحَا، انْ يَفْتَحُوا، انْ تَفْتَحَا، انْ تَفْتَحُوا، انْ تَفْتَحِي؛

Нунли сийғалар жозима ҳарфлари билан мажзум бўладилар, насб қилувчи ҳарфлар билан мансуб бўладилар. Агар нунли сийғаларнинг аввалларида жозима ҳарфлари ҳам, насб қилувчи ҳарфлар ҳам бўлмаса, **ن** лари соқит бўлмайди, балки собит ва мазкур бўлади ҳамда собит бўлган **ن** билан марфуъ бўлади:

يَفْتَحَانِ، يَفْتَحُونَ، تَفْتَحَانِ، تَفْتَحُونَ، تَفْتَحِينَ، تَفْتَحَانِ

Қоида: *Маълум бўлдики, ушбу еттита нунли сийғалар марфуъ бўлганларида **ن** лари собит бўлади, аммо мансуб ва мажзум бўлганларида **ن** лари соқит бўлади. Шундай экан, нунли сийғаларнинг рафъ аломати собит бўлган **ن** дир, насб ва жазм аломати соқит бўлган **ن** дир.*

МУФРАДЛАР ЭЪРОБИ

Музореъ феълининг 5та муфрад сийғаси охирларининг эътибори билан уч турли бўлади: саҳиҳ; мудғом; муътал.

Охирлари саҳиҳ ҳарф бўлган сийғаларга **саҳиҳ** дейилади. Масалан:

يَفْتَحُ، تَفْتَحُ، تَفْتَحُ، أَفْتَحُ، نَفْتَحُ.

Охирлари ташдидли бўлган сийғаларга **мудғом** дейилади. Масалан:

يَمْرُ، تَمْرُ، تَمْرُ، أَمْرُ، نَمْرُ؛
يَفْرُ، تَفْرُ، تَفْرُ، أَفْرُ، نَفْرُ؛
يَمْسُ، تَمْسُ، تَمْسُ، أَمْسُ، نَمْسُ

Охирларида иллатли ҳарф бўлган сийғаларга **муътал** (**مُعْتَلٌ**) дейилади. Масалан:

يَدْعُو، تَدْعُو، تَدْعُو، أَدْعُو، نَدْعُو؛
يَرْمِي، تَرْمِي، تَرْمِي، أَرْمِي، نَرْمِي؛
يَخْشَى، تَخْشَى، تَخْشَى، أَخْشَى، نَخْشَى

Саҳиҳ муфрадлар эъроби

Саҳиҳ бўлган муфрадларнинг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа, жазм аломати сукундир. Масалан: **يَفْتَحُ، انْ يَفْتَحُ، انْ يَفْتَحُ**

Охири саҳиҳ бўлган муфрад сийғасининг олди сукунлик иллат ҳарфи бўлса, икки сукун бир ерда бўлмаслиги учун жазм ҳолда иллат ҳарфи ҳазф бўлади. Масалан: **اَنْ يَبِيعُ، اَنْ يَقُلَ، اَنْ يَخْفُ** кабики, рафъ ҳолда бу феъллар **يَخَافُ، يَبِيعُ، يَقُولُ** дирлар.

Мудғом муфрадлар эъроби

Мудғом бўлган муфрад сийғаларининг рафъ аломати замма, насб аломати фатҳа ва жазм аломати сукундир.

Масалан:

اَنْ يَمُرُّ، يَفِرُّ، يَمَسُّ؛ اَنْ يَمُرُّ، اَنْ يَفِرُّ، اَنْ يَمَسُّ؛ اَنْ يَمُرُّ، اَنْ يَفِرُّ، اَنْ يَمَسُّ

Ушбу мудғом бўлган муфрад сийғаларининг жазм аломати сукун бўлса ҳам жазм ҳолида кўпинча охирлари мудғом бўлиб, фатҳа ёки касра билан истеъмол этиладилар.

Масалан: **اَنْ يَمُرُّ – اَنْ يَمُرُّ، اَنْ يَفِرُّ – اَنْ يَفِرُّ، اَنْ يَمَسُّ – اَنْ يَمَسُّ**.

Муътал муфрадлар эъроби

Муътал бўлган муфрад сийғаларининг рафъ аломатлари аслида заммадир, лекин охири ҳарфи иллат бўлгани сабабли заммалари лафзда зоҳир бўлмасдан тақдирий бўлиб қолади.

Масалан: **يَدْعُو، يَخْشَى، يَرْمَى، يَدْعُو** кабики, аслида **يَدْعُو** дирлар. Буларнинг ҳар бири эълол қоидаларига мувофиқ ўзгаришга учраган.

Муътал бўлган муфрад сийғаларининг насб аломатлари фатҳадир.

Масалан: **اَنْ يَدْعُو، اَنْ يَخْشَى، اَنْ يَرْمَى**.

Қоида: *Таъкид нуни тутташган муфрад сийғалари умуман мабний бўлиб, охирлари доимо мафтух бўлади.* Масалан: **لَيْفَتَحَنَّ، لَيْمُرَنَّ، لَيْفِرَنَّ، لَيْمَسَنَّ، لَيْدَعُونَنَّ، لَيْرَمِينَنَّ، لَيْخَشِينَنَّ**.

Мазкур мисолларда барча феълларнинг охирлари (таъкид нунидан аввалги ҳарф) фатҳалидир.

КАЛИМАЛАРНИНГ ТАРКИБ ҚОИДАЛАРИ

Ёлғиз бир калимага **басит** ва **муфрад** дейилади. Масалан: **كِتَابٌ، زَيْدٌ، رَجُلٌ، عَالِمٌ، نَفْسٌ**

Ёнма ён зикр қилинган икки сўзнинг бирикмасига **мураккаб** ва **таркиб** дейилади. Масалан:

كِتَابُ زَيْدٍ، الرَّجُلُ الْعَالِمُ، زَيْدٌ نَفْسُهُ، زَيْدٌ عَالِمٌ، كَتَبَ زَيْدٌ.

Таркиб икки турли бўлади: ноқис (номукамал) таркиб; том (мукамал) таркиб. Маъносида фалон нарса шундай ва иш шундай бўлди дегани каби бир ҳукм тушунилмаган таркибларга **ноқис таркиблар** дейилади. Масалан: **كِتَابُ زَيْدٍ، الرَّجُلُ الْعَالِمُ، زَيْدٌ نَفْسٌ**.

Маъносида фалон нарса шундай ва иш шундай бўлди дегани каби бир ҳукм тушунилган таркибларга **том таркиблар** дейилади. Масалан: **زَيْدٌ عَالِمٌ، كَتَبَ زَيْدٌ، زَيْدٌ جَاهِلٌ، زَيْدٌ كَتَبَ**.

Том таркиблар жумла ва калом деб номланадилар.

НОҚИС ТАРКИБЛАР

Ноқис таркиблар жумлада бир калима ҳукмидадилар. Зеро жумла ичида уларнинг фақат аввалги қисмлари эътиборли бўлиб, иккинчи қисмларига катта эътибор йўқдир. Чунки уларнинг иккинчи қисмлари фақат биринчи қисмларини таъйин қилиш учун келади. Шу сабабдан, ноқис таркибнинг аввалги қисми **асл** ва иккинчи қисми **фаръ** (**қўшимча**) дейилади. Ноқис таркибларда биринчи қисмни таъйин қилиш учун ишлатиладиган фарълар уч хил бўлади: 1) Музофин илайҳи; 2) Сифат; 3) Таъкид.

Музофин илайҳи

Аслларининг кимга ва нимага мансуб эканлигини баён қилиш учун келган фаръларга **музофин илайҳи** дейилади. Масалан: **كِتَابُ زَيْدٍ، بَابُ الْمَدْرَسَةِ** ибораларидаги **الْمَدْرَسَةِ** ва **زَيْدٍ** лар каби. Музофин илайҳининг аслларига **музоф** дейилади. Музоф ва музофин илайҳининг бирикмасига **изофий таркиб** дейилади.

Музофин илайҳи гўё кимнинг ва ниманинг каби саволларга жавоб ҳукмида зикр этилади. Музоф ва музофин илайҳи ўзбек тилига таржима қилинганда аввал музофин илайҳига маъно берилиб, кейин музоф таржима қилинади. Музофин илайҳининг маъносига (-нинг) ҳарфлари кўшилади. Юқоридаги мисоллардаги Зайднинг китоби ва мадрасанинг эшиги дейилгани каби.

Изофий таркиб қоидалари

1. **Қоида:** *Музофин илайҳи бўлган исмларнинг ҳар бирлари мажрур бўлади.* Масалан:

كِتَابُ بَكْرٍ، قَلَمُ عَلِيٍّ، بَابُ الْحَدِيقَةِ، مَطْبَعُ الْمَدْرَسَةِ، بَيْتُ الرَّجُلَيْنِ، حُجْرَةُ الطَّالِبِينَ، مَكَاتِبُ الصَّبِيَّانِ، مَجْلِسُ الْعُلَمَاءِ، مَسْجِدُ الْمُسْلِمِينَ، دَارُ الْمُعَلِّمَاتِ، لِبَاسُ أَحْمَدَ، طَلِبَاءُ مَكَاتِبَ .

2. **Қоида:** *Исми замир ва исми ишора каби мабний бўлган исмлар музофин илайҳи бўлсалар, лафзда мажрур бўлмайдилар, балки ҳукман мажрур бўладилар.*

Масалан: كِتَابُهُ، كِتَابُكَ، كِتَابِي، كِتَابُ هَذَا، كِتَابُ هَذِهِ، كِتَابُ هُوَ لِأَنَّ .

3. **Қоида:** *Музоф бўлган исмлар ҳеч ал билан маърифа бўлмайди, балки доимо ал сиз келади.*

Масалан: الْبَابُ الْمَدْرَسَةِ، الْكِتَابُ زَيْدٍ дейилади, лекин كِتَابُ زَيْدٍ дейилмайди.

Фақатгина غَيْرُ лафзи бу ҳукмдан мустаснодир, чунки унинг накралиги жуда қувватли бўлганлигидан, уни маърифа қилиш учун музоф бўлса ҳам ал киритилади.

Масалан: الْغَيْرُ الْمَقْبُولِ، الْغَيْرُ الْمَشْهُورِ .

4. **Қоида:** *Музоф бўлган исмлар ҳеч танвинли бўлмайдилар.* Масалан: بَابُ الْمَدْرَسَةِ، كِتَابُ زَيْدٍ

дейилмайди.

Изофалар кетма-кетлиги

Баъзан музофлар кетма-кет келадилар, яъни бир неча исм бир бирига музоф бўлишлик билан тартибланади. Масалан: يَدِ خَادِمِ بَكْرٍ، اصْبَعُ يَدِ خَادِمِ بَكْرٍ، ظَفْرُ اصْبَعِ يَدِ خَادِمِ بَكْرٍ .

(Изофаларнинг кетма кет келиши фасоҳат жиҳатидан унча мақбул эмасдир.)

Баъзан бир исмга икки исм музоф бўлади. Масалан: كِتَابُ بَكْرٍ وَ قَلَمُ بَكْرٍ кабики, аслида كِتَابُ بَكْرٍ وَ قَلَمُ بَكْرٍ дир. Гоҳо музореъи масдарий жумласи музофин илайҳи бўлади.

Масалан: زَمَانَ (أَنْ يَسِيرَ)، جَوَازَ (أَنْ يَأْكُلَ)، حِينَ (أَنْ يَشْرَعَ) .

Сифат

Аслларини тавсифлаб ва таърифлаб келган фаръларга сифат дейилади.

Масалан: الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْإِنْسَانُ الْكَامِلُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الْقَلَمُ الطَّوِيلُ .

Сифатларнинг аслларига **мавсуф** дейилади. Мавсуф ва сифатнинг бирикмасига **тавсифий таркиб** дейилади. Сифатлар гўё қандай ва қайси каби саволга жавоб ҳукмида зикр қилинадилар. Мавсуф ва сифатни ўзбек тилига таржима қилишда аввал сифат таржима қилиниб, кейин мавсуфга маъно берилади.

Қоидалар

1. **Қоида:** *Сифатлар музаккар ёки муаннас сийгаси бўлишликда мавсуфларига эргашади.*

Масалан: الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْمَرْأَةُ الْعَاقِلَةُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الصَّحِيفَةُ الْكَبِيرَةُ .

2. **Қоида:** *Сифатлар муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда мавсуфларига эргашади.*

Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الرَّجُلَانِ الْعَاقِلَانِ، الرَّجَالُ الْعُقَلَاءُ، الْمُسْلِمُونَ الْعَاقِلُونَ،
الْمَرْأَةُ الْعَاقِلَةُ، الْمَرْأَتَانِ الْعَاقِلَتَانِ، النِّسَاءُ الْعَاقِلَاتُ، الْمُسْلِمَاتُ الْعَاقِلَاتُ .

3. **Қоида:** *Инсондан бошқа нарсаларнинг жамъ сийгаларининг сифатлари доимо муфрад-муаннас сийгаси бўлади.* Масалан:

الْأَشْجَارُ الطَّوِيلَةُ، الْأَفْرَاسُ السَّائِمَةُ، الْحَيَوَانَاتُ الصَّغِيرَةُ، الْعُلُومُ الْإِسْلَامِيَّةُ، الْفُنُونُ الْجَدِيدَةُ، الْكُتُبُ الْمُنْفِيْدَةُ، الْأَخْلَاقُ الْحَسَنَةُ

4. **Қоида:** *Маърифа ва накра бўлишликда ҳам сифатлар мавсуфларига эргашадилар.*

Масалан:

الرَّجُلُ الْعَاقِلُ، الْعِلْمُ النَّافِعُ، الْكِتَابُ الْكَبِيرُ، الْمَدْرَسَةُ الْجَدِيدَةُ

رَجُلٌ عَاقِلٌ، عِلْمٌ نَافِعٌ، كِتَابٌ كَبِيرٌ، مَدْرَسَةٌ جَدِيدَةٌ

5. **Қоида:** *Марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда сифатлар мавсуфларига эргашиди.* Масалан:

المُسْلِمُ العَاقِلُ، المُسْلِمَانِ العَاقِلَانِ، المُسْلِمُونَ العَاقِلُونَ
المُسْلِمِ العَاقِلِ، المُسْلِمِينَ العَاقِلِينَ، المُسْلِمِينَ العَاقِلِينَ
المُسْلِمِ العَاقِلِ، المُسْلِمِينَ العَاقِلِينَ، المُسْلِمِينَ العَاقِلِينَ

- Хулоса: мавсуф билан сифат орасида 10 та нарсада - музаккар, муаннас, муфрад, тасния, жамъ, маърифа, накра, марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда бир-бирига мувофиқлик лозим.

Исми ишоралар кўпинча бир сифат билан мавсуф бўладилар:

هَذَا الخَادِمُ، هَذَانِ الخَادِمَانِ، هَؤُلَاءِ الخَادِمَاتُ؛ هَذِهِ الخَادِمَةُ، هَاتَانِ الخَادِمَتَانِ، هَؤُلَاءِ الخَادِمَاتُ

Таъкид

Асллари ҳақида бир навъ шубҳани дафъ қилиш учун зикр қилинган фаръларга таъкид дейилади:

الأُسْتَاذُ نَفْسُهُ жумласидаги калимаси кабики, амр этган кимса устознинг ўзи экани ҳақидаги шубҳани дафъ қилиш учун зикр қилингандир. Таъкидларнинг аслларига муаккад дейилади. Таъкид учун истеъмол қилинадиган лафзлар қуйидаги 7 лафздир:

نَفْسُهُ، عَيْنُهُ، كِلَاهُمَا، كِلْتَاهُمَا، كُلُّهُ، جَمِيعُهُ، أَجْمَعُ .

Мисоллари: . الأُسْتَاذُ نَفْسُهُ، المُعَلِّمُ عَيْنُهُ، الرَّجُلَانِ كِلَاهُمَا، المُرَأَتَانِ كِلْتَاهُمَا، الرَّمَّانُ كُلُّهُ، الرَّمَّانُ جَمِيعُهُ، الرَّمَّانُ أَجْمَعُ .

Таъкид қоидалари

1. **Қоида:** *лафзлари муфрад, тасния ва жамъ бўлишда муаккадларига эргашидилар.* Масалан:

الأُسْتَاذُ نَفْسُهُ، الأُسْتَاذَانِ أَنْفُسُهُمَا، الأُسَاتِيدُ أَنْفُسُهُمْ، المُعَلِّمَةُ نَفْسُهَا، المُعَلِّمَتَانِ أَنْفُسُهُمَا، المُعَلِّمَاتُ أَنْفُسُهُنَّ، الأُسْتَاذُ عَيْنُهُ...؛ القَوْمُ أَجْمَعُ، الطَّائِفَةُ جَمْعَاءُ، الطُّبَّاءُ أَجْمَعُونَ، الطَّالِبَاتُ جَمْعُ .

أنفُسُهُمَا аслида бўлишлиги лозим бўлса-да, хилоф равишда дейишлик кенг тарқалган.

2. **Қоида:** *Марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишда ҳам таъкидлар муаккадларига эргашидилар.* Масалан: . الأُسْتَاذُ نَفْسُهُ، الأُسْتَاذَ نَفْسَهُ، الأُسْتَاذَ نَفْسِهِ .

3. **Қоида:** *كِلاهُمَا ва كِلْتَاهُمَا лафзларининг эъроблари турлича бўлса-да, сийгалари ва замирлари ҳеч ўзгармайди.*

Масалан: . الرَّجُلَانِ كِلَاهُمَا، الرَّجُلَيْنِ كِلَيْهِمَا، المُرَأَتَانِ كِلْتَاهُمَا، المُرَأَتَيْنِ كِلْتَيْهِمَا .

4. **Қоида:** *كُلُّهُ ва جَمِيعُهُ лафзлари тасния ва жамъ этилмайдилар. Аммо охирларидаги замирлари тасния ва жамъ этилади.* Масалан:

القَوْمُ كُلُّهُ، القَوْمَانِ كُلُّهُمَا، الأَقْوَامُ كُلُّهُمْ؛ الطَّائِفَةُ كُلُّهَا، الطَّائِفَتَانِ كُلُّهُمَا، النِّسَاءُ كُلُّهُنَّ؛ القَوْمُ جَمِيعُهُ...؛

أَجْمَعُ дан бошқа таъкид лафзларининг ҳар бирининг охирида муаккадларига рожеъ бўлган бир замирлари бўлади. Аммо جَمْعَاءُ، أَجْمَعُونَ، جَمْعُ، أَجْمَعُ лар замирсиз истеъмол этиладилар. أَجْمَعُ маъносида бўлган أَكْتَعُ، أَتَبَعُ، أَبْصَعُ лар ҳам أَجْمَعُ ҳукмидадирлар.

ТОМ ТАРКИБЛАР

Том таркибларга жумла ва калом дейилади. Жумла бўлиши учун икки калима шартдир, фақат бир калимадан жумла ҳосил бўлмайди. Жумлада зикр қилинган икки калиманинг бирига маҳкум (ёки муснадун илайҳи) дейилади, иккинчисига эса ҳукм (ёки муснадун биҳи) дейилади. Масалан: كَتَبَ жумласида كَتَبَ زَيْدٌ маҳкумдир, عَالِمٌ эса ҳукмдир. Яна كَتَبَ жумласида كَتَبَ زَيْدٌ

ҳукмдир, **زَيْدٌ** эса маҳкумдир. Маҳкум кўпинча исми зот бўлади, ҳукм эса кўпинча исми сифат ёки феъл бўлади.

Жумла икки хилдир: жумлаи исмийя ва жумлаи феълия. **Ҳукми исм бўлган жумлага жумлаи исмийя** дейилади. Масалан: **زَيْدٌ عَالِمٌ** каби. **Ҳукми феъл бўлган жумлага жумлаи феълийя** дейилади. Масалан: **كَتَبَ زَيْدٌ** каби.

Жумлаи исмийя

Жумлаи исмийянинг маҳкумига мубтадо дейилади, **ҳукмига эса хабар** дейилади. Масалан: **زَيْدٌ** жумласида **زَيْدٌ** мубтадо, **عَالِمٌ** эса хабардир. Жумлаи исмийяни ўзбек тилига таржима қилишликда (-дир) қўшимчаси қўшилади.

1. **Қоида:** **Мубтадо ҳам, хабар ҳам марфуъ бўлади.** Масалан:

الرَّجُلُ عَنِي، الرَّجُلَانِ غَنِيَانِ، الرَّجَالُ أَغْنِيَاءُ، الْمُسْلِمُونَ مُفْلِحُونَ

2. **Қоида:** **Агар мубтадо замир ва исми ишора каби мабний исмлардан бўлса, лафзан марфуъ бўлмайди, балки ҳукман марфуъ бўлади.** Масалан:

هُوَ عَالِمٌ، هُمَا عَالِمَانِ، هُمُ عُلَمَاءُ، هِيَ عَالِمَةٌ، هُمَا عَالِمَتَانِ، هُنَّ عَالِمَاتٌ، أَنْتَ عَالِمٌ، أَنْتِمَا عَالِمَانِ، أَنْتُمْ عُلَمَاءُ، أَنْتُمْ عَالِمَةٌ، أَنْتُمَا عَالِمَتَانِ، أَنْتُنَّ عَالِمَاتٌ، أَنَا عَالِمٌ، نَحْنُ عُلَمَاءُ، هَذَا عَالِمٌ، هَؤُلَاءِ عُلَمَاءُ، هَذِهِ عَالِمَةٌ، هَؤُلَاءِ عَالِمَاتٌ .

3. **Қоида:** **Музаққар ва муаннас бўлишликда хабар мубтадога эргашиди.** Масалан:

الرَّجُلُ عَالِمٌ، الْمَرْأَةُ عَالِمَةٌ، الْكِتَابُ كَبِيرٌ، الرَّسَالَةُ صَغِيرَةٌ

4. **Қоида:** **Муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда ҳам хабар мубтадога эргашиди.** Масалан:

الرَّجُلُ عَالِمٌ، الرَّجُلَانِ عَالِمَانِ، الرَّجَالُ عُلَمَاءُ، الْمُسْلِمُونَ مُفْلِحُونَ، الْمَرْأَةُ عَالِمَةٌ، الْمَرَّاتَانِ عَالِمَتَانِ، النَّسَاءُ عَالِمَاتٌ

5. **Қоида:** **Агар мубтадо инсондан бошқа нарсаларнинг жамъ сийгаси бўлса, хабар доимо муфрад-муаннас сийгасида бўлади.** Масалан:

الْعُلُومُ لَازِمَةٌ، الْكُتُبُ مُفِيدَةٌ، الْمَكَاتِبُ صَغِيرَةٌ، الْمَدَارِسُ كَبِيرَةٌ

6. **Қоида:** **Мубтадо кўпинча маърифа бўлади, хабар эса кўпинча накра бўлади.**

Ўтган мисолларга қарасангиз, уларнинг ҳар бири ушбу қоидага мувофиқ эканлигини кўрасиз.

Баъзан мубтадо ҳам накра бўлади. Масалан: **خَيْرٌ مِنْ صَدِيقٍ جَاهِلٍ** жумласидаги **عَدُوٌّ** каби.

Баъзи жумлаларда мубтадо ҳам, хабар ҳам маърифа бўладилар. Масалан:

اللَّهُ - إِلهُنَا، مُحَمَّدٌ - نَبِينُنَا، الْجُهَالُ - أَعْدَاءُ الْعُلَمَاءِ .

Музофин илайҳили мубтадолар:

каби. **خَادِمٌ بَكْرٌ - طَوِيلٌ، وَجْهٌ زَيْدٌ - حَسَنٌ، لِبَاسٌ عَلِيٌّ - جَدِيدٌ، قَلَمٌ وَلِيٌّ - قَصِيرٌ**

Музофин илайҳили хабарлар:

каби. **الرَّجُلُ - خَادِمٌ بَكْرٌ، زَيْدٌ - صَدِيقٌ خَالِدٌ، عَمْرُو - عَدُوٌّ مَحْمُودٌ، هَذَا - كِتَابٌ زَيْدٌ**

Мубтадолари ҳам, хабарлари ҳам музофин илайҳили бўлган жумлалар:

каби. **أَخْتُ زَيْدٍ - زَوْجَةٌ بَكْرٌ، زَوْجَةٌ عَلِيٌّ - بِنْتُ وَلِيٍّ، حَبِيبٌ بَكْرٌ - عَدُوٌّ زَيْدٌ**

Сифатли мубтадолар:

каби. **الرَّجُلُ الْعَالِمُ - صَالِحٌ، الْمَرْأَةُ الْمُخَدَّرَةُ - حَسَنَةٌ، الرَّجَالُ الْأَغْنِيَاءُ - مُتَكَبِّرُونَ**

Сифатли хабарлар:

каби. **التَّمْرُ - طَعَامٌ لَذِيذٌ، الْمَالُ - شَيْءٌ عَزِيزٌ، الْمَدِينَةُ - بَلَدَةٌ طَيِّبَةٌ**

Таъкидли мубтадолар:

каби. **زَيْدٌ نَفْسُهُ - سَخِيٌّ، الْأَبْوَانُ كِلَاهِمَا - مُشْتَفِقَانِ، الطُّلَبَاءُ كُلُّهُمْ - فُقَرَاءٌ**

Баъзи жумлаи исмийяларнинг хабарлари ҳам қисқа жумла бўлади. Масалан:

زَيْدٌ - أَنْفُهُ طَوِيلٌ، بَكْرٌ - أَبُوهُ غَنِيٌّ، عَمْرُو - خَادِمُهُ جَاهِلٌ، مَرِيْمٌ - وَجْهُهَا حَسَنٌ، زَيْنَبٌ - قَمِيصُهَا طَوِيلٌ، الرَّجُلَانِ - لِبَاسَاهُمَا مُزَيَّانِ، الرَّجَالُ - أَدْقَانُهُمْ مُلْتَحَاةٌ، الْمُسْلِمُونَ - اخْلَاقُهُمْ حَسَنَةٌ، الْمَجُوسِيُّونَ - عَقَائِدُهُمْ بَاطِلَةٌ

Қоида: **Мазкур мисолларда бўлганидек, хабар бўлган жумлаларда мубтадоларига қайтувчи бир замир бўлиши лозим.**

Қоида: *Хабар бўлган жумлалар лафзан марфуъ бўлмайдилар, ҳукман марфуъ ҳисобланадилар.*

Жумлаи феълийя

Жумлаи феълия ҳар доим бир феъл билан бир исмдан таркиб топган бўлиб, феъли ҳукм, исми маҳкум бўлади. Масалан: **كَتَبَ زَيْدٌ** жумласида **كَتَبَ** ҳукмдир, **زَيْدٌ** маҳкумдир.

Фоил

Жумлаи феълияда маҳкум бўлган исмга **фоил** дейилади. **كَتَبَ زَيْدٌ** жумласидаги **زَيْدٌ** каби.

Қоида: *Фоил кўпинча феълдан кейин келади. Баъзан феълдан олдин ҳам келади.* Масалан:
كَتَبَ زَيْدٌ، زَيْدٌ كَتَبَ¹، يَكْتُبُ زَيْدٌ، زَيْدٌ يَكْتُبُ .

Қоида: *ҳамма фоиллар марфуъ бўладилар.*

Масалан: **الرَّجُلُ كَتَبَ، الرَّجُلَانِ كَتَبَا، الرَّجَالُ كَتَبُوا، الْمَرْأَةُ كَتَبَتْ، الْمَرْأَتَانِ كَتَبَتَا، النِّسَاءُ كَتَبْنَ .**

Эслатма: *Музаккар ва муаннас бўлишликда ва яна муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда феъл фоилига эргашишлиги ҳақида феъл бобиди баён қилинган эди.*

Қоида: *Мухотаб ва мутакаллим сийғаларида бўлган феълларнинг фоиллари остиларидаги яширин замирлар бўлади.* Масалан:

فَتَحَ (هو)، فَتَحَا (هما)، فَتَحُوا (هم)، فَتَحَتْ (هي)، فَتَحَتَا (هما)، فَتَحْنَ (هن)، فَتَحْتِ (انت)، فَتَحْتُمَا (انتما)، فَتَحْتُمْ (انتم)، فَتَحْتُ (انت)، فَتَحْتُمْ (انتما)، فَتَحْتُنِي (نحن).

Гоҳо феълнинг фоили ўзидан олдин зикр қилинган бир замир бўлади. Масалан:

هُوَ فَتَحَ، هُمَا فَتَحَا، هُمْ فَتَحُوا، هِيَ فَتَحَتْ، هُمَا فَتَحَتَا، هُنَّ فَتَحْنَ، أَنْتَ فَتَحْتَ، أَنْتُمَا فَتَحْتُمَا، أَنْتُمْ فَتَحْتُمْ، أَنْتِ فَتَحْتِ، أَنْتُمَا فَتَحْتُمَا، أَنْتِنَّ فَتَحْتِنَّ، أَنَا فَتَحْتُ، نَحْنُ فَتَحْنَا .

Қоида: *Фоил мабний исмлардан бўлса, лафзан марфуъ бўлмайди, балки ҳукман марфуъ бўлади.* Масалан: **هُوَ فَتَحَ، أَنْتَ فَتَحْتَ، هَذَا كَتَبَ، هُوَ لَاءِ كَتَبُوا .**

Баъзи жумлаи феълияларнинг феъллари мажхул сийғада бўлади.

Масалан: **قَتَلَ بَكْرٌ، ضَرَبَ زَيْدٌ، كَتَبَ الْكِتَابُ .**

Ушбу феъллар каби мажхул сийғада бўлган феълларнинг маҳкумлари ҳақиқатда фоил, яъни килувчи бўлмасалар-да, наҳв истилоҳида фоил жумласидан ҳисобланадилар. Баъзи жумлаи феълияларнинг феъллари нафий мозий, нафий музореъ ва жаҳд каби манфий сийғалардан бўлади. Масалан: **مَا دَخَلَ زَيْدٌ، لَا يَدْخُلُ زَيْدٌ، لَنْ يَدْخُلَ زَيْدٌ، لَمْ يَدْخُلْ زَيْدٌ .**

Шу каби манфий бўлган феълларнинг маҳкумлари ҳам ҳақиқатда фоил эмас. Шундай бўлса-да, наҳв истилоҳида фоил ҳисобланадилар.

Исми сифатларнинг фоиллари

Фоил фақат феълларга хос эмас. Баъзи вақт исми фоил, исми мафъул, исми фаъвол, сифати мушаббаҳа ва исми мансуб каби исми сифатларнинг ҳам фоиллари айтилгандир. Зеро исми сифатлар шибҳи феъл бўлганликларидан феъл ҳукмидадирлар. Масалан:

زَيْدٌ - عَالِمٌ أَبُوهُ، زَيْدٌ - مَسْرُوقٌ مَالُهُ، زَيْدٌ - أَكَالٌ خَادِمُهُ، زَيْدٌ - كَبِيرٌ رَأْسُهُ، زَيْدٌ - حَسَنٌ وَجْهُهُ، زَيْدٌ - شَرَعِيٌّ عَمَلُهُ .

Қоида: *Исми сифатларнинг фоиллари доимо мажозий мавсуфларига рожеъ бўлган бир замирга музоф бўладилар* (Зикр қилинган мисолларга қаранг). Баъзи вақтда зикр қилинган исми сифатлар фоилларига музоф бўлади. У ҳолда фоиллари албатта марфуъ бўлмайди, балки музофин илайҳи бўлганлиги учун мажрур бўлади. Охиридаги замирлари ҳазф бўлиб, олдилари муъаррафи биллом (ال ли) бўлади. Масалан:

¹ **زَيْدٌ كَتَبَ** жумласидаги **زَيْدٌ** калмаси мутақоддим уламолар наздида мубтадо жумласидан саналган бўлса-да, энгиллик мақсадида кейинги давр наҳвшунослари наздида фоил жумласидан ҳисобланади.

² **فَتَحْتُ** ва **فَتَحْتِ** каби мухотаб ва мутакаллим сийғаларининг охирларидаги **ت** лари кейинги уламолар наздида фоилнинг замири эмас, балки фақат фоилнинг мухотаб ва мутакаллим эканлигига бир аломатдир.

زَيْدٌ - عَالِمُ الْأَبِّ، زَيْدٌ - مَسْرُوقُ الْمَالِ، زَيْدٌ - أَكَّالُ الْخَادِمِ، زَيْدٌ - كَبِيرُ الرَّأْسِ، زَيْدٌ - حَسَنُ الْوَجْهِ، زَيْدٌ - شَرَعِيُّ الْعَمَلِ .

Исми сифатларнинг мутаъаддийлари гоҳо мафъулларига музоф бўлади.

Масалан: عَالِمُ الْأَسْرَارِ، قَاتِلُ الدَّئِبِ، أَكَلُ الْخُبْزِ .

Лафзий ва маънавий изофалар

Исми сифатларнинг фоилларига ёки мафъулларига музоф бўлишлари фақат лафзий ва зоҳирийдир. Маънода музофлик ва мансублик йўқдир. Шу сабабдан, исми сифатларнинг бундай изофалари **изофаи лафзийя** деб номланади. Ҳақиқий изофа - **изофаи маънавийя**дирки, у бир исми иккинчи бир исмга фоиллик ёки мафъуллик муносабатидан бошқа бир муносабат билан бирикувидан иборатдир. Масалан: كِتَابُ زَيْدٍ، بَابُ الْمَدْرَسَةِ، каби.

Изофаи маънавийянинг аломати шуки, бундай изофа билан музоф ва музофин илайҳи бўлган исмлар ўзбек тилига таржима қилинганда музофин илайҳининг охирига (-нинг) қўшимчаси қўшилади: Зайднинг китоби ва мадрасанинг эшиги дейилгани каби.

Изофаи маънавийя билан музоф бўлган исмлар муъаррафи биллом бўлмасалар-да, изофаи лафзийя билан музоф бўлган исмлар баъзан ال ли бўладилар. Чунки изофаи лафзийя билан музоф бўлган исми сифатлар маърифа саналмайдилар. Масалан:

الصَّائِبُ الْفِكْرِ، الْمَسْرُوقُ الْمَالِ، الْحَسَنُ الْوَجْهِ، الْأَكْلُ الْخُبْزِ .

Масдарларнинг фоили

Баъзан масдарларнинг ҳам фоиллари марфуъ бўлар экан. Масалан: أَعْجَبَنِي أَكْلُ زَيْدٍ жумласидаги زَيْدٌ каби. Лекин бу жуда нодирдир. Кўпинча масдарлар фоилларига музоф бўлгани учун фоиллари мажрур бўлади. Масалан:

أَعْجَبَنِي أَكْلُ زَيْدٍ، عَلِمْتُ صِدَاقَةَ بَكْرٍ، تَعَجَّبْتُ سَخَاوَةَ عَلِيٍّ .

Масдарлар гоҳо мафъулларига ҳам музоф бўлади. Масалан:

أَكَلُ الطَّعَامِ، جَمْعُ الْمَالِ، إِكْرَامُ الْفُقَرَاءِ، زِيَارَةُ الْإِخْوَانِ .

Қоида: *Фоилларига ёки мафъулларига музоф бўлган масдарлар ал ли бўлмайдилар, чунки маърифа саналадилар.*

Масалан: الزِّيَارَةُ الْإِخْوَانِ، الإِكْرَامُ الْفُقَرَاءِ، الْجَمْعُ الْمَالِ، الْأَكْلُ الطَّعَامِ .

ТАЗЙИНОТ (ТЎЛДИРУВЧИЛАР)

Жумла ичида зикр қилинган калималардан иккитаси, яъни маҳкум билан ҳукм жумланинг бош ва асосий бўлакларидир. Маҳкум билан ҳукмсиз жумла ҳеч том ва мукамал бўлмайди. Шу сабабдан улар жумланинг **умдалари** (асослари) дейилади. Жумла ичида маҳкум ва ҳукмдан ташқари жумлани тўлдириш ва зийнатлаш учун зикр қилинган лафзлар ҳам бўладики, уларга **жумланинг тазйини** дейилади. Масалан: أَكَلُ زَيْدٌ الْيَوْمَ تَفَاحًا فِي الْبُسْتَانِ жумласида اكل ҳукм бўлиб, زَيْدٌ маҳкумдир. Булар жумланинг умдаларидир. Аммо الْبُسْتَانِ، تَفَاحًا، الْيَوْمَ лафзлари жумланинг умдалари эмас, балки фазлалари (қўшимча бўлаклари)дир. Булар зикр этилмаса ҳам жумла тамом бўлаверади. Улар фақат жумланинг тазйини учун зикр этилгандир.

Баъзи жумлалар тазйинсиз бўлиб, фақат ҳукм ва маҳкумдан иборат бўлади. Баъзи жумлаларда маҳкум ва ҳукмдан бошқа бир неча тазйинлар зикр этилади. Фақат маҳкум билан ҳукмдан таркиб топиб, ҳеч бир тазйини бўлмаган жумлаларга **жумлаи мужаррада** дейилади. Масалан: أَكَلُ زَيْدٌ каби.

Тазйинли жумлаларга эса **жумлаи музайяна** дейилади. Масалан: أَكَلُ زَيْدٌ الْيَوْمَ تَفَاحًا فِي الْبُسْتَانِ

Жумлаи мужаррада жуда оздир, чунки жумлаларнинг кўпчилиги бир ёки бир неча тазйин билан музайян бўлади. Зеро ҳар каломда жумланинг ҳукмини мухотабга яхшироқ тушунтириш кўпинча бир неча тазйинсиз мумкин эмас. Масалан: أَكَلُ زَيْدٌ дейилса, фақатгина Зайднинг еганлиги тушунилади. Мухотаб бу билан қаноатланмайди ва албатта: Қачон еди, нимани еди, қаерда еди???,

деб савол беради. Шунга биноан *اليوم تفاحا في البستان* лафзларини айтиш билан жумлани тазйин этиш лозим бўлади. Тазйинларнинг кўпчилиги жумланинг ҳукмига тааллуқли бўлади. Шу сабабдан жумланинг тазйинлари илми маъонийда «**мутаъаллиқоти ҳукм**» деб номланадилар.

Тазйинот турлари

Араб тилида жумланинг машҳур 12 тур тазйиноти бордир: мафъули мутлақ, мафъулун бих, зарфи замон, зарфи макон, хол, тамйиз, мустасно, зул-жор, маҳзуф ул-жор, мутаммими феъли ноқис, мутаммими феъли қалбий, ҳар турли тазйинлар.

МАФЪУЛИ МУТЛАҚ

Мафъули мутлақ феълининг ортидан зикр қилинадиган масдардир. У феъл маъносини таъкидлаш ёки иш-ҳаракатнинг навъи ё сонини билдириш учун ишлатилади. Масалан:

جَلَسْتُ جُلُوسًا (аниқ ўтирдим), *جَلَسْتُ جَلَسَةً* (бир бор ўтирдим), *جَلَسْتُ فَعْدًا* (тиз чўкиб ўтирдим) каби.

Қоида: *Мафъули мутлақлар мансуб бўлади.* Масалан:

جَلَسْتُ جَلَسَةً، جَلَسْتُ جَلَسَتَيْنِ، جَلَسْتُ جَلَسَاتٍ.

Баъзи мафъули мутлақлар феълнинг муродифининг (мутародифининг) масдари бўлади. Масалан: *فَعَدْتُ جُلُوسًا* каби.

Баъзи мафъули мутлақлар бир исмга музоф бўлади. Масалан:

ضَرَبْتُ ضَرْبَ الْجَلَادِ، نَمْتُ نَوْمَ الْعُرُوسِ، سَرْتُ سَيْرَ الْكِبَارِ.

Баъзи мафъули мутлақлар бир сифат билан мавсуф бўлади. Масалан:

قَرَأْتُ قِرَاءَةً جَيِّدَةً، ضَرَبْتُ ضَرْبًا شَدِيدًا، سَرْتُ سَيْرًا كَثِيرًا.

Мафъули мутлақ феълларгагина хосланган эмас. Баъзи вақт исми сифатлардан кейин ҳам мафъули мутлақлари зикр этилади. Масалан:

زَيْدٌ ضَارِبٌ ضَرْبًا شَدِيدًا، الْمَالُ مَسْرُوقٌ سَرَقَةً عَجِيبَةً، زَيْدٌ حَسَنٌ حُسْنًا مَقْبُولًا.

МАФЪУЛУН БИХ

Мафъулун бих устида бир иш қилинмиш шахснинг исми бўлиб, каломда гўё кимни, ёки нимани, деган саволга жавоб ҳукмида зикр этилади. Мафъулун бих ўзбек тилига таржима қилинганда охирига (-ни) қўшимчаси қўшилади. Масалан:

قَتَلْتُ عَقْرَبًا، رَأَيْتُ ذَنْبًا، أَكَلْتُ طَعَامًا، جَمَعْتُ مَالًا.

Камдан-кам баъзи мафъулун бихларнинг таржимасига (-га) қўшимчаси қўшилади. Масалан:

أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا жумлаларидаги Аллоҳ ва Зайд лафзлари каби.

Қоида: *Ҳар бир мафъулун бих мансуб бўлади.* Масалан:

أَكْرَمْتُ مُسْلِمًا، أَكْرَمْتُ مُسْلِمَيْنِ، أَكْرَمْتُ مُسْلِمَاتٍ.

Қоида: *Феълларга муттасил бўлган замирларнинг ҳар бири ҳукман мансуб бўлиб, мафъулун бих бўлади.* Масалан:

ضَرَبْتُ، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهُمْ، ضَرَبْتُهَا، ضَرَبْتُهُمَا، ضَرَبْتُهُنَّ، ضَرَبْتُكَ، ضَرَبْتُكُمَا، ضَرَبْتُكُمْ، ضَرَبْتُكِ، ضَرَبْتُكُمَا، ضَرَبْتُكُنَّ، ضَرَبْتُنِي، ضَرَبْنَا.

Қоида: *Мафъулун бих маълум феълларга хослангандир.* Мажхул сийғали феълларнинг мафъулун бихлари зоҳир бўлмайди. Зеро мажхул феълларнинг ҳақиқий фоиллари зикр қилинмагани учун мафъулун бихлари марфуъ бўлиб, фоил ўрнига (ноиб фоил) туради. Масалан:

فُتِحَ الْبَابُ، ضَرِبَ زَيْدٌ، أَكَلَ الطَّعَامُ، قُتِلَ ذَنْبٌ.

Кўпинча мафъулун бихлар феълдан кейин келади. **Инхисори тафҳим** (феъл маъносини мафъулун бихга чеклаш) учун баъзан феълдан олдин ҳам келади. Масалан:

اللَّهُ أَعْبُدُ (Аллоҳ таъологагина ибодат қиламан)

زَيْدًا ضَرَبْتُ (Фақат Зайдни урдим)

نَصِيكَ تَنَالُ (Фақат насибангни оласан)

Музофин илайҳили мафъулун бихлар

رَأَيْتُ فَرَسَ بَكْرٍ، أَكَلْتُ لَحْمَ الْبَقْرِ، أَخَذْتُ رَقِيمَ الْحَبِيبِ، أَكْرَمْتُ فَقْرَاءَ الْبَلَدِ .

Сифатли мафъулун бихлар:

رَأَيْتُ رَجُلًا عَالِمًا، أَمَلْتُ لَحْمًا مَشْوِيًّا، كَتَبْتُ مَكْتُوبًا عَرَبِيًّا، قَتَلْتُ حَيَّةً كَبِيرَةً .

Таъкидли мафъулун бихлар:

رَأَيْتُ زَيْدًا نَفْسَهُ، أَكَلْتُ الرُّمَانَ كُلَّهُ، رَأَيْتُ الرَّجُلَيْنِ كِلَيْهِمَا، رَأَيْتُ الْأَحْبَابَ أَجْمَعِينَ .

Баъзи феълларнинг иккита мафъулун бихлари бўлади. Масалан:

أَعْطَيْتُ زَيْدًا دَرَاهِمًا، عَلَّمْتُ بَكْرًا عُلُومًا، أَطْعَمْتُ زَيْدًا لَحْمًا، أَلْبَسْتُ زَيْدًا جُبَّةً .

Ушбу жумлалардаги таъйинотлар ҳам мафъулун бихлардир:

اجْتَهَدْتُ كُلَّ الْإِجْتِهَادِ، عَزَزْتُهُ بَعْضَ التَّعْزِيرِ، جَلَسْتُ أَحْسَنَ الْجُلُوسِ، عَمِلْتُ خَيْرَ الْعَمَلِ، تَفَعَّلُ شَرَّ الْفِعْلِ، تَفَعَّلُ أَسْهَلَ الْأَفْعَالِ

Баъзи наҳв олимлари бу таъйинотларни мафъули мутлақ деб ҳисоблайдилар.

Мафъулун бих ҳам феълларгагина хосланган эмас. Баъзи вақтларда исми фоил ва исми фаъол каби исми сифатларнинг ҳам мафъулун бихлари зикр этилади. Масалан:

زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرًا، بَكْرٌ أَكَلَ خُبْزًا، خَالِدٌ طَالِبٌ عِلْمًا، عَمْرٌو أَكَلَ لَحْمًا .

Баъзи вақтларда исми фоил билан исми фаъол мафъулларига изофа бўладилар. У вақтда мафъуллари мансуб бўлмайди, балки мажрур бўлади. Масалан:

زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرٍ، بَكْرٌ أَكَلَ الْخُبْزِ، خَالِدٌ طَالِبٌ الْعِلْمِ، عَمْرٌو أَكَلَ اللَّحْمِ .

Исми сифатларнинг мафъулларининг изофаси изофаи лафзийдир. Шунга биноан музоф бўлсалар ҳам маърифа бўлмайдилар. Уларни маърифа қилиш учун музофнинг олдига **ال** киритилади. Масалан:

الْأَكْلُ الْخُبْزِ، الطَّالِبُ الْعِلْمِ، الْأَكَّالُ اللَّحْمِ .

(Буҳақида «Изофаи лафзийя» бобида бироз сўзланган эди).

Қоида: **ال** билан маърифа бўлмаган мафъулларига музоф бўлган исми сифатларга ҳам **ال** кирмайди.

Масалан: الضَّارِبُ عَمْرٍو، الْأَكْلُ خُبْزِ، الطَّالِبُ عِلْمِ، الْأَكَّالُ لَحْمِ дейилмайди.

Мафъулли масдарлар

Баъзи вақтларда масдарларнинг ҳам мафъуллари зикр этилади.

Масалан: حُبُّنَا الْعِلْمَ أَشَدُّ مِنْ حُبِّنَا الْمَالَ .

Гоҳо ушбу масдарлар мафъулларига музоф ҳам бўладилар.

Масалан: حُبُّ الْعِلْمِ أَشَدُّ مِنْ حُبِّ الْمَالِ .

ЗАРФИ ЗАМОН

Зарфи замон бир ҳукмнинг замонини баён қилиш учун зикр қилинган исми зарфдир. Гўё (қачон?) ва (қай вақтда?) каби саволларга жавоб ҳукмида зикр қилинади.

Ўзбек тилига таржима қилинганда зарфи замон таржимасининг охирига кўпинча (-да) кўшимчаси кўшилади. Масалан: متى تَأْكُلُ؟ - أَكَلُ نَهَارًا .

Қоида: *Ҳар бир зарфи замон мансуб бўлади. Шунинг учун мўъроб бўлганлари лафзан мансуб бўлади, мабний бўлганлари ҳукман мансуб саналади.*

Машҳур зарфи замонлар жадвали

| № | зарф з | маъноси | мисоли |
|---|--------|---------|--------|
|---|--------|---------|--------|

| | | | |
|----|--------------|-------------------------|---|
| 1 | مَتَى | қачон? | مَتَى تَخْرُجُ؟ |
| 2 | أَيَّانَ | қачон? | أَيَّانَ احْتَرَقَ الْبَيْتُ؟ |
| 3 | قَبْلُ | олдин, аввал | نَحْنُ لَمْ نَعْلَمْ لِسَانَ الْعَرَبِ قَبْلُ |
| 4 | بَعْدُ | кейин, сўнг | تَأْكُلُ قَبْلُ وَ تَشْرَبُ بَعْدُ |
| 5 | قَبْلُ | олдин, (-гача) | تَتَوَضَّأُ قَبْلَ الْإِذَانِ |
| 6 | بَعْدُ | сўнгра | تَدْعُو بَعْدَ الصَّلَاةِ |
| 7 | قَطُّ | хеч қачон (мозийда) | لَمْ نَفْعَلِ الشَّرَّ قَطُّ |
| 8 | عَوْضُ | хеч қачон (мустақбалда) | لَا نَفْعَلُ الشَّرَّ عَوْضُ |
| 9 | رُبَّمَا | баъзан, гоҳо | رُبَّمَا نَتَصَدَّقُ مَا لَا كَثِيرًا |
| 10 | إِذْنُ | у вақтда, у ҳолда | إِذْنُ أَطَّلَعْتُكَ كَاذِبًا |
| 11 | أَمْسٍ | кеча | اشْتَرَيْتُ أَمْسٍ كُتُبًا كَثِيرَةً |
| 12 | الآنَ | ҳозир | الآنَ خَتَمْتُ قِرَاءَةَ الْقُرْآنِ |
| 13 | الْيَوْمَ | бугун | الْيَوْمَ ابْتَدَيْتُ قِرَاءَةَ الْقُرْآنِ |
| 14 | عَدَا | эртага | نَخْرُجُ عَدَا إِلَى الصَّحْرَاءِ |
| 15 | الليَلةَ | бугун тунда | أَطَّلَعُ اللَّيْلَةَ كِتَابًا مُفِيدًا |
| 16 | الْبَارِحَةَ | ўтган кеча | سِرْنَا الْبَارِحَةَ فِي الْأَرْقَةِ |
| 17 | نَهَارًا | кундузи | تَأْكُلُ الطَّعَامَ نَهَارًا |
| 18 | لَيْلًا | кечаси | نَضْطَجِعُ فِتْنَامَ لَيْلًا |
| 19 | صَبَاحًا | эрталаб | شَرَبْنَا الشَّايَ صَبَاحًا |
| 20 | مَسَاءً | кечкурун | جَاءَ الْأَصْيَافُ مَسَاءً |
| 21 | أَوَّلًا | аввал | تَتَوَضَّأُ أَوَّلًا ثُمَّ نُصَلِّي |
| 22 | آخِرًا | охирида, сўнгра | نَأْكُلُ أَوَّلًا وَ نَشْرَبُ آخِرًا |
| 23 | دَائِمًا | доимо | نَحْنُ نَتَنَفَّسُ دَائِمًا |
| 24 | غَالِبًا | кўпинча | نُطَالِعُ الْكُتُبَ غَالِبًا |
| 25 | بَعْضًا | баъзан | نَذْهَبُ إِلَى الْقُرَى بَعْضًا |
| 26 | كَثِيرًا مَا | кўп вақтда | كَثِيرًا مَا نَشْتَغَلُ بِأُمُورِ الدُّنْيَا |
| 27 | قَلِيلًا مَا | оз вақтда | قَلِيلًا مَا نَذْكُرُ الْآخِرَةَ |
| 28 | مُدَّةً | бир муддат | سَافَرْتُ مُدَّةً ثُمَّ رَجَعْتُ |
| 29 | سَاعَةً | бир соат | قَرَأْتُ الْقُرْآنَ سَاعَةً |
| 30 | يَوْمًا | бир кун | صُمْتُ يَوْمًا وَأَفْطَرْتُ يَوْمًا |
| 31 | أُسْبُوعًا | бир ҳафта | كَتَبْتُ الْكِتَابَ أُسْبُوعًا |
| 32 | شَهْرًا | бир ой | صُمْتُ شَهْرًا وَ أَفْطَرْتُ شَهْرًا |
| 33 | سَنَةً | бир йил | سَافَرْتُ سَنَةً |
| 34 | يَوْمَئِذٍ | ўша куни | يَوْمَئِذٍ نَذْهَبُ إِلَى الصَّحْرَاءِ |
| 35 | حِينَئِذٍ | ўша вақтда | حِينَئِذٍ نَأْكُلُ الطَّعَامَ فِي الصَّفَةِ |
| 36 | حِينَ | вақтида | رَأَيْتُ زَيْدًا حِينَ كَوْنِهِ فِي السُّوقِ |

Мавсул зарфи замонлар

Баъзи зарфи замонлар бир жумла билан боғланиб келади. Уларга мавсул зарфи замонлар дейилади. Ортидаги жумлаларга **силаи зарф** дейилади.

Машҳур мавсул зарфи замонлар 12 тадир:

| № | мав.3.3. | маъноси | МИСОЛИ |
|----|------------|-------------------|---|
| 1 | اِذْ | (-ганда) | جَلَسْتُ اِذْ جَلَسَ زَيْدٌ |
| 2 | اِذَا | (-ганда) | تَخْرُجُ اِلَى السَّفَرِ اِذَا طَلَعَ الْفَجْرُ |
| 3 | لَمَّا | шу вақтдаки | لَمَّا اَكَلْتُ - شَرِبْتُ |
| 4 | كُلَّمَا | ҳар гал, ҳар вақт | صَلَّيْتُ كُلَّمَا تَوَضَّأْتُ |
| 5 | مُدَّ | шу вақтдаки | خَرَجْتُ مُدَّ خَرَجْتُ |
| 6 | مُنْذُ | шу вақтдаки | جِئْتُ مُنْذُ دَعَوْتُ |
| 7 | يَوْمَ | шундай кундаки | يَوْمَ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ |
| 8 | حِينَ | вақтда | دَعَوْتُ حِينَ رَأَيْتُ الْهَالَالَ |
| 9 | حِينَمَا | шу вақтдаки | كَتَبْتُ حِينَمَا قَرَأْتُ كِتَابَكَ |
| 10 | بَيْنَمَا | шу вақт орасида | بَيْنَمَا فَتَحْنَا الْبَابَ رَأَيْنَا سَبْعًا |
| 11 | قَبْلَمَا | шу вақтдан олдин | تَوَضَّأْتُ قَبْلَمَا أَذَّنَ الْمُؤَذِّنُ |
| 12 | بَعْدَ مَا | шу вақтдан сўнг | صَلَّيْتُ بَعْدَ مَا أَذَّنَ الْمُؤَذِّنُ |

ЗАРФИ МАКОН

Зарфи макон бир ҳукмнинг маконини баён қилиш учун зикр қилинган исми зарфдир. Гўё (қаерда?) деган бир саволга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Ўзбек тилига таржима қилишда зарфи маконнинг охирига (-да) қўшимчаси қўшилади. Масалан: . **أَيْنَ جَلَسْتَ ؟ - جَلَسْتُ هُنَا .**

Қоида: Ҳар бир зарфи макон мансуб бўлади. Фақат мабний бўлганларигина лафзан мансуб бўлмасдан, ҳукман мансуб бўладилар.

Машҳур зарфи маконлар жадвали

| № | зарф.м | маъноси | МИСОЛИ |
|----|------------------|--------------|--|
| 1 | أَيْنَ | қаерда | أَيْنَ تَجْلِسُ؟ |
| 2 | أَيْ | қаердан | أَيْ تَأْخُذُ؟ |
| 3 | هُنَا، هَهُنَا | бу ерда | أَكَلْتُ هُنَا وَ شَرِبْتُ هَهُنَا |
| 4 | هُنَاكَ، هُنَاكَ | у ерда | تَوَضَّأْتُ هُنَاكَ وَ صَلَّيْتُ هُنَاكَ |
| 5 | ثُمَّ | у ерда | أَكَلْتُ هُنَا وَ شَرِبْتُ ثُمَّ |
| 6 | عِنْدَ | хузурида | قَرَأْنَا عِنْدَ الْأُسْتَاذِ |
| 7 | حَوْلَ | атрофида | طَفْنَا حَوْلَ الْكَعْبَةِ |
| 8 | بَيْنَ | орасида | تَوَقَّفْنَا بَيْنَ الْجَبَابِينِ |
| 9 | بَيْنَ بَيْنَ | икки ўртада | أَكَلْتُ مَعَهُمَا وَ جَلَسْتُ بَيْنَ بَيْنَ |
| 10 | حِذَاءَ | қаршисида | جَلَسْتُ حِذَاءَ زَيْدٍ |
| 11 | فَوْقَ | устида | نَمْتُ فَوْقَ السَّطْحِ |
| 12 | تَحْتَ | остида | جَلَسْتُ تَحْتَ السَّطْحِ |
| 13 | أَمَامَ | олдида | جَلَسْتُ أَمَامَ زَيْدٍ |
| 14 | خَلْفَ | орқасида | صَلَّيْتُ خَلْفَ الْإِمَامِ |
| 15 | يَمِينِ | ўнг тарафида | صَلَّيْتُ يَمِينِ زَيْدٍ |
| 16 | يَسَارَ | чап тарафида | صَلَّيْتُ يَسَارَ بَكْرٍ |

Эслатма: **أَيْنَ** баъзан жар ҳарфи билан истеъмом қилинади: **أَيْنَ مِنْ أَيْنَ ؟** каби.

Бу вақтда зул-жор жумласидан бўлади.

Қоида: Ушбу олти тарафнинг музофин илайҳилари зикр этилмаса, охирлари заммали бўлиб, мабний бўладилар. Масалан: *جَلَسَ زَيْدٌ فَوْقَ تَحْتِ أَمَامُ خَلْفُ يَمِينُ يَسَارُ* каби.

Мавсул зарфи макон.

«Шу ердаки» маъносида бўлган *حَيْثُ* лафзи ҳам зарфи макондир. Лекин у ҳар доим бир жумла билан мавсул бўлиши лозим. Масалан:

جَلَسْتُ حَيْثُ جَلَسَ زَيْدٌ، أَكَلْتُ حَيْثُ زَيْدٌ جَالِسٌ.

– *سَبَبْتُ زَيْدًا حَيْثُ* баъзан таълил (сабаблаш) учун *لَأَنَّهُ* маъносида истеъмол қилинади. Масалан *حَيْثُ* – *سَبَبْتُ* (Зайдни сўқдим, чунки у мени сўқди.)

ҲОЛ

Жумлада фоил ёки мафъулнинг ҳайъат (ҳолат) ва кайфиятини баён қилиш учун зикр қилинган исмга ҳол дейилади. Масалан: *جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا، رَأَيْتُ بَكْرًا جَالِسًا.*

Бир жумлада ҳол зикр қилинса, иш қилинган вақтда фоил ёки мафъул қандай ҳайъатда бўлганлиги тушунилади. Ҳоллар гўё (қандай ҳайъатда?) ва (қандай кайфиятда?) каби саволларга жавоб ҳукмида зикр қилинади. Ўзбек тилига таржима қилишда “бўлиб”, “бўлган ҳолда” каби иборалар билан таъбир қилинади. Масалан: *جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا* – жумлаларида бўлгани каби.

1. Қоида: Ҳар бир ҳол мансуб бўлади. Масалан:

جَاءَ الرَّجُلُ رَاكِبًا، جَاءَ الرَّجُلَانِ رَاكِبَيْنِ، جَاءَ الرَّجَالُ رَاكِبِينَ;
جَاءَتِ الْمَرْأَةُ رَاكِبَةً، جَاءَتِ الْمَرْأَتَانِ رَاكِبَتَيْنِ، جَاءَتِ النِّسَاءُ رَاكِبَاتٍ

Ҳолнинг мавсуфига соҳиби ҳол дейилади.

Масалан: *جَاءَ زَيْدٌ* жумласидаги *زَيْدٌ* соҳиби ҳолдир.

2. Қоида: Музаккар ва муаннас бўлишликда ҳол соҳибига эргашади.

Масалан: *جَاءَتِ الْمَرْأَةُ رَاكِبَةً، جَاءَ الرَّجُلُ رَاكِبًا.*

3. Қоида: Ҳоллар ҳар доим накра бўладилар. Масалан: *رَأَيْتُ زَيْدًا وَحَدَهُ، فَعَلَهُ زَيْدٌ جَهْدَهُ.*

Бу жумлаларда *وَحَدَهُ* ва *جَهْدَهُ* лафзлари зоҳиран маърифа бўлсалар-да, аслида *مُنْفَرِدًا* ва *مُجْتَهِدًا* билан таъвил қилингандир. Ҳол фоил ёки мафъулнинг ҳоли бўлиши эътибори билан икки турлидир: 1) фоилнинг ҳоли; 2) мафъулнинг ҳоли.

Фоил ҳолларининг мисоллари:

ذَهَبَ زَيْدٌ رَاكِبًا، جَاءَ زَيْدٌ مَاشِيًا، أَكَلَ زَيْدٌ جَالِسًا، جَلَسَ زَيْدٌ مُنْفَرِدًا، نَظَرَ زَيْدٌ مُتَبَسِّمًا، ضَرَبَ اللَّصُّ مَغْلُولًا، ذَهَبَ زَيْدٌ مَحْزُونًا، رَجَعَ زَيْدٌ مَسْرُورًا، تَكَلَّمَ زَيْدٌ فَرِحًا، نَامَ زَيْدٌ غُرِيَانًا، ذَهَبَ زَيْدٌ مَفِيقًا رَجَعَ زَيْدٌ سَكْرَانًا، سَارَ زَيْدٌ سَرِيعًا، ذَهَبَ زَيْدٌ فَقِيرًا، رَجَعَ زَيْدٌ غَنِيًّا.

Мафъул ҳолларининг мисоллари:

رَأَيْتُ زَيْدًا رَاكِبًا، ضَرَبْتُ زَيْدًا جَالِسًا، زَوَّجْتُ زَيْدًا كَهْلًا، شَرَبْتُ الْمَاءَ بَارِدًا، أَكَلْتُ الْخُبْزَ يَابِسًا، لَقِيتُ زَيْدًا مَغْمُومًا، دَاوَيْتُ زَيْدًا مَحْمُومًا، أَعْنَتُ زَيْدًا فَقِيرًا، رَبَّيْتُ زَيْدًا صَبِيًّا، رَأَيْتُ زَيْدًا غُرِيَانًا، قَتَلْتُ الْحَيَّةَ نَائِمَةً، رَكِبْتُ الْفَرَسَ مُسْرَجًا، لِأَتَأْكُلَ الطَّعَامَ حَارًّا وَلَا تَشْرَبَ الْمَاءَ بَارِدًا، لِأَتَمَشَ رُوَيْدًا (بَطِينًا).

Баъзи ҳоллар исми масдар сийғасида бўлади, лекин у масдарларнинг ҳар биридан исми фоил маъноси ирода қилинади. Масалан:

أَفْطَرْتُ سَهْوًا (سَاهِيًا)، أَمَلْتُ خَطَأً (خَاطِئًا)، قَرَأْتُ جَهْرًا (جَاهِرًا)، قَرَأْتُ مُخَافَتَةً (مُخَافَةً)، دَعَوْتُ عَلْنَا (مُعَلِّنًا)، فَرَزْتُ خَوْفًا (خَائِفًا)، سَلَّتُ تَكَرَّرًا (مُكْرَّرًا)، قَبَضْتُ الثَّمَنَ تَمَامًا (تَامًا)، أَعْطَيْتُ الدَّيْنَ كَمَالًا (كَامِلًا).

Ҳол фақат фоил билан мафъулун бихагина хосланган эмас. Гоҳи фоилнинг ёки мафъулнинг музофин илайҳилари бўлган исмларнинг ҳам ҳоллари зикр қилинади.

Масалан: *تَدَمَّعَتْ عَيْنَا الْإِمَامِ وَأَعْظَأَ، سَمِعْنَا صَوْتَ الْمُدْرَسِ مُقَرَّرًا.*

Камдан-кам мубтадо ва хабарларнинг ҳам ҳоллари бўлади.

Масалан: **زَيْدٌ أَكَلَ جَالِسًا، هَذَا زَيْدٌ قَائِمًا.**

Ҳоллар кўпинча исми сифатдан бўлсалар-да, баъзан исми зотларнинг ҳам ҳол бўлганликлари кўринади. Масалан: **أَكَلْتُ التَّمْرَ رُطْبًا، أَكَلْتُ التَّمْرَ بُسْرًا، هَذَا بُسْرًا أَطْيَبُ مِنْهُ رُطْبًا.**

маъносида бўлиб ҳол бўладилар. **مُجْتَمِعِينَ** ёки **مُجْتَمِعًا** лафзлари ҳам **كُلِّمًا، كَافَّةً، فَاطِبَةً، عُمُومًا، كُلًّا، طَرًّا، مَعًا**

Масалан:

أَكْرَمْتُ الْقَوْمَ جَمِيعًا، كَافَّةً، فَاطِبَةً، عُمُومًا، كُلًّا، طَرًّا، مَعًا.

маъносида бўлиб ҳол бўладилар. **(عَشْرَةَ عَشْرَةَ ... ثَلَاثَةَ ثَلَاثَةَ)** лафзлари ҳам **(مَعْشَرَ، عَشَارَ ... مَثَلَتْ، ثَلَاثَ)**

Масалан: **دَخَلَ الْقَوْمُ ثَلَاثَ، دَخَلَ الْقَوْمُ مَثَلَتْ، دَخَلَ الْقَوْمُ عَشَارَ، دَخَلَ الْقَوْمُ مَعْشَرَ.**

Баъзи жумлаларда **غَيْرٌ** лафзи мансуб ҳолда ҳол бўлиб, мадхули музофин илайҳи бўлиб, мажрур бўлади. Масалан:

ذَهَبَ زَيْدٌ غَيْرَ رَاكِبٍ، أَكَلَ زَيْدٌ غَيْرَ جَالِسٍ، رَأَيْتُ زَيْدًا غَيْرَ قَائِمٍ، لَقِيتُ زَيْدًا غَيْرَ مَسْرُورٍ.

ТАМЙИЗ

Бир жумланинг маҳкумидан ёки бир миқдорий исмдан ирода қилинган нарсани баён қилиш учун зикр қилинган исмларга **тамйиз** дейилади.

Жумла маҳкумининг тамйизларига **тамйизи маҳкумий** дейилади.

Исми миқдорларнинг тамйизларига **тамйизи миқдорий** дейилади.

Қоида: *Ҳар бир тамйиз, маҳкумий бўлса ҳам, миқдорий бўлса ҳам мансуб ва муфрад бўлади.*

Тамйизи маҳкумийга мисоллар:

زَيْدٌ أَحْسَنُ خُلُقًا، زَيْدٌ أَفْضَلُ عِلْمًا، زَيْدٌ أَشْرَفُ نَسَبًا، زَيْدٌ أَكْثَرُ مَالًا، زَيْدٌ أَقْلٌ وَكِدًا، زَيْدٌ أَصْدَقُ قَوْلًا، زَيْدٌ طَيِّبٌ نَفْسًا، هَذَا أَشَدُّ حُمْرًا.

Ушбу жумлалардаги тамйизлар аслида ҳар бири маҳкумдирлар. Зеро бу жумлалар аслида—

خُلُقٌ زَيْدٌ أَحْسَنٌ، عِلْمٌ زَيْدٌ أَفْضَلٌ، نَسَبٌ زَيْدٌ أَشْرَفٌ، مَالٌ زَيْدٌ أَكْثَرٌ، وَكِدٌ زَيْدٌ أَقْلٌ، قَوْلٌ زَيْدٌ أَصْدَقٌ، نَفْسٌ زَيْدٌ طَيِّبٌ، حُمْرَةٌ زَيْدٌ أَشَدُّ.

Миқдорий исмлар – адад (сон), вазн, кайл (оғирлик) ва мисоҳа (узунлик) ўлчовлари ҳамда мисл (қиёслаш) исмлари ёки улар маъносидаги сўзлардир: **عَشْرُونَ، رِطْلٌ، صَاعٌ، ذِرَاعٌ، قَدْرٌ، كَمٌّ، قَدْرٌ، كَأَيِّنٌ، كَذَا، كَذَا،** лафзлари каби.

Тамйизи миқдорийга мисоллар:

Адад

قِيمَةُ هَذَا الْكِتَابِ عَشْرُونَ دِرْهَمًا، اشْتَرَيْتُ سِتِينَ كِتَابًا بِثَلَاثِينَ دِينَارًا، صُمْنَا ثَلَاثِينَ يَوْمًا، عُمُرُهُ سَبْعُونَ سَنَةً وَ أَحَدَ عَشَرَ شَهْرًا وَخَمْسَةَ عَشَرَ يَوْمًا وَ أَحَدَى عَشْرَةَ سَاعَةً وَ خَمْسَةَ وَ خَمْسِينَ دَقِيقَةً، خَرَجْتُ عَنِ الْبَلَدَةِ فِي أَحَدَى عَشْرَةَ سَاعَةً وَ ثَلَاثِينَ دَقِيقَةً، كَمْ دِينَارًا مَالُكَ؟ مَالِي تِسْعَةٌ وَ تِسْعُونَ دِينَارًا، كَأَيِّنْ دِرْهَمًا تُعْطِي لِي؟ أُعْطِي لَكَ تِسْعُونَ دِرْهَمًا، مَالُهُ كَذَا غُرُشًا.

Вазн

اشْتَرَيْتُ رِطْلَيْنِ زَيْتًا، بَعْتُ مَنُوبَيْنِ سَمْنَا، هَذَا فَنَطَارٌ عَسَلًا، زِدْتُ عَلَى السَّمَنِ قَدْرَهُ عَسَلًا، زِدْتُ عَلَى الْعَسَلِ مِثْلَهُ مَاءً.

Кайл

اشْتَرَيْتُ صَاعَيْنِ تَمْرًا، وَرَأْفُوذًا خَلًّا، وَفَقِيرًا بُرًّا، وَصَاعَيْنِ شَعِيرًا.

Мисоҳа

اشْتَرَيْتُ ذِرَاعَيْنِ حَرِيرًا، بَعْتُ جَرِيْبَيْنِ مَزْرَعَةً، أُعْطِيتُ ذِرَاعًا بَرًّا.

Адад бўлмаган тамйизи миқдорийни мумайязига изофа қилишлик жоиз бўлади. Масалан:

اشْتَرَيْتُ رِطْلِي زَيْتٍ وَ صَاعِي تَمْرٍ وَ ذِرَاعِي حَرِيرٍ وَ ذِرَاعَ بَرٍّ .

Ҳамма тамйизларни жор ҳарфи **مِن** билан мажрур қилиб сўзлаш ҳам жоиздир. Масалан:

اشْتَرَيْتُ سِتِينَ مِنْ كِتَابٍ وَ رِطْلِينَ مِنْ زَيْتٍ وَ صَاعِينَ مِنْ تَمْرٍ وَ ذِرَاعِينَ مِنْ حَرِيرٍ .

Эслатма: *مَاءَ الْإِنَاءِ* **مَاءً** ва *هَذَا مَمْلُوءٌ خَلًّا* **مَاءً** ва *خَلًّا* лафзлари тамйиз эмас, балки маҳзуфул-жордирлар. Чунки уларнинг асллари *بِالْمَاءِ* ва *بِالْخَلِّ* дир. Жар ҳарфлари ҳазф қилингандан сўнг ўзлари мансуб бўлиб қолган. («Маҳзуфул-жор» бобида бунинг мисоли баён этилади).

МУСТАСНО

Истисно калималарининг биридан кейин зикр қилинган исмга **мустасно** дейилади. Истисно калималари 8 тадир:

الَّا، حَاشَا، خَلًّا، عَدًّا، مَاخَلًّا، مَاَعَدًّا، لَيْسَ، لَا يَكُونُ.

Мисоллар:

جَاءَنِي الْقَوْمُ الْآ زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ خَلًّا زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ عَدًّا زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ مَاخَلًّا زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ مَاَعَدًّا زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ لَيْسَ زَيْدًا، جَاءَنِي الْقَوْمُ لَا يَكُونُ زَيْدًا .

Истисно бир нарсани аввал ўтган ҳукмдан чиқариш демакдир.

Мустасно ўзидан олдинги ҳукмдан чиқарилган калима деганидир.

Истисно калимасидан аввал зикр қилинган умумий калимага **мустасно минху** дейилади.

Масалан: *جَاءَنِي الْقَوْمُ الْآ زَيْدًا* жумласида *القوم* мустасно минху, *الَّا* истисно калимаси, *زَيْدًا* мустаснодир.

Қоида: *Доимо мустаснонинг ҳукми мустасно минхунинг ҳукмига муҳолиф бўлади.*

Юқорида зикр қилинган жумладаги *القوم* нинг ҳукми келишлик, *زَيْدًا* нинг ҳукми эса келмаслик бўлгани каби.

Мустаснои муаххар ва мустаснои муқаддам

Мустасно минхудан кейин зикр қилинган мустаснога **мустаснои муаххар** дейилади.

Масалан: *جَاءَنِي الْقَوْمُ الْآ زَيْدًا* .

Мустасно минхудан аввал зикр қилинган мустаснога **мустаснои муқаддам** дейилади.

Масалан: *جَاءَنِي الْقَوْمُ . الْآ زَيْدًا* .

Мустаснои муттасил ва мустаснои мунқотъ

Мустасно мустасно минху жумласидан бўлиб, истисно этилмаганда унинг ҳукмига кирадиган бўлса, ундай мустаснога **мустаснои муттасил** дейилади. Масалан: *جَاءَنِي الْقَوْمُ الْآ زَيْدًا* жумласидаги *جَاءَنِي الْقَوْمُ* кабики, *الَّا* билан истисно этилмаса *قَوْمٍ* нинг ҳукмига кирази, яъни қавмнинг ичида Зайд ҳам келган ҳисобланади.

Мустасно мустасно минху жумласидан бўлмасдан, истисно этилмаганда ҳам унинг ҳукмига кирувчи бўлмаса, ундай мустаснога **мустаснои мунқотъ** дейилади. Масалан: *جَاءَنِي الْقَوْمُ الْآ حِمَارًا* жумласидаги *جَاءَنِي الْقَوْمُ* кабики, истисно этилмаса ҳам *قَوْمٍ* нинг ҳукмига кирувчи эмасдир.

Қоида: *Ҳар бир мустасно мансуб бўлади.* Фақатгина жумлаи адамийядан (манфий жумладан) сўнг *الَّا* билан зикр қилинган «мустаснои муаххари муттасил» бу қоида остига кирмайди. Чунки ундай мустасноларнинг эъроблари мустасно минхуларининг эъробларига эргашади.

Масалан: *مَا جَاءَنِي أَحَدًا الْآ زَيْدًا، مَا رَأَيْتُ أَحَدًا الْآ زَيْدًا، مَا جَلَسْتُ بِأَحَدٍ الْآ بَرِيدًا* .

Ушбу мисоллар каби жумлаи адамийдан кейин зикр қилинган мустасноларнинг ҳар бири **жумлаи хафийяи вужудийянинг** (манфий бўлмаган яширин жумланинг) бир қисмидир. Шунга биноан, улар шу яширин жумла ичида бўлганлик эътибори билан эъробландилар. Масалан:

ما جاءني أحدٌ إلا زيدٌ аслида ما جاءني أحدٌ إلا زيدٌ
 ما رأيتُ أحدًا إلا زيدًا аслида ما رأيتُ أحدًا إلا زيدًا
 ما جلستُ بأحدٍ إلا يزيدٌ аслида ما جلستُ بأحدٍ إلا يزيدٌ
 لا إلهَ إلا اللهُ موجودٌ аслида لا إلهَ إلا اللهُ موجودٌ

Мустаснои муфаррағ

Баъзи жумлаларда мустасно минху ҳазф қилинади. (Бундай ҳолларда мустасно худди истисно харфи бўлмаганидек эъробланади. Бу каби истиснога истиснои муфаррағ (мустасно минхудан фориғ бўлган истисно) дейилади.) Масалан:

ما جاءني أحدٌ إلا زيدٌ каби, аслида ما جاءني أحدٌ إلا زيدٌ
 ما رأيتُ أحدًا إلا زيدًا каби, аслида ما رأيتُ أحدًا إلا زيدًا
 ما جلستُ بأحدٍ إلا يزيدٌ каби, аслида ما جلستُ بأحدٍ إلا يزيدٌ
 قرأتُ كلَّ يومٍ الأيَّومَ الجمعةِ каби, аслида قرأتُ كلَّ يومٍ الأيَّومَ الجمعةِ

حاشا ، خلا ، عدا

Ушбу калималардан сўнг уч хил ҳаракат жоиз бўлади: рафъ, насб ва жар.

1) Феъл деган эътибор билан ўзидан кейингиси фоил бўлиб, марфуъ бўлади.

Масалан: . جاءني القومُ حاشا زيدٌ، خلا زيدٌ، عدا زيدٌ .

2) Истисно ҳарфи деган эътибор билан ўзидан кейингиси мустасно бўлиб, мансуб бўлади.

Масалан: . جاءني القومُ حاشا زيدًا، خلا زيدًا، عدا زيدًا .

3) Жар ҳарфи деган эътибор билан ўзидан кейингиси мажрур бўлади.

Масалан: . جاءني القومُ حاشا زيدٍ، خلا زيدٍ، عدا زيدٍ .

غَيْرٌ، سِوَاءٌ

Гоҳо **غَيْرٌ** ва **سِوَاءٌ** лафзлари билан истисно этилади. Лекин буларнинг мустаснолари музофин илайҳи бўлиб, доимо мажрур бўлади, ўзлари эса жумлаи вужудийдан кейин кўпинча мансуб бўлади. Масалан: . جاءني القومُ غيرَ زيدٍ، جاءني القومُ سِوَاءَ زيدٍ .

Жумлаи адамийдан сўнг сифат ҳукмида бўлиб, кўпинча мустасно минхуга эргашади. Масалан:

ما جاءني أحدٌ غيرُ زيدٍ، ما جاءني أحدٌ سِوَاءَ زيدٍ، ما رأيتُ أحدًا غيرَ زيدٍ، ما رأيتُ أحدًا سِوَاءَ زيدٍ، ما جلستُ بأحدٍ غيرَ زيدٍ، ما جلستُ بأحدٍ سِوَاءَ زيدٍ .

ЗУЛ-ЖОР

Жумлада «ҳарфлар» бобида баён қилинган жарларнинг бири билан зикр қилинган исмларга **зул-жор** дейилади. Зул-жор - жар ҳарфининг соҳиби демакдир. Жар ҳарфлари 16 тадир:

بِ، لِب، كَ، فِي، مِنْ، عَنْ، إِلَى، عَلَى، حَتَّى، مُذْ، مُنْذُ، حَاشَا، خَلَا، عَدَا، وَ، تَ .

Қоида: *Зул-жор бўлган исмлар олдиларидаги жар ҳарфи сабабли мажрур бўлади.* Масалан:

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ، ضَرَبْتُ لِلتَّأْدِيبِ، كَتَبْتُ كَالْحَطَّاطِ، جَلَسْتُ فِي الْمَسْجِدِ، رَجَعْتُ مِنَ السَّفَرِ، خَرَجْتُ عَنِ الْبَيْتِ، خَرَجْتُ إِلَى السَّفَرِ، كَتَبْتُ عَلَى الصَّحِيفَةِ، اجْتَهَدْتُ حَتَّى الصَّبَاحِ، لَأَرَى زَيْدًا مُذْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، لَأَرَى زَيْدًا مُنْذُ يَوْمِ السَّبْتِ، جَاءَنِي الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدٍ، جَاءَنِي الْقَوْمُ خَلَا زَيْدٍ، جَاءَنِي الْقَوْمُ عَدَا زَيْدٍ، وَاللَّهِ لِنُصَلِّبَنَّ، تَاللَّهِ لَنُصُوْمَنَّ .

Зул-жорнинг мулҳақлари

سَرْتُ مَعَ زَيْدٍ، جَاءَنِي الْقَوْمُ سَوَى زَيْدٍ، جَاءَنِي زَيْدٌ دُونَ بَكْرٍ، جَاءَنِي زَيْدٌ بِلَا أَذَبٍ، جَلَسَ زَيْدٌ بَغَيْرِ أَذَبٍ، جَلَسْتُ لَدَى الْأُسْتَاذِ، جَلَسْتُ لَدُنْ زَيْدٍ، جِئْتُ مِنْ لَدُنْ زَيْدٍ .

Қоида: *Ҳар бир зул-жор мажрур бўлади.* Масалан:

جِئْتُ بِزَيْدٍ، جِئْتُ بِزَيْدَيْنِ، جِئْتُ بِأَبِي بَكْرٍ .

Зул-жорнинг тааллуқлиги

Қоида: *Зул-жорлар ҳар доим жумла ичида бир феълга ёки бир исми сифатга мутааллиқ (тааллуқли) бўладилар. Зул-жор қандай феъл ва қандай исми сифатга мутааллиқ бўлиши ўзбек тилига таржима қилинганда зоҳир бўлади.* Масалан: *كُتِبْتُ بِالْقَلَمِ* жумласида *بِالْقَلَمِ* лафзи феълга мутааллиқ эканлиги тушунилади.

Феълга мутааллиқ бўлган зул-жорлар:

كُتِبْتُ بِالْقَلَمِ، جَلَسْتُ فِي الصُّفَّةِ، ذَهَبْتُ مِنَ الْبَلَدَةِ إِلَى الْقَرْيَةِ .

Исми сифатга мутааллиқ бўлган зул-жорлар:

زَيْدٌ كَاتِبٌ بِالْقَلَمِ، زَيْدٌ جَالِسٌ فِي الصُّفَّةِ، زَيْدٌ ذَاهِبٌ مِنَ الْبَلَدَةِ إِلَى الْقَرْيَةِ .

بِاللَّهِ *لَأَصُومَنَّ* чунки феълга мутааллиқ бўлади, қасамлар қаҳф қилинган *أُقْسِمُ بِاللَّهِ*, *تَاللَّهِ*, *بِاللَّهِ* аслида *أُقْسِمُ بِاللَّهِ* *لَأَصُومَنَّ* дир.

Баъзи зул-жорлар қаҳф қилинган бир исми сифатга мутааллиқ бўладилар. Масалан:

زَيْدٌ كَاتِبٌ فِي الدَّارِ، كَاتِبٌ فِي الدَّارِ دِير .

مَرِيْمٌ كَاتِبَةٌ فِي الدَّارِ، كَاتِبَةٌ فِي الدَّارِ دِير .

Гоҳи жумлалари ҳам зул-жор бўладилар. Масалан: *أَعْطَيْتَكَ لِأَنَّكَ فَقِيرٌ* .

Маҳзуфул-жор

Жар ҳарфлари қаҳф қилинган (туширилган) зул-жорларга маҳзуфул-жор дейилади. Масалан: *مَاءٌ* *امْتَلَأَ الْإِنَاءُ مَاءً* жумласидаги *مَاءٌ* кабики, аслида *بِمَاءٍ* дир. (Маҳзуфул-жор баъзи китобларда “мансуб биназъил хофиз” деб ҳам келтирилади.)

Қоида: *Маҳзуфул-жор бўлган исмларнинг ҳар бири мансуб бўлади.* Кузатишлар натижасида ушбу 8 та жар ҳарфлари маҳзуф бўлишлари маълум бўлган:

ب، ل، ك، فِ، مِ، اِلِ، عِلِ، مَعَ .

ب

امْتَلَأَ الْإِنَاءُ مَاءً (بِمَاءٍ)، هَذَا مَمْلُوءٌ عَسَلًا (بِعَسَلٍ)، الْخَبْزُ حَالَالٌ اِتِّفَاقًا (بِاتِّفَاقٍ)، الْأَكْلُ لَازِمٌ ضَرُورَةً (بِضَرُورَةٍ)، طَيْرَانُ الْإِنْسَانِ مُمَكِّنٌ فَرَضًا (بِفَرَضٍ)، كُسِرَ الْإِنَاءُ عَمْدًا (بِعَمْدٍ)، أَنْتَ غَنِيٌّ نَظْرًا (بِنَظَرٍ) إِلَى ثِيَابِكَ، سُرِقَ الْمَالُ قَصْدًا (بِقَصْدٍ)، مَاتَ زَيْدٌ فُجْأَةً (بِفُجْأَةٍ)، ضَرَبْتُ زَيْدًا بَعْتَةً (بِبَعْتَةٍ).

ل (مفعول له)

ضَرَبْتُ زَيْدًا تَأْدِيبًا (لِتَأْدِيبٍ)، أَكْرَمْتُ الْيَتِيمَ شَفَقَةً (لِشَفَقَةٍ)، سَرْتُ فِي الْحَدِيثِ تَفَرُّجًا (لِتَفَرُّجٍ)، ضَرَبْتُ زَيْدًا تَعْزِيرًا (لِتَعْزِيرِ)، أَكْرَمْتُ الْأُسْتَاذَ تَعْظِيمًا (لِتَعْظِيمِ)، طَرَدْتُ الْفَاسِقَ تَحْقِيرًا (لِتَحْقِيرِ)، لَمْ أَضْرِبِ الْعَدُوَّ جُبْنًا (لِجُبْنٍ)، لَا أَذِنُ مَخَافَةً (لِمَخَافَةِ اللَّهِ تَعَالَى)، الْمَالُ كَفَى لِلْمَرْءِ فَخْرًا (لِفَخْرٍ)، الْعِلْمُ كَفَى لِلْمَرْءِ عِزًّا (لِعِزٍّ).

ك

أَكْتُبُ مِثْلَ الْخَطَّاطِ (كَمِثْلِ الْخَطَّاطِ)، كَتَبْتُ خَطَّ الْمُعَلِّمِ (كَخَطِّ الْمُعَلِّمِ)، زَيْدٌ شَجِيعٌ مِثْلَ الْأَسَدِ (كَمِثْلِ الْأَسَدِ)، بَكَرٌ جَبَانٌ مِثْلَ الْأَرْزَبِ (كَمِثْلِ الْأَرْزَبِ) .

فِ

هَذَا مَقْبُولٌ عَادَةً (فِي الْعَادَةِ)، هَذَا جَائِزٌ عُرْفًا (فِي الْعُرْفِ)، هَذَا حَلَالٌ شَرْعًا (فِي الشَّرْعِ)، هَذَا مَمْنُوعٌ نِظَامًا (فِي النَّظَامِ)، زَيْدٌ صَدِيقٌ ظَاهِرًا (فِي الظَّاهِرِ)، زَيْدٌ عَدُوٌّ بَاطِنًا (فِي الْبَاطِنِ)، زَيْدٌ سَخِيٌّ حَقِيقَةً (فِي الْحَقِيقَةِ)، زَيْدٌ طَيِّبٌ زَوْجًا (فِي الزَّوْجِيَّةِ)، نِعَمَ زَيْدٌ رَجُلًا (فِي الرَّجُولِيَّةِ)، حُبْدًا زَيْدٌ رَفِيقًا (فِي الرَّفِيقِيَّةِ)، هُمَا مُتَشَابِهَانِ وَصَفًا (فِي الْوَصْفِ) وَمُتَخَالِفَانِ ذَاتًا (فِي الذَّاتِ)، نَأْكُلُ كُلُّ يَوْمٍ (فِي كُلِّ يَوْمٍ) وَنَصُومُ كُلَّ أُسْبُوعٍ (فِي كُلِّ أُسْبُوعٍ).

مِنْ

أَرْجُو زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، أَخَافُ زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، عَجِبْتُ زَيْدًا (مِنْ زَيْدٍ)، أَحْسَنَى السَّبْعَ (مِنْ السَّبْعِ)، اخْتَارَ زَيْدٌ أَحِبَّابَهُ (مِنْ أَحِبَّابِهِ) رَجُلَيْنِ، اسْتَغْفِرُ اللَّهَ الذُّنُوبَ (مِنْ الذُّنُوبِ)، أَيَّاكَ وَالشَّرَّ (مِنْ الشَّرِّ)، أَيَّاكُمْ وَالْغَيْبَةَ (مِنْ الْغَيْبَةِ)، الطَّرِيقَ الطَّرِيقَ (اتَّقُوا مِنَ الطَّرِيقِ)

Ушбу сўнгги маъзуфул-жорлардаги و ҳазф қилинган (مِنْ) ўрнига тургандир.

إِلَى

هَدَيْتُ الطَّرِيقَ (إِلَى الطَّرِيقِ)، أَرْسَلْتُ الْكِتَابَ زَيْدًا (إِلَى زَيْدٍ)، اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ (إِلَى الصِّرَاطِ الْمُسْتَقِيمِ).

عَلَى

صَعَدَ زَيْدٌ جَبَلًا (عَلَى جَبَلٍ)، كَتَبَ زَيْدٌ أَوْرَاقًا (عَلَى أَوْرَاقٍ)، أُعْطِيتُ زَيْدًا حَسَبَ طَلِبِهِ (عَلَى حَسَبِ طَلِبِهِ)، تَعَامَلُوا حَسَبَ الْقَوَانِينِ (عَلَى حَسَبِ الْقَوَانِينِ)، أَفْرَأَ الْقُرْآنَ كَثِيرًا خُصُوصًا (عَلَى الْخُصُوصِ) فِي رَمَضَانَ.

مَعَ (مَفْعُولٌ مَعَهُ)

جِئْتُ وَ زَيْدًا (مَعَ زَيْدٍ)، مَا تَصْنَعُ وَأَبَاكَ (مَعَ أَبِيكَ)، طَالَعْتُ الْكِتَابَ وَالْمِصْبَاحَ (مَعَ الْمِصْبَاحِ)، اسْتَوَى الْمَاءَ وَالْخَشْبَةَ (مَعَ الْخَشْبَةِ).

Ушбу маъзуфул-жорлардаги و ҳазф қилинган (مَعَ) ўрнига қоим бўлгандир.

(Ушбу мисоллар каби аввалида (مَعَ) ҳазф қилиниб, و билан зикр қилинган тазйинларни мутақаддим уламолар (مَفْعُولٌ مَعَهُ) деб номлашган.)

НОҚИС ФЕЪЛНИНГ ТЎЛДИРУВЧИСИ³

Ноқис феълларнинг маъносини мукамал қилиш учун зикр қилинган исмларга **мутаммими феъли ноқис** (ноқис феълнинг тўлдирувчиси) дейилади. Масалан:

كَانَ жумласидаги **عَالِمًا** кабики, **كَانَ** нинг маъносини мукамал қилиш учун зикр этилди.

Ноқис феълларнинг машҳурлари 12 тадир⁴:

| № | ноқис феъл | маъноси | мисоли | маъноси |
|----|--------------|------------------|------------------------------|-----------------------------|
| 1 | كَانَ | бўлди | كَانَ زَيْدٌ عَالِمًا | Зайд олим бўлди |
| 2 | صَارَ | айланди | صَارَ زَيْدٌ غَنِيًّا | ...бойга айланди |
| 3 | أَصْبَحَ | тонгда бўлди | أَصْبَحَ زَيْدٌ يَقْظَانًا | ...уйғоқ ҳолда тонг оттирди |
| 4 | أَمْسَى | кечқурунда бўлди | أَمْسَى زَيْدٌ نَائِمًا | ...ухлаб кечкирттирди |
| 5 | أَضْحَى | чошгоҳда бўлди | أَضْحَى زَيْدٌ آكِلًا | ...чошгоҳда еювчи бўлди |
| 6 | ظَلَّ | кундузида бўлди | ظَلَّ زَيْدٌ مَغْمُومًا | ...кундузи ғамгин бўлди |
| 7 | بَاتَ | тунда бўлди | بَاتَ زَيْدٌ مَرِيضًا | ...тунда касал бўлди |
| 8 | مَا زَالَ | доим бўлди | مَا زَالَ زَيْدٌ غَنِيًّا | ...доим бой бўлди |
| 9 | مَا انْفَكَّ | доим бўлди | مَا انْفَكَّ زَيْدٌ سَخِيًّا | ...доим сахий бўлди |
| 10 | مَا فَتِيَ | доим бўлди | مَا فَتِيَ زَيْدٌ سَخِيًّا | ... доим сахий бўлди |

³ Наҳв китобларида ноқис феълларнинг фоиллари **كَانَ** ва ахавотиннинг исми, тўлдирувчилари эса **كَانَ** ва ахавотиннинг хабари деб ҳам юритилади.

⁴ Аксарият наҳвшунослар **لَيْسَ** ни ҳам ноқис феъллардан ҳисоблайдилар.

| | | | | |
|----|------------|------------|-----------------------------------|-----------------------------|
| 11 | مَا بَرِحَ | доим бўлди | مَا بَرِحَ زَيْدٌ بِخِيَالٍ |доим бахил бўлди |
| 12 | مَا دَامَ | модомики | اجْلَسَ مَا دَامَ زَيْدٌ جَالِسًا | ...модомики ўтираркан, ўтир |

каби феъллар ноқис феълларнинг мулҳақларидандир. Масалан:

آلَ زَيْدٌ غَنِيًّا، تَحَوَّلَ الْجَمْدُ مَاءً، ارْتَدَّتْ زَيْدٌ بَصِيرًا، تَمَّ الدَّرَاهِمُ عَشْرِينَ، كَمَلَ الدَّنَائِرُ أَلْفًا .

1. Қоида: Ноқис феълларнинг тўлдирувчилари ҳар доим фоилининг сифатидан бўлади. Масалан: *كَانَ زَيْدٌ عَالِمًا* жумласидаги *عَالِمًا* Зайднинг сифати бўлгани каби.

2. Қоида: Музаққар ва муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда ноқис феълларнинг тўлдирувчилари фоилларига эргашадилар. Масалан:

كَانَ الرَّجُلُ عَالِمًا، كَانَ الرَّجُلَانِ عَالِمَيْنِ، كَانَ الرَّجَالُ عَالِمِينَ (عُلَمَاءَ)، كَانَتِ الْمَرْأَةُ عَالِمَةً، كَانَتِ الْمَرْأَتَانِ عَالِمَتَيْنِ، كَانَتِ النِّسَاءُ عَالِمَاتٍ .

3. Қоида: Ноқис феълларнинг тўлдирувчилари ҳар бири мансуб бўлади.

Ноқис феълларнинг масдарлари ҳам бир тўлдирувчига муҳтож бўлади. Масалан:

كَوْنُ زَيْدٍ عَالِمًا - عَجِيبٌ، صَيْرُورَةُ الْهَوَاءِ مَاءً - مُمَكِّنٌ .

Ноқис феълларнинг мозийдан бошқа сийғалари ҳам тўлдирувчисиз зикр этилмайди. Масалан:

يَكُونُ زَيْدٌ عَالِمًا، لَمْ يَكُنْ زَيْدٌ عَالِمًا، كُنْ مُتَوَاضِعًا .

гоҳо маъносида бўлади. Масалан:

كَانَ اللَّهُ وَلَمْ يَكُنْ مَعَهُ شَيْءٌ، كَانَ زَيْدٌ هُنَا وَكَانَ عَمْرُو هُنَاكَ .

феъллари гоҳо маъносида истеъмол қилинади. Масалан:

أَصْبَحَ زَيْدٌ غَنِيًّا، أَمْسَى زَيْدٌ فَقِيرًا، أَضْحَى زَيْدٌ عَالِمًا، ظَلَّ زَيْدٌ سَخِيًّا، بَاتَ زَيْدٌ بِخِيَالٍ .

ҚАЛБИЙ ФЕЪЛЛАРНИНГ ТЎЛДИРУВЧИСИ

Қалбий (ўй-фикр, гумон каби қалбда ҳосил бўлувчи) феълларнинг маъносини мукамал қилиш учун зикр қилинган исмларга **мутамими феъли қалбий** (қалбий феълларнинг тўлдирувчиси) дейилади. Масалан: *ظَنَنْتُ عَالِمًا* жумласидаги *عَالِمًا* сўзи нинг маъносини мукамал қилиш учун зикр қилинган.

Қалбий феълларнинг машҳурлари 12 тадир:

| № | қалб.ф. | маъноси | мисоли | маъноси |
|----|-------------|--------------|------------------------------------|-----------------------------|
| 1 | ظَنَنْتُ | гумон қилдим | ظَنَنْتُ زَيْدًا عَالِمًا | Зайдни илмли гумон қилдим |
| 2 | زَعَمْتُ | ўйладим | زَعَمْتُ الشَّمْسَ صَغِيرَةً | Қуёшни кичик деб ўйладим |
| 3 | خَلْتُ | хаёл қилдим | خَلْتُ الْأَمْرَ سَهْلًا | Ишни осон деб хаёл қилдим |
| 4 | فَرَضْتُ | фараз қилдим | فَرَضْتُ نَفْسِي غَنِيًّا | Ўзимни бой деб фараз қилдим |
| 5 | حَسِبْتُ | ҳисобладим | حَسِبْتُ الشَّرَابَ مَاءً | Шаробни сув ҳисоблабман |
| 6 | عَدَدْتُ | санадим | عَدَدْتُ زَيْدًا لَيْبًا | Зайдни оқил деб санадим |
| 7 | عَلِمْتُ | билдим | عَلِمْتُ زَيْدًا سَخِيًّا | Зайдни сахий деб билдим |
| 8 | دَرَيْتُ | билдим | دَرَيْتُ زَيْدًا جَاهِلًا | Зайдни жоҳил деб билдим |
| 9 | رَأَيْتُ | кўрдим | رَأَيْتُ الْعِلْمَ نَافِعًا | Илмни фойдали деб кўрдим |
| 10 | وَجَدْتُ | топдим | وَجَدْتُ الْحَاسِدَ مَغْمُومًا | Ҳасадчини ғамгин топдим |
| 11 | تَعَلَّمْتُ | билгин | تَعَلَّمْتُ الصَّنْعَةَ لِأَزْمَةٍ | Ҳунарни шарт деб бил |
| 12 | هَبْتُ | фараз қил | هَبْتُ زَيْدًا مَلِكًا | Зайдни шоҳ деб фараз қил |

1. Қоида: Қалбий феълларнинг тўлдирувчилари ҳар доим мафъулларига сифат бўлган ҳолда айтилади. Масалан: *ظَنَنْتُ زَيْدًا عَالِمًا* жумласидаги *عَالِمًا* Зайднинг сифати қилиб айтилгани каби.

2. Қоида: Музаққар ва муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда қалбий феълларнинг тўлдирувчилари мафъулларига эргашидилар. Масалан:

ظَنَنْتُ الرَّجُلَ عَالِمًا، ظَنَنْتُ الرَّجُلَيْنِ عَالِمَيْنِ، ظَنَنْتُ الرَّجَالَ عَالِمِينَ (عُلَمَاءَ)، ظَنَنْتُ الْمَرْأَةَ عَالِمَةً، ظَنَنْتُ الْمَرْأَتَيْنِ عَالِمَتَيْنِ، ظَنَنْتُ النِّسَاءَ عَالِمَاتٍ

3. Қоида: Қалбий феъллар тўлдирувчиларининг ҳар бири мансуб бўлади.

Қалбий феълларнинг масдарлари учун ҳам бирор тўлдирувчи керак. Масалан:

ظَنَّ زَيْدٌ جَاهِلًا - مُمَكِّنٌ، فَرَضَ الْفَقِيرُ غَنِيًّا - غَيْرُ مُفِيدٍ .

Қалбий феълларнинг мозий ва мутакаллим сийғаларидан бошқа сийғалари ҳам тўлдирувчига мухтож бўладилар. Масалан:

يَظُنُّ زَيْدٌ عَمْرًا جَاهِلًا، أَظُنُّكَ كَاذِبًا، يَزْعُمُ النَّاسُ الشَّمْسَ صَغِيرَةً، خَالَ زَيْدٌ الْفَجَرَ طَالِعًا، أَفْرَضُ مَالِي كَثِيرًا، تَحْسِبُنِي عَاقِلًا .

Баъзи вақтларда ظَنَنْتُ феъли маъносида، عَرَفْتُ феъли маъносида، رَأَيْتُ феъли маъносида ва وَجَدْتُ феъли маъносида келади. У вақтда буларнинг ҳеч бири тўлдирувчига мухтож бўлмайди. Масалан:

ظَنَنْتُ زَيْدًا فِي السَّرِقَةِ، عَلِمْتُ زَيْدًا، رَأَيْتُ زَيْدًا، وَجَدْتُ الصَّالَةَ .

Баъзи вақтларда қалбий феълнинг тўлдирувчиси ҳазф бўлади. Масалан: ظَنَنْتُ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا عِنْدَكَ дир. ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا فِي الدَّارِ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا عِنْدَكَ кабики, аслида

ظَنَنْتُ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا عِنْدَكَ дир. ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا فِي الدَّارِ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا عِنْدَكَ кабики, аслида

ظَنَنْتُ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا عِنْدَكَ дир. ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا فِي الدَّارِ ва ظَنَنْتُ زَيْدًا كَائِنًا عِنْدَكَ кабики, аслида

Қалбий феъллар жумласидан бўлиб, бирор бир тўлдирувчига мухтож бўладилар. Масалан:

أَعْلَمْتُ زَيْدًا عَمْرًا حَلِيمًا، أَذْرَيْتُ زَيْدًا عَمْرًا سَخِيًّا، أَرَيْتُ زَيْدًا الْحَرْفَةَ لِأَزْمَةٍ .

Қалбий феъллар баъзи вақт мубтадо билан хабардан сўнгра ёки мубтадо билан хабар орасида зикр қилинадилар. У вақтда мафъуллари ҳам бўлмайди, тўлдирувчилари ҳам бўлмайди. Масалан:

زَيْدٌ غَنِيٌّ (أَظُنُّ)، زَيْدٌ غَنِيٌّ (أَعْلَمُ)، زَيْدٌ (أَظُنُّ) غَنِيٌّ، زَيْدٌ (أَعْلَمُ) غَنِيٌّ .

Ушбу феъллар ҳам қалбий феъллар каби бирор бир тўлдирувчига мухтож бўлади:

أَعْدَدْتُ، هَيَّيْتُ، سَمَّيْتُ، صَيَّرْتُ، اتَّخَذْتُ، جَعَلْتُ

Мисоллари:

جَعَلْتُ الْبَيْتَ مَكْتَبًا، اتَّخَذْتُ الشَّرِيكَ صَدِيقًا، صَيَّرْتُ الطَّرِيقَ وَاسِعًا، سَمَّيْتُ الْوَلَدَ عَلِيًّا، هَيَّيْتُ الطَّعَامَ جَيِّدًا، أَعْدَدْتُ الْبَيْتَ مُرِيًّا لِلأَضْيَافِ .

ҲАҲ ХИЛ ТАЗЙИНОТЛАР

Қуйида келтирилган лафзлар ҳам жумлаларнинг тазйини учун истеъмол этилади. Уларнинг махсус исмлари бўлмаганлигидан ва турли-туман лафзлардан иборат бўлганликлари учун ҳаммаси битта қисмга жамланиб, «Ҳар хил тазйинотлар» номи билан номланди.

Ушбу тазйинотларнинг баъзилари мансубдир, баъзилари эса бирор эъробга яроқли эмасдир.

| № | тазйин | маъноси | мисоли |
|----|------------------|-------------------|---|
| 1 | جَدًّا | жуда | زَيْدٌ غَنِيٌّ جَدًّا |
| 2 | حَقًّا | ҳақиқатда | زَيْدٌ عَالِمٌ حَقًّا |
| 3 | قَطْعًا | шубҳасиз, қатъан | زَيْدٌ جَاهِلٌ قَطْعًا |
| 4 | الْبَيْتَةَ | албатта, шубҳасиз | زَيْدٌ عَالِمٌ الْبَيْتَةَ |
| 5 | مَرَّةً | бир марта | رَأَيْتُ زَيْدًا مَرَّةً |
| 6 | ثَارَةً | бир маротаба | رَأَيْتُ زَيْدًا ثَارَةً |
| 7 | ثَلَاثَ مَرَّاتٍ | уч карра | رَأَيْتُ زَيْدًا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ |
| 8 | مُطْلَقًا | нима бўлса ҳам | أَذْهَبُ عَدَا إِلَى الْبُسْتَانِ مُطْلَقًا |
| 9 | أَيْضًا | яна, ҳам | رَأَيْتُ زَيْدًا أَيْضًا |
| 10 | فَصَاعِدًا | яна ҳам зиёда | أَعْطَيْتُ خَمْسَةَ دَرَاهِمٍ فَصَاعِدًا |
| 11 | فَضْلًا | ташқари, тугул | أَكْرَمْتُ الْأَجَانِبَ فَضْلًا عَنِ الْأَقْرَابِ |
| 12 | لَا شَكَّ | шубҳасиз | لَا شَكَّ أَنَّكَ غَنِيٌّ |

| | | | |
|----|------------------|-----------------|---|
| 13 | كَيْفَ؟ | қандай | كَيْفَ جِئْتُ؟ جِئْتُ رَاكِبًا |
| 14 | كَيْتٌ وَ كَيْتٌ | шундай-шундай | قَالَ كَيْتٌ وَ كَيْتٌ |
| 15 | كَذَا | шундай, ўшандок | جَلَسَ زَيْدٌ كَذَا |
| 16 | كَذَلِكَ | шунга ўхшаб | كَذَلِكَ تَفْعَلُ وَ كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ |
| 17 | فَقَطٌ | фақат | جَاءَنِي زَيْدٌ فَقَطُ، رَأَيْتُ زَيْدًا فَقَطُ |
| 18 | فَحَسْبُ | шугина, фақат | جَاءَنِي زَيْدٌ فَحَسْبُ |
| 19 | أَيُّمَا | фақат | أَيُّمَا قَرَأَ زَيْدٌ |
| 20 | كَأَيُّمَا | гўёки | رَأَيْتُ زَيْدًا كَأَيُّمَا هُوَ مُسْكِينٌ |
| 21 | كَمَا | каби | عَظَمُوا أَبْوَابَكُمْ كَمَا يُعَظِّمُ الْعَبْدُ سَيِّدَهُ |
| 22 | وَالْأَيُّ | бўлмаса | أَنَا فَقِيرٌ وَالْأَيُّ أَطْعَمْتُ الْمَسَاكِينَ كُلَّ يَوْمٍ |
| 23 | الْأَيُّ | магар | نَامَ أَهْلُ الْبَلَدَةِ إِلَّا أَنَّ بَعْضَ الْعُلَمَاءِ تَهَجَّدَ |
| 24 | لَكِنْ | лекин | سِرٌّ أَيُّمَا شِئْتُمْ لَكِنْ لَا تَدْخُلُ الْبَيْتَانِ |
| 25 | لَكِنَّمَا | лекин | زَيْدٌ عَالِمٌ لَكِنَّمَا هُوَ خَفِيفُ الْعَقْلِ |
| 26 | بِيَدِ | лекин, аммо | زَيْدٌ عَنِّي بِيَدِ أَنَّهُ بِخَيْلٍ |
| 27 | حَتَّى | ҳатто, шу қадар | زَيْدٌ لَيْسَ حَتَّى لَا يُطْعِمَ أَوْلَادَهُ |
| 28 | أَصْلًا | асло | لَا نَسِبُ أَحَدًا أَصْلًا |

МАЪТУФЛАР

Жумлалар ичида таъйинотлардан ташқари атф харфларидан бири билан зикр қилинган яна бир тур исмлар бўладиги, уларга **маътуф** дейилади. Масалан: **بَكَرٌ** жумласидаги **زَيْدٌ** ва **بَكَرٌ** каби.

Маътуфлар доимо ўзларидан олдин зикр қилинган бошқа бир исмга тобеъ бўладилар. Улар тобеъ бўлган исмларга **маътуфун алайҳи** дейилади.

1. Қоида: *Маътуфлар маътуфун алайҳилари билан бир ҳукмда бўладилар, яъни жумла ичида маътуфун алайҳилар нима хусусида зикр қилинган бўлсалар, маътуфлар ҳам шу хусусда зикр қилинадилар.*

2. Қоида: *Марфуъ, мансуб ва мажрур бўлишида маътуфлар маътуфун алайҳиларига эргашидилар.* Масалан:

جَاءَنِي زَيْدٌ وَ بَكَرٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا وَ بَكَرًا، جَلَسْتُ مَعَ زَيْدٍ وَ بَكَرٍ.

Маътуфотларнинг мисоллари:

جَاءَنِي زَيْدٌ وَ بَكَرٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا فَبَكَرًا، لَقِيتُ زَيْدًا ثُمَّ بَكَرًا، مَاتَ النَّاسُ حَتَّى الْأَنْبِيَاءِ، هُوَ عَالِمٌ أَوْ جَاهِلٌ، أَرَزَيْدٌ أَمْ بَكَرٌ هُوَ؟ جَاءَنِي زَيْدٌ لَابَكَرٌ، لَمْ يَجِبْ زَيْدٌ وَ لَا بَكَرٌ، الْإِنْسَانُ إِذَا صَالِحٌ وَ إِذَا طَالِحٌ، لَمْ يَجِبْ زَيْدٌ بَلْ بَكَرٌ، لَمْ يَجِبْ زَيْدٌ لَكِنْ بَكَرٌ، جَاءَنِي الْمُعَلِّمُ أَيْ مَحْمُودٌ.

Баъзи мутааххирин олимлар **لَا سِيَّمَا** лафзидан кейин зикр қилинган исмларни ҳам маътуфотдан санаб, **لَا سِيَّمَا** ни ғатф харфларининг мулҳақотларидан ҳисоблайдилар. Масалан:

سِرُّ الْقَوْمِ لَا سِيَّمَا زَيْدٌ، أَكْرَمْتُ الْقَوْمَ لَا سِيَّمَا زَيْدًا، جَالَسْتُ مَعَ كُلِّ صَيْفٍ لَا سِيَّمَا زَيْدٍ.

Баъзи маътуфлар ҳазф қилинган **أَيُّ** воситаси билан боғланадилар. Масалан:

5. **دِيرٌ جَاءَنِي الْحَبِيبُ أَيْ زَيْدٌ** аслида **كَابِيКИ**, аслида **جَاءَنِي الْحَبِيبُ ... زَيْدٌ**

6. **دِيرٌ نَفَعَنِي الْأُسْتَاذُ أَيْ وَعَظُهُ** аслида **كَابИКИ**, аслида **نَفَعَنِي الْأُسْتَاذُ ... وَعَظُهُ**

7. **دِيرٌ رَأَيْتُ زَيْدًا أَيْ رَأْسُهُ** аслида **كَابИКИ**, аслида **رَأَيْتُ زَيْدًا ... رَأْسُهُ**

8. **دِيرٌ وَجَدْتُ دِرْهَمًا أَيْ دِينَارًا** аслида **كَابИКИ**, аслида **وَجَدْتُ دِرْهَمًا ... دِينَارًا**

⁵ Атфи баён

⁶ Бадали иштимол

⁷ Бадали баъз

⁸ Бадали ғалат

Маътуф жумлалар

Баъзан жумлалар ҳам атф ҳарфи билан бир-бирига маътуф бўладилар. Масалан: زَيْدٌ عَالِمٌ وَعَمْرٌو جَاهِلٌ، زَيْدٌ كَتَبَ وَعَمْرٌو قَرَأَ، دَخَلَ زَيْدٌ فَفَقَّامَ عَمْرٌو، دَخَلَ زَيْدٌ ثُمَّ خَرَجَ عَمْرٌو، إِمَّا زَيْدٌ سَخِيٌّ أَوْ عَمْرٌو سَارِقٌ، أَرْزَيْدٌ أَعْطَى أَمَّ عَمْرٌو سَرَقَ، زَيْدٌ سَخِيٌّ لَا عَمْرٌو سَارِقٌ، لَا زَيْدٌ سَخِيٌّ وَلَا عَمْرٌو سَارِقٌ، إِمَّا زَيْدٌ سَارِقٌ وَإِمَّا عَمْرٌو سَارِقٌ، لَمْ يَأْكُلْ زَيْدٌ بَلْ شَرِبَ، تَطَهَّرَ زَيْدٌ أَى اغْتَسَلَ .

МУНОДО

Баъзи жумлаларнинг олдида ёки орқасида нидо ва танбеҳ учун мухотабнинг исми бир нидо ҳарфи билан зикр этилади. Масалан: يَا عَبْدَ اللَّهِ اعْبُدِ اللَّهَ، أَعْبُدِ اللَّهَ يَا عَبْدَ اللَّهِ .

Мазкур мисоллардаги Абдуллоҳ каби нидо ва чорлов учун нидо ҳарфидан кейин зикр қилинган исмларга **мунодо** дейилади.

Нидо ҳарфлари олтигадир: يَا، أَى، هَيَا، أَيَا، يَا .

يَا عَبْدَ اللَّهِ، أَيَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ، هَيَا زَيْدُ، أَيَا أَحْمَدُ، أَمْحُمُودُ، وَأَا زَيْدَاهُ .

Мунодо 4 хилдир:

1) Мунодои музоф:

يَا عَبْدَ اللَّهِ، يَا رَسُولَ اللَّهِ، يَا رَبَّ الْعَالَمِينَ، يَا أَرْحَمَ الرَّحِمِينَ .

2) Мунодои шибҳи музоф:

يَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ، يَا حَسَنًا وَجْهَهُ، يَا رَوْوْفًا بِالْعِبَادِ .

3) Мунодои накраи мажҳула:

يَا فَاسِقًا دَعِ الْفَسِقَ، يَا رَجُلًا لَا تُحَقِّقِ النَّسَاءَ، يَا عَجُولًا لَا تَتَعَجَّلْ .

4) Мунодои маълум (ғойри музоф):

يَا زَيْدُ، يَا عَلِيَّ، يَا رَجُلُ، يَا حَبِيبُ، يَا خَادِمُ .

Маълум бир кимсага накра исм билан нидо қилинса, у мунодо мунодои накраи мажҳула жумласидан эмас, балки мунодои маълум жумласидандир. Масалан: يَا رَجُلُ، يَا حَبِيبُ، يَا خَادِمُ каби.

1. Қоида: *Мунодои музоф, мунодои шибҳи музоф ва мунодои накраи мажҳулаларнинг ҳар бири мансуб бўлади.*

Масалан: يَا عَبْدَ اللَّهِ، يَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ، يَا فَاسِقًا دَعِ الْفَسِقَ .

2. Қоида: *Мунодои маълум ҳар доим марфуъ бўлади.*

Масалан: يَا زَيْدُ، يَا زَيْدَانِ، يَا زَيْدُونَ، يَا رَجُلُ .

3. Қоида: *Мунодои маълум ҳеч қачон танвинли бўлмайди.*

Масалан: يَا زَيْدٌ дейилмайди, балки يَا زَيْدٌ дейилади.

4. Қоида: *Мунодои маълумнинг музоф ва шибҳи музоф бўлмаган сифати, таъкиди ва маътуфи марфуъ бўлади.*

Масалан: يَا زَيْدُ وَبَكْرُ، يَا قَوْمُ أَجْمَعُونَ، يَا زَيْدُ الْعَاقِلُ .

5. Қоида: *Мунодои маълумнинг музоф ёки шибҳи музоф бўлган сифати, таъкиди ва маътуфининг ҳар бири мансуб бўлади. Чунки мунодои маълум лафзан марфуъ бўлса ҳам, ҳукман мансубдир. Унинг музоф бўлган сифат, таъкид ва маътуфлари эъроб ҳукмига эргашадилар.* Масалан: يَا زَيْدُ صَاحِبَ بَكْرٍ، يَا قَوْمَ كُلُّهُمْ، يَا زَيْدُ وَعَبْدَ اللَّهِ، يَا رَجُلُ خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ .

6. Қоида: *Алам бўлган мунодои маълум ўзидан кейинги исмга музоф бўлган ابْنٌ ва ابْنَةٌ лафзлари билан мавсул бўлса, танвинсиз бўлиб мансуб бўлади.*

Масалан: يَا زَيْدُ بِنَ بَكْرٍ، يَا أَحْمَدُ بِنَ مُحَمَّدٍ، يَا مَرْيَمُ ابْنَةَ زَيْدٍ .

7. Қоида: Алам бўлмаган мунодои маълум ҳамда алам бўлса ҳам исми жинсга музоф бўлган *اَبْنُ* ёки *اَبْنَةُ* лафзлари билан мавсуф бўлган мунодои маълум мансуб бўлмайди. Балки бошқа мунодои маълумлар каби марфуъ бўлади.

Масалан: *يا رَبُّهُنَّ اَبْنَةُ فَقِيرٍ* . *يا خَادِمَةَ اَبْنَةِ بَكْرٍ* , *يا زَيْدُ اَبْنِ عَنِي* , *يا رَجُلُ اَبْنِ بَكْرٍ* ,

§ Баъзи мунодолар жар қилувчи *ل* билан мажрур бўладилар. Масалан: *يا لَزَيْدٍ* , *يا لَبَكْرٍ* .

Ушбу мисоллардаги каби *ل* ли мунодоларга мунодои мустағос (ёрдам сўралувчи) дейилади. Чунки мунодони ушбу жар қилувчи *ل* билан истеъмол қилиш ёрдам сўраш учун хослангандир.

8. Қоида: Жар қилувчи *ل* аслида касрали бўлса ҳам, мунодои мустағоса ва яна замирларга туташиганда мафтүх бўлади. Масалан: *لَهُ* , *لَهُمَا* , *لَهُمْ* каби.

ل билан бўлган мунодоларга мандуб дейилади. Чунки *ل* билан доимо вужудга келиши ё йўқолиши хафаликка сабаб бўлувчи нарсалар учун нидо қилинади. Мандуб дейишдан мурод вужуди ёки адами (йўқлиги) хафаликка сабаб бўлган нарса демакдир. Масалан: *وا وَيْلَاهُ* , *وا حَسْرَتَاهُ* , *وا* . *زَيْدَاهُ* .

§ Мунодои мандубнинг охирига кўпинча бир *ا* ва яна бир *و* сакта зиёда қилинади. Баъзан *يا* билан бўлган мунодолар ҳам мандуб бўладилар. Масалан: *يا زَيْدَاهُ* , *يا وَيْلَاهُ* , *يا* каби.

9. Қоида: *ال* билан маърифа бўлган исмларга нидо ҳарфлари кирмайди. *ال* ли исмга нидо қилиш керак бўлганда нидо ҳарфи билан мазкур исм ўртасига *اَيْهَا* ва *اَيْتُهَا* лафзлари киритилади. Масалан: *يا اَيْتُهَا الْمَرْأَةُ* ва *يا اَيْهَا الرَّجُلُ* каби.

§ Мутакаллим *ى* сига музоф бўлган мунодолар 4 хил истеъмол қилинади:

يا каби. *يا غُلَامًا* , *يا غُلَامِ* , *يا غُلَامِي* , *يا غُلَامِي* .

Яна *و* сакта билан *ياغُلَامِيه* , *ياغُلَامِيه* , *ياغُلَامِيه* , *ياغُلَامَاه* дейиш ҳам жоиздир.

يا ва *اَبِي* лафзлари 7 хил истеъмол этилади:

يا اَبِي , *يا اَبِي* , *يا اَبِي* , *يا اَبِي* , *يا اَبِي* , *يا اَبِي* , *يا اَبِي* .

يا اُمِّي , *يا اُمِّي* , *يا اُمِّي* , *يا اُمِّي* , *يا اُمِّي* , *يا اُمِّي* , *يا اُمِّي* .

Мунодои муроҳхом (қискартирилган мунодо)

Тўрт ва беш ҳарфли бўлиб, музоф бўлмаган мунодоларнинг бир ё икки ҳарфини ҳазф қилиб, қискартирилган ҳолда айтиш ҳам жоиздир. Масалан:

يا جَعْفَ , *يا عَمَّ* , *يا مَسْكُ* , *يا مَنصُ* , *يا حَمَّ* , *يا صَاحِ* , *يا جَعْفَرُ*

يا عَثْمَانُ , *يا مَسْكِينُ* , *يا مَنصُورُ* , *يا حَمَّادُ* , *يا صَاحِبُ* , *يا جَعْفَرُ*

§ Баъзи мунодоларнинг нидо ҳарфлари ҳазф қилинади. Масалан:

يا дир. *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* , *يا رَبَّنَا* . Яна *اللَّهُمَّ* кабики, аслида *اللَّهُ* кабики, аслида *اللَّهُ* дир.

ҳазф этилгандан сўнг *يا* дан бадал қилиб охирига *م* келтирилган.

§ Гоҳо мунодонинг ўзи ҳам ҳазф қилинади.

Масалан: *يا قَوْمِ ادْخُلُوا* , *يا قَوْمِ ادْخُلُوا* , *يا قَوْمِ ادْخُلُوا* , *يا قَوْمِ ادْخُلُوا* .

ЖУМЛАИ ИСМИЙЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жумлаи исмийянинг мубтадоси ҳам, хабари ҳам ҳар доим марфуъ бўлишидан хабарингиз бор.

1. Қоида: Жумлаи исмийянинг аввалига «Феълга ўхшаш ҳарфлар»нинг бири кирса, мубтадоси мансуб бўлади. Масалан:

1) *إِنَّ زَيْدًا عَالِمٌ* , *إِنَّ الرَّجُلَيْنِ عَالِمَانِ* , *إِنَّ الْمُسْلِمِينَ مُفْلِحُونَ* , *إِنَّ الْمُسْلِمَاتِ مُخَدَّرَاتٌ* .

- 2 سَمِعْتُ أَنْ زَيْدًا عَالِمٌ وَأَنَّ الرَّجُلَيْنِ عَالِمَانِ وَأَنَّ الْمُسْلِمِينَ مُفْلِحُونَ وَأَنَّ الْمُسْلِمَاتِ مُخَدَّرَاتٌ .
- 3 كَانَ زَيْدًا أَسَدًا، كَانَ الرَّوَجِيْنِ مُتَّحِدَانِ، كَانَ الْمُسْلِمِينَ اخْوَةً، كَانَ الْمُسْلِمَاتِ أَرْهَارًا .
- 4 مَا جَاءَنِي زَيْدٌ لَكِنَّ خَادِمَهُ حَاضِرٌ، لَا يَعْلَمُ زَيْدٌ شَيْئًا لَكِنَّ أَخَاهُ عَالِمٌ .
- 5 لَعَلَّ زَيْدًا سَخِيٌّ، لَعَلَّ الْعُلَمَاءَ صُلَحَاءَ، لَعَلَّ الْمُسْلِمِينَ مُتْرَقُونَ .
- 6 لَيْتَ زَيْدًا غَنِيٌّ، لَيْتَ عَمْرًا صَبِيٌّ، لَيْتَ الشَّبَابَ عَائِدٌ .
- 7 لِأَشْيَاءَ أَفْضَلَ مِنَ الْأَدَبِ، لِأَحْسَدَ فَائِزٌ، لِأَخَيْرَ مِنْ زَيْدٍ حَاضِرٌ .

§ Мазкур «Феълга ўхшаш ҳарфлар»нинг لا дан бошқалари баъзи жумлаларда замирларга боғланадилар. Масалан: إِنَّهُ عَالِمٌ، إِنَّكَ عَالِمٌ، إِنِّي عَالِمٌ .

Ушбу замирлар ҳукман мансуб бўлиб, жумланинг мубтадоси ва маҳкумидирлар. إِنْنَا ва إِنِّي лафзлари баъзи вақтларда бир ن лари ҳазф бўлиб, إِنِّي ва إِنَّا дейиладилар.

Масалан: إِنِّي خَائِفٌ، إِنَّا خَائِفُونَ .

§ Баъзи жумлаларда أَنْ нинг аввалига жар ҳарфлари киради. Масалан:

تَفَكَّرْتُ بِأَنَّ الْعَالِمَ مَخْلُوقٌ، زَيْدٌ رَفِيعٌ لِأَنَّهُ عَالِمٌ، أَشْكُ فِي أَنَّ زَيْدًا غَنِيٌّ.

Ушбу жумлаларда أَنَّ жумлалари жар ҳарфлари билан ҳукман мажрурдирлар.

2. **Қоида:** لَا дохил бўлган жумланинг маҳкуми мансуб бўлиши учун накра бўлиши ва ҳукмдан олдинда бўлиши шартдир. Агар ушбу икки шарт бўлмаса, фараз қилайлик, маҳкуми маърифа бўлса ёки ҳукмдан кейин келса, у вақтда мансуб бўлмайди, балки марфуъ бўлади. Масалан:

لَا زَيْدٌ غَنِيٌّ وَلَا عَمْرٌو، لَا قَائِمٌ رَجُلٌ وَلَا امْرَأَةٌ،

3. **Қоида:** Мазкур « لا и жинсия» дохил бўлган жумланинг мубтадоси накра бўлса ва ортида ҳукмдан бошқа ҳеч бир қайди бўлмаса, охирида танвин бўлмайди. Масалан:

لَا رَجُلٌ فِي الدَّارِ، لَا شَيْءٌ فِي السُّوقِ .

4. **Қоида:** Ушбу маҳкумларнинг сифатлари ҳам танвинсиз бўлади. Масалан:

لَا شَيْءٌ عَجِيبٌ فِي السُّوقِ، لَا رَجُلٌ عَاقِلٌ فِي الدَّارِ

5. **Қоида:** Агар ушбу لَا дохил бўлган жумланинг маҳкуми накраи муқойяда бўлса, яъни ортида ҳукмдан бошқа бир қайди ҳам бўлса, у вақтда танвинли бўлади. Масалан:

لَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ فِي الْمَجْلِسِ، لَا حَسَنًا خَلَقَهُ مَدْمُومٌ، لَا كَثِيرًا خَيْرُهُ بِحَيْلٍ.

6. **Қоида:** Ушбу لَا дохил бўлган жумланинг маҳкуми бир накрага музоф бўлса ҳам мансуб бўлади. Чунки накрага музоф бўлган исм маърифа эмасдир. Масалан:

لَا بَيْتٌ فَقِيرٌ مُزِينٌ، لَا صَاحِبٌ خَيْرٌ شَرِيرٌ، لَا سِرٌّ أَحَدٌ مَعْلُومٌ .

7. **Қоида:** «Феълга ўхшаш ҳарфлар» гоҳо фоили муқаддам бўлган жумлаи феълийяга кириб, унинг фоилини ҳам мансуб этадилар. Масалан:

إِنَّ زَيْدًا ضَرَبَ، إِنَّ الزَّيْدِيْنَ ضَرَبَا، إِنَّ الزَّيْدِيْنَ ضَرَبُوا، إِنَّ مَرْيَمَ ضَرَبَتْ، إِنَّ الْمَرْيَمِيْنَ ضَرَبْنَا، إِنَّ الْمَرْيَمَاتِ ضَرَبْنَ .

НАФИЙ АДОТЛАРИ

1. **Қоида:** Жумлаи исмийянинг аввалига нафий ҳарфларидан لَيْسَ ва لَا лар кирса, жумланинг хабари мансуб бўлади. Ушбу тўрт калиманинг ҳар бири «эмас» маъносидадир. Масалан:

1) لَيْسَ زَيْدٌ جَاهِلًا، لَيْسَ الرَّجُلَانِ جَاهِلَيْنِ، لَيْسَ الْمُسْلِمُونَ جَاهِلِينَ .

2) مَا زَيْدٌ جَاهِلًا، مَا الرَّجُلَانِ جَاهِلَيْنِ، مَا الْمُسْلِمُونَ جَاهِلِينَ .

3) لَا رَجُلٌ أَفْضَلَ مِنْكَ، لَا أَحَدٌ خَيْرًا مِنْكَ، لَا شَيْءٌ عَلَى الْأَرْضِ بَاقِيًا .

4) *إِنْ زَيْدٌ أَفْضَلُ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا مِنَ الْخَيْوَانَاتِ، إِنْ أَحَدٌ خَيْرًا مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِالْعِلْمِ .*

ئیسَ اسлида ҳарф (адот) бўлса ҳам феъл каби сарфланади. Унинг ҳам худди мозий феъли шаклида 14 сийғаси бордир:

ئیسَ، ئیسَا، ئیسُوا، ئیستَ، ئیستَا، ئسنَ، ئستَ، ئستَمَا، ئستُم، ئستَ، ئستَمَا، ئستُنَّ، ئستُ، ئسنا .

2. **Қоида:** *Ушбу ئیسَ нинг зоиб сийғалари жумланинг мубтадосидан олдин зикр қилинсалар, доимо муфрад бўладилар.* Масалан:

ئیسَ زَيْدٌ جَاهِلًا، ئیسَ الزَّيْدَانِ جَاهِلِينَ، ئیسَ الزَّيْدُونَ جَاهِلِينَ .

3. **Қоида:** *Агарда мазкур зоиб сийғалари жумланинг мубтадосидан кейин зикр қилинсалар, муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда мубтадоларига эргашидилар.* Масалан:

هُوَ ئیسَ جَاهِلًا، هُمَا ئیسَا جَاهِلِينَ، هُمَ ئیستَ جَاهِلَةً، هُمَا ئیستَا جَاهِلَتَيْنِ، هُنَّ ئسنَ جَاهِلَاتٍ .

4. **Қоида:** *ئیسَ нинг мухотаб ва мутакаллим бўлган сийғаларининг мубтадолари кўпинча ҳазф бўладилар.* Масалан:

кабики، ئستَ جَاهِلًا، ئستَمَا جَاهِلِينَ، ئستُم جَاهِلِينَ، ئستَ جَاهِلَةً، ئستَمَا جَاهِلَتَيْنِ، ئسنَ جَاهِلَاتٍ، ئسنا جَاهِلِينَ
аслида

أنتَ لستَ جَاهِلًا، أنتمَا لستَمَا جَاهِلِينَ، أنتم لستم جَاهِلِينَ، أنتَ لستَ جَاهِلَةً، أنتمَا لستَمَا جَاهِلَتَيْنِ، أننَّ لسنَّ جَاهِلَاتٍ، أنا لستَ جَاهِلًا،
نَحْنُ لسنَا جَاهِلِينَ .

5. **Қоида:** *ما ва لا ларнинг хабари мубтадосидан кейин бўлса, доимо мансуб бўлиб, муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда мубтадосига эргашади.* Масалан:

مَا زَيْدٌ قَائِمًا، مَا الزَّيْدَانِ قَائِمِينَ، مَا الزَّيْدُونَ قَائِمِينَ، لَا رَجُلٌ حَاضِرًا، لَا رَجُلَانِ حَاضِرِينَ، لَا رَجَالٌ حَاضِرِينَ .

6. **Қоида:** *Агар зикр қилинган ما ва لا ларнинг хабари мубтадосидан олдин бўлса, мансуб бўлмайди. Балки марфуъ бўлиб, мутлақо муфрад сийғасида бўлади.* Масалан:

مَا قَائِمٌ زَيْدٌ، مَا قَائِمُ الزَّيْدَانِ، مَا قَائِمُ الزَّيْدُونَ، لَا حَاضِرٌ رَجُلٌ، لَا حَاضِرٌ رَجُلَانِ، لَا حَاضِرٌ رَجَالٌ .

§ Баъзи вақтларда ушбу ئیسَ ма ва لا ларнинг хабарлари жар қилувчи (بـ) билан мажрур бўладилар. Масалан: ئیسَ زَيْدٌ بَعَالِمٍ، مَا زَيْدٌ بَعَالِمٍ، لَا رَجُلٌ بَعَالِمٍ .

Ушбу жар қилувчи (بـ) зоида бўлиб, ҳеч қандай маъноси йўқдир. У фақат нафийни таъкиди учун зиёда қилинади. Зикр қилинган жумлаларнинг хабарлари лафзан (بـ) билан мажрур бўлса ҳам, ҳукман нафий ҳарфлари билан мансубдир.

§ Ушбу нафий ҳарфлари гоҳо фоили муқаддам бўлган жумлаи феълияларга ҳам киради. Масалан: ئیسَ زَيْدٌ ضَرَبَ، مَا بَكَرٌ دَخَلَ، لَا رَجُلٌ خَرَجَ، إِنْ عَمَرُو ضَرَبَ أَحَدًا إِلَّا بَكْرًا .

МУЪРОБЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Жумлаларнинг жузь ва тазийнотларининг қайсилари марфуъ, қайсилари мансуб ва қайсилари мажрур бўлиши ўтган бобларда махсус қоидалар билан баён қилинган эди. Шундай бўлса ҳам, ёдлаш ва хотирада сақлаш осон бўлиши учун жумла ва каломда неча турли исмлар марфуъ бўлиши ва неча турли исмлар мансуб ёки мажрур бўлиши қуйида қисқача тарзда баён этилади.

Марфуълар

Араб тилида 4 хил исм марфуъ бўлади:

1- 2) Мубтадо ва хабар:

زَيْدٌ كَاتِبٌ، الرَّجُلَانِ عَالِمَانِ، الرَّجَالُ عُلَمَاءُ، الْمُسْلِمُونَ مَسْرُورُونَ، الْمُسْلِمَاتُ مَسْتَوْرَاتٌ، أَبُو بَكْرٍ ذُو مَالٍ .

3) Фоил:

كَتَبَ زَيْدٌ، كَتَبَ الزَّيْدَانِ، كَتَبَ الزَّيْدُونَ .

4) Мунодои маълум:

يَا زَيْدُ، يَا أَحْمَدُ، يَا عَارِفُ، يَا رَجُلُ، يَا خَادِمُ .

Мансублар

Араб тилида 16 хил исм мансуб бўлади:

1) Мафъули мутлак:

جَلَسْتُ جَلْسَةً، سَجَدْتُ سَجْدَتَيْنِ، ضَرَبْتُ ضَرْبَاتٍ .

2) Мафъулибиҳи:

ضَرَبْتُ زَيْدًا، رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ، أَكْرَمْتُ الْمُسْلِمِينَ، أَكْرَمْتُ الْمُسْلِمَاتِ .

3) Зарфи замон:

كَتَبْتُ الْيَوْمَ، خَرَجْتُ نَهَارًا، رَجَعْتُ لَيْلًا، أَذْهَبُ غَدًا .

4) Зарфи макон:

جَلَسْتُ أَمَامَ زَيْدٍ، قُمْتُ فَوْقَ الدُّكَّانِ، نِمْتُ تَحْتَ السَّطْحِ .

5) Ҳол:

سِرْتُ مَاشِيًا، جِئْتُمَا رَاكِبَيْنِ، خَرَجْتُمْ مَحْزُونَيْنِ، رَجَعْنَا بِأَكْيَاتٍ .

6) Тамйиз:

طَابَ زَيْدٌ خَلْقًا، زَيْدٌ أَكْثَرُ مَالًا، قِيمَةُ هَذَا الْكِتَابِ ثَلَاثُونَ دِرْهَمًا .

7) Мустанно:

جَاءَنِي الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا، قَرَأْتُ الْكِتَابَ إِلَّا صَحِيفَةً، صُمْتُ الشَّهْرَ إِلَّا يَوْمًا .

8) Маҳзуфул-жор:

امْتَلَأَ الْإِنَاءُ مَاءً، ضَرَبْتُهُ تَأْدِيبًا، جِئْتُ وَزَيْدًا، هَذَا حَرَامٌ شَرْعًا .

9) Ноқис феълининг тўлдирувчиси:

كَانَ زَيْدًا عَالِمًا، كَانَ الرَّجُلَانِ غَنِيَيْنِ، كَانَ الْمُسْلِمُونَ صَالِحِينَ، كَانَ الْمُسْلِمَاتُ مُسْتَوْرَاتٍ .

10) Қалбий феълининг тўлдирувчиси:

ظَنَنْتُ زَيْدًا عَالِمًا، ظَنَنْتُ الرَّجُلَيْنِ غَنِيَيْنِ، ظَنَنْتُ الْمُسْلِمِينَ صَالِحِينَ، ظَنَنْتُ الْمُسْلِمَاتِ مُسْتَوْرَاتٍ .

11) Баъзи турли хил тазйинотлар:

زَيْدٌ غَنِيٌّ جِدًّا، زَيْدٌ عَالِمٌ الْبَيْتَةِ، جِئْتُ الْيَوْمَ أَيْضًا .

12) «Феълга ўхшаш ҳарфлар»нинг мубтадолари:

إِنَّ زَيْدًا عَالِمٌ، إِنَّ الرَّجُلَيْنِ غَنِيَانِ، إِنَّ الْمُسْلِمِينَ صَالِحُونَ، إِنَّ الْمُسْلِمَاتِ مُسْتَوْرَاتٌ .

13) Нафий ҳарфларининг хабари:

لَيْسَ زَيْدٌ جَاهِلًا، لَيْسَ الرَّجُلَانِ جَاهِلَيْنِ، لَيْسَ الْمُسْلِمُونَ جَاهِلِينَ، لَيْسَتِ الْمُسْلِمَاتُ فَاجِرَاتٍ .

14) Мунодои музоф:

يَا عَبْدَ اللَّهِ، يَا خَادِمِي (ن) زَيْدِ، يَا مُسْلِمِي (ن) الْبَلَدَةِ، يَا مُسْلِمَاتِ الْبَلَدَةِ، يَا أَبَا بَكْرٍ .

15) Мунодои шибҳи музоф:

يَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ، يَا حَسَنًا وَجْهَهُ، يَا رَوْفًا بِالْعِبَادِ .

16) Мунодои накраи мажжула:

يَا فَاسِقًا دَعِ الْفَسَقَ، يَا رَجُلًا لَا تُحَقِّرِ النِّسَاءَ، يَا عَجُولًا لَا تَتَعَجَّلْ .

Мажрурлар

Араб тилида икки хил исм мажрур бўлади:

1) Музофин илайҳи:

كِتَابُ زَيْدٍ، كِتَابُ الزَّيْدِيِّنِ، كِتَابُ الزَّيْدِينَ، كِتَابُ الْمَرِيَمَاتِ، كِتَابُ أَبِي بَكْرٍ، كِتَابُ أَحْمَدَ .

2) Зул-жор:

بِالْأَدَبِ، لِلْعَمَلِ، كَالزُّهْدَاءِ، فِي الْمَدْرَسَةِ .

Тобеълар

Юқорида зикр қилинган марфуъ, мансуб ва мажрурлар ўзларининг аслий эъроблари билан ҳаракатланган исмлардир. Араб тилида ўзининг олдидаги бир исмга эргашиб, шу исмнинг

харакати билан ҳаракатланган исмлар ҳам бўладики, буларга **тавобеъ** (тобеълар) дейилади. Машхур тавобеъ учтадир: 1) Сифат; 2) Таъкид; 3) Маътуф.

Ушбу уч тавобеънинг ҳеч бирининг ўзига хос эъроби йўқдир, эргашган исмланининг эъроби нима бўлса, буларнинг эъроблари ҳам шундай бўлади. Яъни тобеъларнинг эргашган исмлари марфуъ бўлса, улар ҳам марфуъ бўладилар; эргашган исмлари мансуб бўлса, улар ҳам мансуб бўладилар; эргашган исмлари мажрур бўлса, улар ҳам мажрур бўладилар. Масалан:

1) Сифат:

جَاءَنِي رَجُلٌ عَالِمٌ، رَأَيْتُ رَجُلًا عَالِمًا، جَلَسْتُ مَعَ رَجُلٍ عَالِمٍ .

2) Таъкид:

جَاءَنِي زَيْدٌ نَفْسُهُ، رَأَيْتُ زَيْدًا نَفْسَهُ، جَلَسْتُ مَعَ زَيْدٍ نَفْسِهِ .

3) Маътуф:

جَاءَنِي زَيْدٌ وَ بَكْرٌ، رَأَيْتُ زَيْدًا وَ بَكْرًا، جَلَسْتُ مَعَ زَيْدٍ وَ بَكْرٍ .

Эслатма: Тавобеъдан бўлмиш бадал ва атфи баён ўз эргашган исмларига ҳазф бўлган *أى* билан маътуф бўлганлари учун мутааххирин уламолар наздида маътуфот жумласидан ҳисобланади:

جَاءَنِي زَيْدٌ أَيْ أَخُوكَ кабики, аслида أَخُوكَ دир.

رَأَيْتُ زَيْدًا أَيْ رَأْسَهُ кабики, аслида رَأْسَهُ دир.

سَلَبَ زَيْدٌ أَيْ ثَوْبَهُ кабики, аслида ثَوْبَهُ دир.

رَأَيْتُ رَجُلًا أَيْ حِمَارًا кабики, аслида حِمَارًا دир.

جَاءَنِي أَخُوكَ أَيْ زَيْدٌ кабики, аслида أَخُوكَ دир.

ҲАР ХИЛ ТАФСИЛОТЛАР

§ Баъзи жумлаларда бир мубтадонинг икки хабари бўлади. Масалан: زَيْدٌ عَالِمٌ وَ عَاقِلٌ каби.

§ Баъзи жумлаларда икки мубтадога бир хабар бўлади. Масалан: زَيْدٌ وَبَكْرٌ عَالِمَانِ каби.

§ Кўпинча мубтадо хабардан олдин бўлади. Масалан: الزَيْدُونَ عَالِمُونَ .

§ Баъзан хабар ҳам мубтадодан олдин бўлади. Масалан: عَالِمٌ زَيْدٌ، مُنْطَلِقٌ زَيْدٌ .

Қоида: Бир хабарнинг аввалида бир нафий ҳарфи ёки бир истифҳом ҳарфи бўлса, у хабар доимо муфрад сийгасида бўлиб, мубтадодан аввал зикр қилинади. Масалан:

مَا قَائِمٌ زَيْدٌ، مَا قَائِمٌ الزَّيْدَانِ، مَا قَائِمٌ الزَّيْدُونَ، لَا قَائِمٌ زَيْدٌ، أ قَائِمٌ زَيْدٌ؟ هَلْ قَائِمٌ زَيْدٌ؟ أَيْنَ قَائِمٌ زَيْدٌ؟ كَيْفَ جَالِسٌ زَيْدٌ؟

Маҳзуфлар

§ Баъзан мубтадо ҳазф бўлади. Масалан: زَيْدٌ ... дейилгани кабики, аслида هُوَ زَيْدٌ дир.

رَأَيْتُ شَخْصًا فَقُلْتُ هُوَ بَكْرٌ аслида رَأَيْتُ شَخْصًا فَقُلْتُ بَكْرٌ дир.

§ Баъзан хабар ҳазф бўлади: اسْتَيْقَظْتُ فَإِذَا السَّارِقُ دَاخِلٌ кабики, аслида اسْتَيْقَظْتُ فَإِذَا السَّارِقُ .. دир. Ёки

الرَّجُلُ .. فِي الدَّارِ، الرَّجُلَانِ .. فِي الدَّارِ، الرَّجَالُ .. فِي الدَّارِ، الْمَرْأَةُ .. فِي الدَّارِ، الْمَرْأَتَانِ .. فِي الدَّارِ، النِّسَاءُ .. فِي الدَّارِ

кабики, аслида

الرَّجُلُ كَائِنٌ فِي الدَّارِ، الرَّجُلَانِ كَائِنَانِ فِي الدَّارِ، الرَّجَالُ كَائِنُونَ فِي الدَّارِ، الْمَرْأَةُ كَائِنَةٌ فِي الدَّارِ، الْمَرْأَتَانِ كَائِنَتَانِ فِي الدَّارِ، النِّسَاءُ

دирлар. كَائِنَاتٌ فِي الدَّارِ

يَا نَا مَرِيْمٌ كَائِنَةٌ عِنْدَكَ وَ زَيْدٌ كَائِنٌ عِنْدَكَ аслида يَا نَا مَرِيْمٌ .. عِنْدَكَ وَ زَيْدٌ .. عِنْدَكَ دирлар.

يَا نَا أَيْنَ كَائِنٌ زَيْدٌ؟ وَ كَيْفَ كَائِنٌ زَيْدٌ؟ аслида يَا نَا أَيْنَ .. زَيْدٌ؟ وَ كَيْفَ .. زَيْدٌ؟ دирлар.

يَا نَا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ .. аслида يَا نَا كَائِنٌ عَلَيْكَ لَا بَأْسَ .. دир. Яна لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ .. аслида لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ .. аслида لَا بَأْسَ .. кабики, аслида لَا بَأْسَ ..

дир. لَا بَأْسَ ..

§ Гоҳо зарфи замонлардан *حِينَ* ҳазф бўлиб, унинг музофин илайҳиси мансуб бўлиб қолади. Масалан: *تَفَهُمٌ .. أَنْ يَكُونَ الْمُدْرَسُ مُقَرَّرًا* дир. *عَبِي* кабики, аслида *طُلُوعِ الشَّمْسِ* .. *طُلُوعِ الشَّمْسِ* кабики, аслида *حِينَ أَنْ يَكُونَ الْمُدْرَسُ مُقَرَّرًا* дир.

Икки феъл шериклиги

§ Баъзан икки феълга бир фоил бўлади. Масалан: *ضَرَبَنِي وَأَكْرَمَنِي زَيْدٌ* .

§ Баъзан икки феълга бир мафъулун бих бўлади. Масалан: *ضَرَبْتُ وَأَكْرَمْتُ زَيْدًا* .

§ Баъзи вақтларда бир исм бир феълга нисбатан фоил, иккинчи феълга нисбатан мафъулун бих бўлади. Демак, бу исм марфуъ бўлиши ҳам, мансуб бўлиши ҳам жоиз бўлади.

Масалан: *ضَرَبَنِي وَأَكْرَمْتُ زَيْدًا* ёки *ضَرَبَنِي وَأَكْرَمْتُ زَيْدٌ* .

§ Кўпинча фоил мафъулун бихдан олдин келади. Масалан: *ضَرَبَ زَيْدٌ عَمْرًا* .

§ Баъзан мафъулун бих фоилдан олдин келади.

Масалан: *ضَرَبَ خَادِمُهُ زَيْدٌ، ضَرَبَكَ زَيْدٌ، ضَرَبَ عَمْرًا زَيْدٌ* .

§ Кўпинча феъл фоилдан олдин бўлади. Масалан: *ضَرَبَ الزَّيْدُونَ، ضَرَبَ الزَّيْدَانِ، ضَرَبَ زَيْدٌ* .

§ Гоҳо фоил феълдан олдин бўлади. Масалан: *زَيْدٌ ضَرَبَ، الزَّيْدَانِ ضَرَبَا، الزَّيْدُونَ ضَرَبُوا* .

§ Баъзан мафъулун бих ҳам феълдан олдин бўлиб, феълнинг шу мафъулга чегараланганлигига далолат қилади. Масалан: *زَيْدًا ضَرَبْتُ، الْخَيْرُ نُرَيْدٌ، اللَّهُ نَعْبُدُ* .

§ Гоҳо мажхул феълнинг ноиб фоили ҳазф бўлиб, унинг ўрнига бир зарфи замон ёки бир зулжор туради. Масалан: *فُعِلَ* кабики, аслида *سُرِقَ الْمَالُ نَهَارًا* дир. Ва *أَجْتَمَعَ لِلدَّرْسِ* кабики, аслида *الإجتماعَ للدَّرْسِ* дир.

Эслатма: *Ҳар бир лозим феълнинг мажхули ушбу таъвилдадир.*

قِيلَ : *زَيْدٌ عَالِمٌ* , *يُقَالُ* : *زَيْدٌ عَامِلٌ* – *قِيلَ* мажхул феълларининг ноиб фоиллари орқаларидаги мақул қавл (айтилган сўз) бўлади. Масалан:

Жумлаи феъллийнинг қоидалари:

1. **Қоида:** *Фоил муаннаси зойри ҳақиқий бўлиб, феълдан кейин бўлса, феъл музаккар бўлса ҳам, муаннас бўлса ҳам жоиз бўлади.* Масалан: *طَلَعَ الشَّمْسُ – طَلَعَتِ الشَّمْسُ، غَلَبَ الظُّلْمَةُ – غَلَبَتِ الظُّلْمَةُ* .

2. **Қоида:** *Агарда ушбу жумлаларда феъл фоилдан кейин бўлса, феъл муаннас бўлиши лозимдир.* Масалан: *الشَّمْسُ طَلَعَتْ، الظُّلْمَةُ غَلَبَتْ* .

3. **Қоида:** *Фоил жамъи солими музаккар сийгаси бўлиб, феълдан олдин бўлса, феъл ҳам жамъи музаккар сийгаси бўлиши лозимдир.* Масалан: *الْمُسْلِمُونَ جَاءُوا* .

4. **Қоида:** *Агарда ушбу жумлада фоил феълдан кейин бўлса, феъл муфрад-музаккар сийгаси бўлиши лозимдир.* Масалан: *جَاءَ الْمُسْلِمُونَ* .

5. **Қоида:** *Фоил жамъи солими муаннас ёки жамъи таксир сийгаси бўлиб, феълдан олдин бўлса, феъл ё муфрад-муаннас сийгаси бўлади ё жамъ сийгаси бўлади.*

Масалан: *الْمُسْلِمَاتُ جَاءَتْ، الرَّجَالُ جَاءَتْ، الْمُسْلِمَاتُ حِينَ، الرَّجَالُ جَاءُوا* .

6. **Қоида:** *Агар ушбу суратда фоил феълдан кейин бўлса, феъл муфрад-музаккар бўлиши ҳам муфрад-муаннас бўлиши ҳам жоиздир.*

Масалан: *جَاءَ الْمُسْلِمَاتُ، جَاءَ الرَّجَالُ، جَاءَتْ الْمُسْلِمَاتُ، جَاءَتْ الرَّجَالُ* .

7. **Қоида:** *Фоил муаннаси ҳақиқий бўлиб, феълга ёпишган бўлмаса, феълнинг музаккар сийгаси бўлиши ҳам, муаннас сийгаси бўлиши ҳам жоиздир.*

Масалан: *جَاءَ الْيَوْمَ امْرَأَةٌ، جَاءَتْ الْيَوْمَ امْرَأَةٌ* .

8. **Қоида:** *Тасния ва жамъи солими музаккар сийгалари* ال *ли исмга музоф бўлсалар, охирларидаги ن лари соқит бўлгани каби, икки сукун жамъ бўлмаслиги учун рафъ ҳолида тасниянинг ا и ва жамънинг و и ҳам соқит бўлади.*

Масалан: *جَاءَنِي مُسْلِمُو الْقَوْمِ* ва *جَاءَنِي مُسْلِمًا الْقَوْمِ* лар каби.

Насб ва жарр ҳолларида тасниянинг ع си соқит бўлмайди, балки касрали қилиб айтилади. Аммо жамънинг ع и ҳазф бўлади.

Масалан: *رَأَيْتُ مُسْلِمِي الْقَوْمِ، جَلَسْتُ مَعَ مُسْلِمِي الْقَوْمِ، رَأَيْتُ مُسْلِمِي الْقَوْمِ، جَلَسْتُ مَعَ مُسْلِمِي الْقَوْمِ.*

أَبُو الرَّشَادِ، أَبَا الرَّشَادِ، أَبِي الرَّشَادِ، أَخُو الرَّشِيدِ، أَخَا الرَّشِيدِ، ذُو الْمَالِ، ذَا الْمَالِ، ذِي الْمَالِ. *ابو* *лафзлари* ال *ли исмга музоф бўлсалар, уч ҳолда ҳам иллат ҳарфлари ҳазф бўлади*⁹. Масалан: .

Ҳақиқий ва мажозий хабар

Мубтадонинг ўз сифатларидан бўлган хабарга **ҳақиқий хабар** дейилади.

Масалан: *زَيْدٌ حَسَنٌ، زَيْدٌ عَالِمٌ.*

Мубтадога алоқаси бўлган бошқа бир нарсанинг сифатларидан бўлган хабарга **мажозий хабар** дейилади. Масалан: *زَيْدٌ حَسَنٌ غُلَامُهُ، زَيْدٌ عَالِمٌ أَبُوهُ.*

1. **Қоида:** *Мажозий хабардан кейин доимо мубтадонинг замирига музоф бўлган бир фоил зикр этилиши лозимдир. Уша фоил ҳар доим мажозий хабарнинг ҳақиқий мавсуфи бўлади.* Зикр қилинган мисоллардаги *أَبُوهُ* ва *غُلَامُهُ* каби.

§ Баъзи бир мажозий хабарлар фоилларига музоф бўлади. У вақтда фоил муаррофи биллом бўлиб, мажрур бўлади. Охиридаги замири ҳам бўлмайди.

Масалан: *زَيْدٌ حَسَنٌ الْغُلَامِ، زَيْدٌ عَالِمٌ الْأَبِ.*

2. **Қоида:** *Мажозий хабар фоилига музоф бўлмаса, доимо муфрад бўлиб, музаккар ва муаннас бўлишликда ўзидан кейинидаги фоилга эргашади.* Масалан:

زَيْدٌ حَسَنٌ غُلَامُهُ، زَيْدٌ حَسَنٌ جَارِيَتُهُ، الزَّيْدَانِ حَسَنَةٌ جَارِيَتُهُمَا، الزَّيْدُونَ حَسَنَةٌ جَارِيَتُهُمْ، زَيْدٌ حَسَنٌ جَوَارِيَهُ، زَيْدٌ حَسَنٌ غُلَامَاهُ، زَيْدٌ حَسَنٌ أَوْلَادُهُ، الزَّيْدَانِ حَسَنٌ أَوْلَادُهُمَا، الزَّيْدُونَ حَسَنٌ أَوْلَادُهُمْ.

3. **Қоида:** *Агар мажозий хабар фоилига музоф бўлса, гўё ҳақиқий хабар ҳукмида бўлиб, у каби музаккар ва муаннас бўлишликда ҳамда муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда ўзидан олдиндаги мубтадосига эргашади.* Масалан:

زَيْدٌ حَسَنٌ الْغُلَامِ، زَيْدٌ حَسَنٌ الْجَارِيَةِ، الزَّيْدَانِ حَسَنًا الْجَارِيَةِ، الزَّيْدُونَ حَسَانًا الْجَارِيَةِ، زَيْدٌ حَسَنٌ الْجَوَارِيِ، زَيْدٌ حَسَنٌ الْغُلَامَيْنِ، زَيْدٌ حَسَنٌ الْأَوْلَادِ، الزَّيْدَانِ حَسَنًا الْأَوْلَادِ، الزَّيْدُونَ حَسَانًا الْأَوْلَادِ.

Ҳақиқий ва мажозий сифат

Мавсуфнинг ўз сифатларидан бўлган сифатга **ҳақиқий сифат** дейилади. Масалан:

جَاءَنِي الرَّجُلُ الْحَسَنُ، جَاءَنِي الرَّجُلَانِ الْحَسَنَانِ، جَاءَنِي الرَّحَالَ الْحَسَانَ، جَاءَنِي الْمَرْأَةُ الْحَسَنَةَ، جَاءَنِي الْمَرَاتَانِ الْحَسَنَتَانِ، جَاءَنِي النِّسَاءُ الْحَسَنَاتُ.

Мавсуфга алоқадор бўлган бошқа бир нарсанинг сифатларидан бўлган сифатга **мажозий сифат** дейилади. Масалан: *جَاءَنِي الرَّجُلُ الْحَسَنُ غُلَامُهُ، جَاءَنِي الْمَرْأَةُ الْحَسَنَةُ جَارِيَتُهَا.*

1. **Қоида:** *Мажозий сифатдан кейин доимо мавсуфнинг замирига музоф бўлган бир фоил зикр этилиши лозимдир. Уша фоил ҳар доим мажозий сифатнинг ҳақиқий мавсуфи бўлади.* Зикр қилинган мисоллардаги *غُلَامُهُ* ва *جَارِيَتُهَا* лар каби.

⁹ Эслатма: Ушбу қоидада айtilган ҳарфларнинг ҳазф бўлишлари фақат оғзаки талаффузга хос бўлиб, илтибосга ўрин қолдирмаслик учун ёзма шаклда сақланиб қолади.

2. **Қоида:** *Мажозий сифат доимо муфрад бўлиб, музаккар ва муаннас бўлишликда ўзидан кейиндаги фоилга эргашади. Аммо ҳаракатда ҳамда маъриф ва накра бўлишликда ўзининг олдидаги мавсуфга эргашади.* Масалан:

جَاءَنِى الرَّجُلُ الْحَسَنُ غَلَامُهُ، رَأَيْتُ الرَّجُلَ الْحَسَنَ غَلَامُهُ، جَلَسْتُ مَعَ الرَّجُلِ الْحَسَنِ غَلَامُهُ، جَاءَنِى رَجُلٌ حَسَنٌ غَلَامُهُ، جَاءَنِى الرَّجُلَانِ الْحَسَنُ غَلَامَهُمَا، جَاءَنِى الرَّجَالِ الْحَسَنُ غَلَامَهُمْ، جَاءَنِى الرَّجُلُ الْحَسَنَةُ جَارِيَتُهُ، جَاءَتْنِى الْمَرْأَةُ الْحَسَنُ غَلَامُهَا.

3. **Қоида:** *Мажозий сифат мажозий хабар каби фоилига музоф бўлса, гўё ҳақиқий сифат ҳукмида бўлиб, ҳаракатда ҳамда музаккар ва муаннас бўлишликда ва яна муфрад, тасния ва жамъ бўлишликда ҳамда маъриф ва накра бўлишликда ўзининг олдидаги мавсуфга эргашади.* Масалан:

جَاءَنِى الرَّجُلُ الْحَسَنُ الْجَارِيَةَ، جَاءَتْنِى الْمَرْأَةُ الْحَسَنَةُ الْغَلَامَ، جَاءَنِى الرَّجُلَانِ الْحَسَنَاتِ الْجَارِيَةَ، جَاءَنِى الرَّجَالِ الْحَسَنَاتِ الْجَارِيَةَ، جَاءَنِى الرَّجُلُ الْحَسَنُ الْغُلَامَانِ، جَاءَنِى الرَّجُلُ الْحَسَنُ الْجَوَارِي.

4. **Қоида:** *Мажозий сифат фоилига музоф бўлганда фоили муаррофи биллом бўлиб, замирдан холи бўлади* (Зикр қилинган мисолларга қаранг).

Ҳақиқий ва мажозий ҳол

Соҳиби ҳолнинг ўз сифати бўлган ҳолга **ҳақиқий ҳол** дейилади.

Масалан: . رَأَيْتُ زَيْدًا رَاكِبًا، جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا .

Соҳиби ҳолга алоқадор бошқа бир нарсанинг сифати бўлган ҳолга **мажозий ҳол** дейилади. Масалан: رَأَيْتُ زَيْدًا مَشْدُودًا لِبَاسُهُ جَاءَ زَيْدٌ رَاكِبًا خَادِمُهُ .

ТАКРОРЛАР

Мубтадонинг такрорланиши

Хабарлари муаррофи биллом бўлган мубтадолар гоҳо ўзларига рожеъ бўлган замир билан такрорланадилар. Масалан:

الرَّجُلُ هُوَ الْعَالِمُ، الرَّجُلَانِ هُمَا الْعَالِمَانِ، الرَّجَالُ هُمُ الْعُلَمَاءُ، الْمَرْأَةُ هِيَ الْعَالِمَةُ، الْمَرْأَتَانِ هُمَا الْعَالِمَتَانِ، النِّسَاءُ هُنَّ الْعَالِمَاتُ

Бу каби таркиблардан хабарнинг мубтадога хосланган ва чегараланганлиги тушунилади.

Мафъулнинг такрорланиши

Феълдан олдин зикр қилинган мафъулун биҳ баъзан бир замир билан такрорланади. Масалан:

زَيْدًا ضَرَبْتُهُ، الزَّيْدَيْنِ ضَرَبْتُهُمَا، الزَّيْدَيْنِ ضَرَبْتَهُمْ .

Ушбу мафъулларни марфуъ қилинган ҳолда мубтадо қилиб, ундан кейинги жумлани хабар қилиш ҳам жоиздир. Масалан: زَيْدٌ ضَرَبْتُهُ، الزَّيْدَانِ ضَرَبْتُهُمَا، الزَّيْدُونَ ضَرَبْتَهُمْ .

Замирнинг такрорланиши

Баъзи муттасил замирлар мунфасил замир билан такрорланади. Масалан:

إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ، إِنَّا نَحْنُ نُحْيِي الْمَوْتَى

Таъкидий такрор (Лафзий таъкид)

Таъкидлаш учун ҳар бир лафзни такрор зикр этиш жоиздир. Масалан:

زَيْدٌ - زَيْدٌ عَالِمٌ، زَيْدٌ عَالِمٌ - عَالِمٌ، ضَرَبَ - ضَرَبَ زَيْدٌ، نَعَمْ - نَعَمْ، لَا - لَا .

Урфий таъкид

Баъзи лафзларнинг биринчи ҳарфини (بـ) га айлантиб такрорланади.

Масалан: هَلِيلَجٌ - هَلِيلَجٌ، قَلَمٌ - قَلَمٌ، كِتَابٌ - كِتَابٌ، بِنَابٌ . Ушбу урфий таъкид форс ва ўзбек тилларида «п» ва «м» ҳарфлари билан бўлади. Масалан: китоб-питоб, нон-пон, ақча-мақча, пахта-махта каби.

Қўшимчалар

§ Амр, нахий, нафий ва истифҳомдан кейин атф ҳарифларидан و ва فَ билан зикр қилинган музореъ феъли ҳазф бўлган масдарий أَنْ билан мансуб бўлади. Масалан:

دِيرَ زُرْنِي إِنْ تَزُرْنِي فَلْيَكُنْ مِنِّي أَنْ أُكْرِمَكَ كَابِيКИ، اسليدا زُرْنِي فَأُكْرِمَكَ

دِيرَ لَا تَأْكُلِ السَّمَكَ وَلَا تَكُنْ مِنْكَ أَنْ تَشْرَبَ اللَّبْنَ اسليدا لَا تَأْكُلِ السَّمَكَ وَتَشْرَبَ اللَّبْنَ كَابِيКИ،

مَا تَأْتِينَا وَلَا يَكُونُ مِنْكَ أَنْ تَسْرُنَا كَابِيكِي، اسليدا تَسْرُنَا مَا تَأْتِينَا وَ تَسْرُنَا

دِير. هَلْ كَانَتْ عِنْدَكُمْ مَاءٌ فَإِنْ كَانَ عِنْدَكُمْ مَاءٌ فَيَكُونُ مِنِّي أَنْ أَشْرِبَهُ كَابِيكِي، اسليدا هَلْ عِنْدَكُمْ مَاءٌ فَأَشْرِبُهُ

§ مَا يَنْسِيهَا بُولْغَانِ أَوْ دَانَ كَيْيِنِ زَيْكِرِ قَلِيْنْغَانِ مُزُورِعُ فَيْيَلِي خَامِ «أَنْ وَ مُوْقِدَارَا» بِيْلَانِ مَانَسُوبِ بُولَادِي. مَسَالَانِ: لَأَحْفَرَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي كَابِيكِي، اسليدا لَأَحْفَرَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي

ЖУМЛА ВА КАЛОМ ТАРКИБИ

Жумлаи мужаррада ва жумлаи музайяна

Фақат икки калимадан, яъни фақат маҳқум билан ҳукмдан таркиб топган жумлага **мужаррад жумла** дейилади. Масалан: **كَتَبَ زَيْدٌ، زَيْدٌ كَاتِبٌ.**

Маҳқум ва ҳукмдан бошқа яна бир неча калималардан ҳосил бўлган жумлага **музайян жумла** дейилади. Масалан:

أَكَلَ زَيْدٌ أَكْلًا، أَكَلَ زَيْدٌ تُفَاحًا، رَجَعَ زَيْدٌ الْيَوْمَ، جَلَسَ زَيْدٌ هَهُنَا، قَرَأَ زَيْدٌ جَالِسًا، زَيْدٌ أَحْسَنُ خُلُقًا، خَرَجَ الْقَوْمُ الْيَوْمَ إِلَّا زَيْدًا، كَتَبَ زَيْدٌ بِالْقَلَمِ، امْتَلَأَ الْإِنَاءُ مَاءً، رَجَعَ زَيْدٌ فَقَطُّ، كَانَ زَيْدٌ عَالِمًا، طَلَبْتُ زَيْدًا عَالِمًا، جَاءَ زَيْدٌ وَ عَمْرُو .

Жумлаи исмийя ва жумлаи феълийя

Ҳукми исм бўлган жумлаларга **жумлаи исмийя** дейилади. Масалан: **الْكَاتِبُ زَيْدٌ، زَيْدٌ كَاتِبٌ.**

Ҳукми феъл бўлган жумлаларга **жумлаи феълийя** дейилади. Масалан: **زَيْدٌ كَتَبَ، كَتَبَ زَيْدٌ.**

Жумлаи вужудийя ва жумлаи адамийя

Маҳқумининг ҳукми билан сифатланишига далолат қилган жумлаларга **жумлаи вужудийя** (мусбат) дейилади. Масалан: **زَيْدٌ كَاتِبٌ، كَتَبَ زَيْدٌ، يَكْتُبُ زَيْدٌ، إِنَّ زَيْدًا كَاتِبٌ.**

Маҳқумининг ҳукми билан сифатланмаслигига далолат қилган жумлаларга **жумлаи адамийя** (манфий) дейилади.

Масалан: **زَيْدٌ لَا كَاتِبٌ، لَيْسَ زَيْدٌ كَاتِبًا، مَا كَتَبَ زَيْدٌ، لَمْ يَكْتُبْ زَيْدٌ، لَا يَكْتُبُ زَيْدٌ، لَنْ يَكْتُبَ زَيْدٌ.**

Жумлаи таълиқийя ва жумлаи ҳукмийя

Бири шарт, иккинчиси маршрут бўлган иккита қисқа жумладан таркиб топган узун жумлаларга **жумлаи таълиқийя** дейилади. Масалан: **إِنْ اجْتَهَدَ الْمُتَعَلِّمُ – يُحِبُّهُ الْمُتَعَلِّمُ.**

Жумлаи таълиқийя каби бўлмаган қисқа жумлаларга **жумлаи ҳукмийя** дейилади.

Масалан: **زَيْدٌ كَاتِبٌ، لِيَكْتُبَ زَيْدٌ، هَلْ زَيْدٌ كَاتِبٌ ؟**

Жумлаи шартийя ва жумлаи жазоийя

Жумлаи таълиқийянинг ҳар бири иккита жумлаи ҳукмийядан таркиб топган бўлади. Бу икки жумла доимо бири шарт, иккинчиси маршрут (шартнинг жавоби) бўлади. Шарт бўлган жумлага **жумлаи шартийя** дейилади. Маршрут бўлган жумлага **жумлаи жазоийя** дейилади. Зикр қилинган мисолдаги **إِنْ اجْتَهَدَ الْمُتَعَلِّمُ** жумласи жумлаи шартийядир, **يُحِبُّهُ الْمُتَعَلِّمُ** жумласи эса жумлаи жазоийядир.

Жумлаи шартийя кўпинча жумлаи жазоийядан олдин бўлади. Камдан-кам ҳолларда жумлаи жазоийя ҳам олдин зикр қилинади. Масалан: **أُحِبُّكَ – إِنْ اجْتَهَدْتَ.**

Шартийя калималари

Ҳар бир жумлаи шартийянинг аввалида бир шартийя калимаси бўлиши лозимдир. Шартийя калималари 18 тадир:

إِنْ، مَا، مَنْ، أَيْ، أَيُّهُ، مَتَى، أَيَّانَ، أَيْنَ، أَيْ، مَهْمَا، كَيْفَمَا، حَيْثُمَا، إِذَا، إِذَا مَا، إِذَا، كَلَّمَا، لَوْ، لَمَّا .

Ушбу шартийя калималарининг аввалги 14 таси **жозима калималар** аталиб, жумлаи шартийяда ва жумлаи жазоийяда келган музореъ феълларни жазм қилади. Аммо сўнги 4 таси: **لَمَّا، إِذَا** лар жозима калималардан эмас.

Жумлаи таълиқийянинг мисоллари:

| № | шарт. | мисоллар | № | шарт. | мисоллар |
|---|-------|-------------------------------|----|-------|-------------------------------|
| 1 | إِنْ | إِنْ تُكْرِمْنِي – أُكْرِمُكَ | 10 | مهما | مَهْمَا تَطَلَّبُ – تَجِدُ |
| 2 | ما | مَا تَصْنَعُ – أَصْنَعُ | 11 | كيفما | كَيْفَمَا تَذْهَبُ – أَذْهَبُ |

| | | | | | |
|---|------|------------------------------------|----|-------|-------------------------------|
| 3 | من | مَنْ يَجْتَهِدْ - يَعْلَمْ | 12 | حيثما | حَيْثُمَا تَجْلِسُ - أَجْلِسُ |
| 4 | أي | أَيُّهُمْ يُكْرِمُنِي - أُكْرِمُهُ | 13 | إذما | إِذَا تَقْرَأُ - أَقْرَأُ |
| 5 | آية | أَيَّتُهُنَّ تَجْتَهِدُ - تَعْلَمُ | 14 | إذاما | إِذَا مَا تَكْتُبُ - أَكْتُبُ |
| 6 | متى | مَتَى تَخْرُجُ - أَخْرُجُ | 15 | إذا | إِذَا كَتَبْتَ - أَكْتُبُ |
| 7 | أيان | أَيَّانَ تُحْسِنُ - أَحْسِنُ | 16 | كلما | كَلَّمَا كَتَبْتَ - أَكْتُبُ |
| 8 | أين | أَيْنَ تَجْلِسُ - أَجْلِسُ | 17 | لو | لَوْ خَرَجْتَ - خَرَجْتُ |
| 9 | أني | أَنِّي تَأْخُذُ - أَخْذُ | 18 | لما | لَمَّا كَتَبْتَ - قَرَأْتُ |

Жумлаи ҳукмийя турлари

Жумлаи ҳукмийя уч турли бўлади:

- 1) Бўлган ёки бўлажак бир воқеа ҳақида хабар берган жумлаларга **жумлаи ихборийя** дейилади. Масалан: **يَكْتُبُ زَيْدٌ، زَيْدٌ كَتَبَ، زَيْدٌ كَاتِبٌ**.
- 2) Бир ишга буюрган ёки бир ишдан қайтарган жумлаларга **жумлаи талабийя** дейилади. Масалан: **لَا تَفْتَحْ يَا زَيْدُ، لَا يَفْتَحْ زَيْدٌ افْتَحْ يَا زَيْدُ، لِيَفْتَحَ زَيْدٌ**.
- 3) Бир ҳукми савол қилган жумлаларга **жумлаи истифҳомийя** дейилади. Масалан: **أَ كَتَبَ زَيْدٌ؟ أَرَيْدُ كَاتِبٌ؟ هَلْ كَتَبَ زَيْدٌ؟ هَلْ زَيْدٌ كَاتِبٌ؟**

Истифҳом калималари

Ҳар бир жумлаи истифҳомийянинг аввалида бир истифҳом калимаси бўлиши лозимдир. Истифҳом калималари 12 та:

هَلْ، أ، مَا، مَنْ، مَتَى، أَيَّانَ، أَيْنَ، أَنَّى، كَأَيِّنَ، كَمْ، كَيْفَ، أَيُّهُمْ .

Жумлаи истифҳомийяга мисоллар:

هَلْ زَيْدٌ كَاتِبٌ؟ أَرَيْدُ كَاتِبٌ؟ مَا هُوَ؟ مَنْ زَيْدٌ؟ مَتَى تَخْرُجُ؟ أَيَّانَ تُصَارِبُونَ؟ أَيْنَ تَجْلِسُ؟ أَنَّى تَأْخُذُ؟ كَأَيِّنَ دِرْهَمًا تُعْطِي؟ كَمْ دِينَارًا مَالُكَ؟ كَيْفَ جَلَسْتَ؟ أَيُّهُمْ أَعْلَمُ بَيْنَهُمْ؟

Истифҳомийя калималаридан бўлган **مَا** нинг аввалига жар ҳарфларидан бири туташса, энгиллик учун **مَا** нинг **ا** и соқит бўлади. Масалан: **بِمَ، لِمَ، فِيمَ، مِمَّ، عَمَّ، الْآمَ، عَلَامَ، كَيْمَ**.

Шарҳ: **كَيْمَ** даги **كَي** жар қилувчи **ل** маъносидаги жар ҳарфидир. Яъни **كَيْمَ** - **деганидир**.

Мустақил ва марбут жумлалар

Ўзи мустақил равишда зикр қилиниб, бошқа бир жумлага алоқаси ва боғлиқлиги бўлмаган жумлаларга **мустақил жумлалар** дейилади. Масалан: **كَتَبَ بَكْرٌ، زَيْدٌ كَاتِبٌ**.

Ўздан аввалги ёки кейинги бошқа бир жумлага боғланган жумлаларга **марбут (боғланган) жумлалар** дейилади. Масалан: **إِنْ جَاءَ زَيْدٌ - يَسْتَقْبِلُهُ بَكْرٌ**.

Марбут жумлалар

Марбут жумлалар 8 хил: 1) Жумлаи шартийя; 2) Жумлаи жазоийя; 3) Жумлаи хабарийя; 4) Жумлаи тавсифийя; 5) Жумлаи ҳолийя; 6) Жумлаи мавсулийя; 7) Жумлаи масдарийя; 8) Жумлаи мақула.

1) Жумлаи таълиқийяда шарт бўлган жумлаларга **жумлаи шартийя** дейилади. Масалан: **إِنْ جَاءَ زَيْدٌ** - жумласидаги **إِنْ جَاءَ زَيْدٌ** жумласи каби.

2) Жумлаи таълиқийяда маршрут (шартнинг жавоби) бўлган жумлаларга **жумлаи жазоийя** дейилади. Масалан: Зикр қилинган мисолдаги **يَسْتَقْبِلُهُ بَكْرٌ** жумласи каби.

3) Бир мубтадога хабар бўлиш учун зикр қилинган жумлаларга **жумлаи хабарийя** дейилади. Масалан: **أَنْفَهُ طَوِيلٌ** жумласидаги **زَيْدٌ - أَنْفَهُ طَوِيلٌ** жумласи каби.

4) Накра исмга сифат ҳукмида зикр қилинган жумлаларга **жумлаи тавсифийя** дейилади. Масалан: **سُرِقَ مَالُهُ** ва **عَقَلُهُ زَالَ** жумлаларидаги **جَاءَنِي رَجُلٌ زَالَ عَقْلُهُ** ва **رَأَيْتُ رَجُلًا سُرِقَ مَالُهُ** жумлалари каби.

5) Бир фоил ёки бир мафъулун биҳнинг ҳолини баён қилиш учун зикр қилинган жумлаларга **жумлаи ҳолийя** дейилади. Масалан:

جَاءَنِي زَيْدٌ (وَهُوَ رَاكِبٌ)، تَبَقَّظْتُ (وَالشَّمْسُ طَالِعَةٌ)، لَا تَقْلُ شَيْئًا (وَأَنْتَ غَضْبَانٌ)، جَاءَنِي زَيْدٌ يَسْرَعُ، رَأَيْتُ زَيْدًا (وَقَدْ زَالَ عَقْلُهُ)، تَبَقَّظْتُ (وَقَدْ طَلَعَتِ الشَّمْسُ).

6) Мавсула исмлар ва мавсула зарфлардан бирига сила (боғланган) бўлиш учун зикр қилинган жумлаларга **жумлаи мавсулийя** дейилади. Масалан:

الَّذِي (هُوَ عَدُوٌّكَ) رَجُلٌ جَاهِلٌ، الَّتِي (رَأَيْتَهَا) امْرَأَةٌ عَفِيفَةٌ، مَنْ (عَابَنِي) فَهُوَ حَاهِلٌ، مَا (رَأَيْتُهُ) شَيْءٌ عَجِيبٌ، جَلَسْتُ إِذْ (جَلَسَ زَيْدٌ)، جَلَسْتُ حَيْثُ (جَلَسَ زَيْدٌ).
غَضِبْتُ لَمَّا (ذَهَبْتُ)، عَظُمَ أَسْتَاذُكَ كَمَا (تُعَظَّمُ آبَاكَ)*.

7) Насб қилувчи **أَنَّ** ва феълга ўхшаган **أَنَّ** нинг кейинидан зикр қилинган жумлаларга **жумлаи масдарийя** дейилади. Чунки мазкур икки ҳарфдан кейин зикр қилинган жумлаларнинг ҳар бири масдар таъвилида ва енгил бир исм ҳукмида бўлади. Масалан: **أُرِيدُ قِرَاءَةَ** кабики, маъноси **أُرِيدُ أَنْ أَقْرَأَ الْقُرْآنَ** дир. **عَسَى زَيْدٌ** кабики, маъноси **عَسَى أَنْ يَخْرُجَ** дир. **سَمِعْتُ سَارِقِيَةَ زَيْدٍ** кабики, маъноси **سَمِعْتُ (أَنَّ زَيْدًا سَارِقًا)** дир. **الْقُرْآنَ** дир. **كَأَنَّ زَيْدًا خَرُوجًا** кабики, маъноси **كَأَنَّ زَيْدًا يَخْرُجُ** дир.

Ушбу жумладаги **يَخْرُجُ** аслида **أَنَّ يَخْرُجُ** дир. Афъоли муқорабадан кейин зикр қилинган музореъларнинг ҳар бири масдар маъносидадир.

8) **قَوْلٌ** (сўзлаш, бақириниш, чақириниш) феълларидан кейин зикр қилинган жумлаларга **жумлаи мақула** (гапирилган гап) дейилади. Масалан:

قَالَ زَيْدٌ: اللَّهُ أَكْبَرُ! يَقُولُ زَيْدٌ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ! قُلْتُ: اسْتَغْفِرُ اللَّهَ، جَهَرَ زَيْدٌ: اللَّهُ أَكْبَرُ! نَادَيْتُهُ: يَا زَيْدُ - يَا زَيْدُ!

ТАРКИБЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир жумла ва каломнинг ичида бўлган сўзларни сарф ва наҳв қоидаларига боғлиқ бўлган ҳолатларини бирма-бир, бўлиб-бўлиб баён қилишликка **таркибларнинг таҳлили** дейилади.

Энди ушбу китобда шу ўрингача наҳв илмининг тақрибан ҳамма муҳим қоидалари баён этилди. Сарф қоидаларидан кейин бу китобни ўқиган ўқувчилар ҳар бир арабий сўзларни таҳлил этишни билишлари керак.

Ўқувчиларни турли хил таркибларни таҳлил қилишга тайёрлаб, малакаларини ошириш учун келаси дарсларда ёзилган арабча жумлаларнинг ҳар бирини таҳлил эттириш лозимдир. Таҳлил осон бўлиши учун бериладиган жумлаларда ҳар бир калимадан кейин ушбу ишораларни қўйиб чиқдик:

(فأ) – феъл; (فل) – хабар; (خب) – мубтадо; (مب) – таъкид; (تأ) – сифат; (صف) – музофин илайҳи; (مضه) – фоил; (حا) – зарфи макон; (ظم) – зарфи замон; (ظن) – мафъулун бих; (مفب) – мафъули мутлак; (مفط) – ҳол; (متن) – ноқис; (متن) – тазйин; (تر) – маҳзуфул-жор; (محد) – зул-жор; (دجر) – мустасно; (مست) – тамйиз; (تم) – қалбий феълнинг мутаммими; (معط) – маътуф; (مند) – мунодо.

ҲАР ТУРЛИ ТАРКИБЛАР

زَيْدٌ (مب) - عَالِمٌ (خب)

Яъни **عَالِمٌ** мубтадо; **زَيْدٌ** хабардир.

*Ушбу икки жумладаги **مَا** калимасини **مَا** и масдарийя эътибор қилгандан кўра замирга муҳтож бўлмаган **مَا** и мавсулийя санашлик тўғрроқ ва машхурроқдир.

Саволлар: زيد исми, феълми ёки ҳарфми? Исм бўлса, қандай исм? Мўъробми ёки мабнийми? Марфуъми, мансубми ёки мажрурми? Рафъ аломати нима? Нима учун марфуъ? Маърифами ёки накрами?

عالم исми, феълми ёки ҳарфми? Қандай сийғада? Мўъробми ёки мабнийми? Марфуъми, мансубми ёки мажрурми? Рафъ аломати нима? Нима учун марфуъ? Маърифами ёки накрами? Ушбу жумла жумлаи исмийями ёки жумлаи феълиями?

Тавсия: *Уқувчи бир иборани таҳлил этгандан сўнг шу иборанинг ҳар бир калимаси ҳақида сарф қоидалари ва наҳв қоидаларига доир ҳар хил саволлар бериб, савол-жавоб қилишингиз манфаатлидир.*

